



матншунослиги  
қирралари

матн • тажриба • таҳлил

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ  
СОҲИБА УМАРОВА

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**  
**Соҳиба УМАРОВА**

**ЎЗБЕК**  
**МАТНШУНОСЛИГИ**  
**дИРРАЛАРИ**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2015

УДК: 801.8 (093)  
КБК 63.2(5Ў)  
С 60

С 60 Сирожиддинов, Шухрат  
Умарова, Соҳиба

Ўзбек матншунослиги қирралари: монография / Ш.Сирожиддинов, С.Умарова. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – 128 б.

ISBN 978-9943-985-07-0

УДК: 801.8 (093)  
КБК 63.2(5Ў)

*Матншунослик – адабиёт, тилшунослик, фалсафа ва тарих соҳаларига бирдек дахлдор соҳа.*

*Мазкур монографияда ўзбек матншунослиги ўз тараққиёт босқичларида тажрибадан ўтказган тадқиқ усуллари ва принциплари таҳлил этилган ҳамда бир системага келтирилган.*

*Монография шарқишунос ва филолог мутахассислар, миллий илмий-адабий меросимиз тадқиқотлари, қўлёзма манбалар тадқиқи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:** М.Саъдий

**Тақризчилар:** Қ.Содиқов, филология фанлари доктори, доцент  
Р.Зоҳид, филология фанлари номзоди, доцент  
А.Жуманазар, манбашунос

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-985-07-0

© «Ўзбек матншунослиги қирралари».  
© «Akademnashr», 2015

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин илмий-тарихий ва маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. 2014 йил 15 – 16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ кадр-қиммати билан абадиятга дахлдор илмий, маданий меросимизни тиклаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, кенг миқёсда ўрганиш, халқимизга етказиш соҳасида олиб борилган оламшумул ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди. Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз томонидан сўзланган нутқда Шарқ қўлёзмаларида сақланаётган улкан меросни ўрганиш ва оммалаштириш, ёшларга етказиш, шу йўналишда юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий-тадқиқот марказлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қилинган даъват бутун курраи заминдан йиғилган хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан мамнуният ила қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг нутқида эътибор қаратилган кўпгина жиҳатлар мамлакатимизда манбашунослик ва матншунослик соҳасида тўпланган бой тажрибани бир системага келтиришни маҳаллий олимлар зиммасига муҳим вазифа қилиб юклайди. Юртимизда ўтган асрнинг бошларидан давом этиб келаётган Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ишлари мустабид коммунистик тузум белгилаб қўйган чегара ва доирадан чиқмаган. Тадқиқотчининг ёндашувида тузум тазйиқи яққол сезилиб турган. Ана шу кўринмас тазйиқ олимларни кўпроқ манба – қўлёзма тавсифи ва баёни билан чекланишга, матн моҳиятига чуқурроқ киришдан онгли равишда қочишга олиб келди.

Тарихий манбашунослик ўтган асрнинг 30-йилларидан мунтазам ривожлана борди. Шарқ қўлёзмалари каталогини тузиш, тарихий манбалар тадқиқи ва таржимаси соҳасида узоқ йил-

лар давомида амалга оширилган ишларнинг илмий қиммати беқиссидир. Худди шу баҳони илмий ва тазкира характеридаги манбалар тадқиқига ҳам бериш мумкин. Аммо ўтган асрнинг 60 – 70-йилларигача бадиий асарлар матни тадқиқи бўйича олиб борилган ишлар системали эмас эди. Ҳамид Сулаймон бошлаб берган ва академик А.Қаюмов бошчилигида Қўлёмалар институти атрофида марказлашган мамлакат филолог матншунос олимларининг жиддий саъй-ҳаракати билан ўзбек матншунослиги ўзининг равон йўлига чиқиб олди. Бироқ шуни таъкидлаш зарурки, филология соҳаси бўлган матншуносликни тарихчи олимларнинг «мулки» ҳисоблаб келинган манбашунослик билан бирлаштиришга бўлган уринишлар, мамлакатимизда «адабий манбашунослик» истилоҳининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳолбуки, бу матншуносликнинг таркибий қисми бўлган «матн тарихи» билан боғлиқ тадқиқотлар қисминигина ташкил этувчи бўлган эди. Матншуносликнинг асосий ва салмоқли қисми бўлган «матн талқини» коммунистик тузум зўравонлигидан ҳуркиб Шарқ қўлёмаларини ўрганиш ишларига татбиқ этилмади. У фақат замонавий матнлар таҳлили билан шуғулланувчи тилшунос олимлар мулкига айланиб қолди. Энг ёмони, бугунги кунда ҳам матншуносликни замонавий тилшунослик соҳаси деб қарагучи олимлар йўқ эмас.

Мустақиллик халқимиз мулки бўлган турли қўлёмаларни топиш, Шарқ қўлёмаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва нашр этиш ишларининг кескин жонланиши, айниқса, Миллий уйғониш мафқураси асосида ўтмиш ижодкорларимиз асарларини оммалаштириш ҳамда натижада матншунослик соҳасининг жиддий ривожланишига тurtки берди. Юзлаб қўлёмалар манбалар ҳозирги ўзбек имлосига транслитерация қилиниб чоп этилди. Сўзсиз, бу ишлар таҳсинга лойиқ. Аммо уларда кўзга ташланган илмий камчиликлар, манбалар ва матнларни таҳлил, талқин этишдаги ноқисликлар матншунослик соҳасини системали тартибга келтиришни тақозо қилмоқда. Эътиборингизга ҳавола этилаётган монография шу йўналишдаги дастлабки иш ҳисобланади. Келажакда матншунослик назарияси янада такомиллаштирилишига шубҳа йўқ. Мазкур монография матншунослик соҳаси ҳақида дастлабки системали тасавурларни беришга мўлжалланган.

# I ҚИСМ. МАТНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

## Матн ва матншунослик

Ўзбек халқининг кўпмингйиллик тарихи, бой илмий-маънавий мероси, адабиёти ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбаларда акс этган. «Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади».<sup>1</sup>

Мустақиллик шарофати билан миллий, маънавий-маданий қадриятларимизни тўла тиклашга эришдик. Мамлакатимиз кутубхоналари ва маърифатли фуқароларимизнинг қўлларида сақланаётган бебаҳо қўлёзма манбалар олимлар кўмагида нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида биз илгари номлари буткул номаълум бўлган ёки мустабид шўро тузуми мафкураси ўрганишни ман этган юзлаб мутафаккирларимиз, диний арбобларимиз ва адибларимизнинг илмий-ижодий меросидан баҳраманд бўла бошладик. Айниқса, бадий асарлар матнини ўрганиш, чоп этиш ишларида сезиларли кўтарилиш бўлди. Илгари кам ўрганилган кўплаб шоирларимизнинг асарлари тўлиқ тикланиб, мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда фақат шарқшунос олимлар эмас, балки араб имлосидан хабардор барча адабиёт ихлосмандларининг ҳисса қўшгани мамлакатимизда қўлёзма манбаларни тўплаш, ўрганиш ва чоп этиш ишларининг кескин кўтарилишига хизмат қилди. Бироқ республикамизда бадий асарлар матни тарихини ўрганиш соҳасида узоқ йиллар давомида йиғилган тажрибанинг оммалаштирилмагани, матншуносликнинг тадқиқот усулларида беҳабарлик оқибатида нашр юзини кўрган манба-

<sup>1</sup> Қаримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.31.

ларнинг илмий-бадий аҳамияти ва ёзма ёдгорлик сифатидаги қимматини тўлиқ эришиш қийин кечмоқда. Матншунослик соҳаси вазифалари, таснифи, нашр типлари ва принципларининг ҳозиргача системалаштирилмаганлиги матн тарихи тадқиқига қўл ураётган адабиётшуносларимизга манбаларни илмий истеъмолга киритиш ишларида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган матншунос тадқиқотчилар учун назарий ва амалий қўлланмалар, академик услуб ва нашр принципларининг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш давр талабидир. Бу иш, ўз навбатида, узоқ йиллар давомида ўзбек матншунос олимлари томонидан қўллаб келинган илмий-академик тадқиқ услуб ва усуллари, Ўзбекистонда шаклланган илғор матншунослик мактаби анъаналари, ривожланиш босқичларини ўрганиш ва оммалаштиришни тақозо этади.

Матншуносликда матн маъноси кенг қамровли тушунчадир. Матн деганда, муаллиф ифода этмоқчи бўлган фикр ва ғоянинг ёзувдаги инъикоси тушунилади. Матн деганда яхлит бир асар, бизнинг ҳолатимизда, қўлёзма нусха ҳам англашилади. Бинобарин, уларни ўрганиш жараёнидаги ёндашувлар ўзаро фарқланади. Биринчи таърифдаги матн тадқиқида адабиётшунослар тилшунослар билан биргаликда иштирок этади. Кейинги назарда тутилган матн тадқиқи билан эса асосан матншунослар шуғулланадилар. Уларнинг вазифаларига адабиётшунослик ва тилшуносликка хос бўлган, шунингдек, тарихчиларнинг манбашунослик ва историография соҳаларидаги барча тадқиқ усуллари қўллаш киради. Матншунослик қўлёзма нусханинг матн хусусиятларидан тортиб (лингвистик, бадий, фалсафий, тарихий) нашр кўринишидаги барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида яхлит тасаввур уйғотувчи тадқиқотни амалга оширади. Матн тақдири, сақланиш даражаси, нашр безаклари ва тавсифий белгиларини ўрганиш матн тушунчасининг классик таърифига сизмаса-да, матншуносликда қабул қилинган матн тушунчаси, уни ўрганиш доирасига киради.

Замонавий жаҳон филологиясида матн устида ишлаш масалаларига доир қабул қилинган ягона қоида йўқ. Матн тарихини ўрганиш ва интерпретацияси матн устида ишлаётган олимнинг қайси фан соҳасида иш олиб боришига боғлиқ. Шунинг учун тилшунос ва адабиётшунос олимлар ўртасида матн тадқиқи ва

талқини масалалари кимга тегишлилиги борасида аниқ тўхтамга келинмаган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, матн бир қанча ёрдамчи соҳалар – эдиция, археография, герменевтика, экзегетика кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳам тадқиқ этилади. Масалан, эдиция – ҳужжатли ва мумтоз матнларнинг илмий нашрини амалга оширишдир. Археография ёзма манбаларни қидириб топиш, бирламчи ишлов бериш, илмий муомалага киритишни назарда тутади. Кутубхона, турли фондлардаги қўлёзмаларнинг туркумлаштирилган тавсифи, археографик қиёсий таҳлили манба матнини тузишда муҳим ҳисобланади. Бундай ишлар натижалари матн устида ишлашнинг равон боришини таъминлайди. Герменевтика қадимги ёзма матнлар мазмунини изоҳлаш билан шуғулланади, матншунослик учун асарнинг ўтмишда тутган ўрни, асар умумий мазмуни каби маълумотларни беради. Экзегетика эса диний матнларни филологик жиҳатдан таҳлил этишда матншунослик ишлари билан бевосита боғланади.

Матн тадқиқи бадиий асарнинг ёзма ёдгорлик сифатидаги қимматини баҳолаш, бадиий асар матни ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлишида объектив асос вазифасини ўтайди. Зотан, матншунослик бадиий асарнинг ботиний жиҳатларини очиб бериш, унинг яратилиш тарихи, матн ўзгаришига олиб келган ҳолатларни аниқлаш ва муаллиф варианты сақланиб қолмаган тақдирда асарнинг дастлабки кўринишига яқин матнни тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу жиҳатдан матншуносликни қуйидаги 3 таркибий қисмга бўлиш тавсия қилинади:

1. Матн тарихини ўрганиш.
2. Матн талқини.
3. Матн тузиш.

## Матн тарихи

Матншуносликнинг асосий услубий принципи матн тарихини комплекс равишда ўрганишдир. Бунда матндаги давр руҳи излари, мақсадли равишда ёки тасодифий киритилган ўзгаришлар ҳам, кейинги даврларда юз берган нашрий сакталиклар ҳам назардан қочирилмайди. Шу жараёнда матншунослик тарихий-адабий, сиёсий-жуғрофий ва маиший характердаги турли масала-



ларни ҳам ўрганади. Шундан келиб чиқиб матншунослик барча илмий соҳалар объектига дахлдор дейиш мумкин. Адабиёт тарихи ўрганадиган барча масалалар матншуносликда ҳисобга олинади, бироқ унинг вазифаси аниқ. У матн тақдирини ёритади, матндаги ўзгариш хусусиятлари, сабаблари ва босқичларини ойдинлаштиради. Д.Лихачев матншуносликни матнларни нашр этиш жараёнидан ажратиб қарайди.<sup>2</sup> Бу унинг рус полиграфик нашрлари, охириги икки-уч асрлик тарихга эга матнлар юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида чиқарган хулосаси – «текстология асосида фақат матн тарихини ўрганиш ётади» деган тезисдан келиб чиқади. Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш жараёнида биз бу тезис ўзини оқламаслигини кўрдик. Зеро, асрлар давомида ўзбек матншуносларининг заҳматли меҳнати асарнинг қўлёзма нусхасини яратишда намоён бўлган. Нашр тушунчаси қадимги қўлёзмаларни кўчириш ва тарқатиш каби анъанавий хаттотлик, котиблик касбига дахлдор бўлгани учун матншунослик айна ноширлик, қўлёзмани кўчириш ва тарқатиш каби жараёнларга тааллуқлидир. Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан яна бир фарқи шундаки, турли ёзувларда акс этган миллий ёзма маданиятимизни бугунги кунда оммавийлаштириш ҳам адабиётшуносларимизни нашр типларидан келиб чиққан ҳолда муайян даражада матншунослик билан боғлиқ вазифаларни бажаришга ундаган. Бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади.

Матн тарихини тиклашнинг халқимиз маънавий ҳаёти тарихидаги ўрни беқиёс. Зеро, қадимий қўлёзма китоб матнлари давр руҳини акс эттиради. Уларни жиддий ўрганиш муаллифнинг дунёқарashi, воқеликка муносабати, давр илм-фани даражаси ва сиёсий жараёнлари ҳақида муайян тасаввур бериши мумкин.

Матншунос олдида турган бош вазифалардан бири – матн тарихини тиклаш, тадқиқ доирасига жалб этилган манбанинг турли нусхаларини қиёсан ўрганиш, тадқиқ қилиш, улар асосида матннинг асосий вариантини яратиш ва илмий муомаллага киритишдир.

Матн тарихи муайян матн ҳақидаги барча маълумотлар йиғиндисидир. У асарнинг шакл ва мазмуни ҳақида аниқ тасаввур беради, матнга оид билвосита ва бевосита маълумотларнинг барчасини қамраб олади.

---

<sup>2</sup> Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М.-Л.: Наука, 1964. – С.7.

Матн тарихини ўрганишда тарихий ёки адабий ёдгорликнинг яратилган ва кўчирилган даврини аниқлаш, манба нусхалари кўп бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ёдгорликлар матни устида текстологик тадқиқотлар олиб боришдан аввал шу ёдгорликнинг мавжуд барча қўлёзмаларини йиғиш, кўчирилиш даври, матний тўлиқлигига қараб таснифлаш ва шундан кейингина унинг тарихини кузатиш лозим. Чунки ҳар бир қўлёзма, биринчи навбатда, давр тарихий ёдгорлиги сифатида ўзигагина хос бўлган муайян тарихга эга.<sup>3</sup>

Матн тарихини ўрганиш қўлёзма нусханинг мавжуд нусхаларини ўзаро қиёсий текширишдан бошланади. Матнлар *тўлиқ*, *нуқсонли*, *тузатилган* (редакцияга учраган) ёки *тузатилмаган* кўринишларда учрайди. Қўлёзма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади. Бевосита белгиларга қўлёзма асарнинг яратилиш ва кўчирилиш саналари, муаллиф ва унинг асарни ёзиш мақсади ифодаланган сўзбошиси, котиб номи ёки унинг қайдлари каби матншунослик учун катта аҳамиятга эга тавсифий мезонлар киради. Билвосита белгиларга ушбу асар ва унинг муаллифи ҳақида турли асарлар, хусусан, тазкираларда берилган маълумотлар, қўлёзма нусхаларни қиёслаш натижасида олинadиган текстологик натижалар киради. Ўзбек матншунослари қўллаб келган қуйидаги тадқиқ усуллари асосида бугунги кун ўзбек матншунослиги тажрибасини таснифлаш мумкин.

**1. Матний тафовутларни таҳлил қилиш усули.** Матний тафовутларни таҳлил этиш «асл» ёки «дастлабки» матнни тиклаш йўлида ўтилиши шарт бўлган бўғиндир. Матншунос матн тарихидаги барча даврий ўзгаришларни кузатиб, уларнинг содир бўлиш сабабларини аниқлаши жуда муҳим. Таҳлил оддий фарқларни ўрганишдан бошланиб, охирида умумлаштирувчи хулосаларга келиш билан тугайди. Фарқлар қўлёзма нусхалари орасида, хронологик тартибда, макон ва ҳудуд тартибида гуруҳлаштирилган ҳолда қиёсланади. Матний тафовутлар хаттот ва котиблар томонидан сўзни нотўғри

<sup>3</sup> Ҳамидова М. Алишер Навоий «Сади Искандарий» достонининг илмий-тадқиқий матни ва матний тадқиқи: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.37.

ўқиш сабабли, шунингдек, муаллиф ёки котиб томонидан онгли равишда қилинган таҳрир туфайли юзага келган бўлиши мумкин. Матншунос фарқларнинг сабабини аниқ белгилаши лозим. Шундагина матн тарихи объектив кўриниш касб этиши мумкин.

**2. Асосий матн тузиш усули.** Асосий матн тузиш матншунослик тадқиқ усулларини комплекс равишда ишга туширишни тақозо этади. Асосий матн тузиш муаллифнинг асл, бирламчи матнини тиклаш эмас. Муаллиф матнининг асл ҳолатини тиклаш деярли имконсиз. Матншунос фақат матннинг муаллиф вариантыга яқин кўринишини тузиши мумкин. Асосий матн дейилганда матншунос томонидан нашр учун тузиладиган қўлёзма асарнинг сўнгги варианты назарда тутилади.

**3. Кўчиришдаги хатоликларни таҳлил қилиш усули.** Қўлёзма нусхани кўчириш жараёни тўрт ҳаракат мажмуидан иборат бўлиб, танланган матнни ўқиш, матнни эслаб кўчириш, ичида такрорлаб кўчириш, ниҳоят, матнни тушуниб-тушунмай кўчиришни ўз ичига олади. Кўчириш жараёнида кўплаб хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Бунга сабаб, котиб аслият хуснихати хусусиятларини яхши тушуна олмаган бўлиши мумкин. Матншунос қўлёзма нусхадаги хаттотлар услубини диққат билан ўрганиши, ҳарфларнинг «бежирим тасвирлари» ўртасидаги боғлиқликка, уларнинг ўзига хос безак-унсурларига эътибор бериб, хатолик нима сабабдан содир бўлганини аниқлаши лозим. Баъзи ҳолларда хаттотлар сўзни ўқий олмасалар, контекстдан келиб чиқиб ўзларича матнни тузатиб ёки тўлдириб кетганлар. Матншунос томонидан холис аниқланган хато қиёсий таҳлил орқали асосий матнда тузатиб борилади.

**4. Муаллиф матни хатоликларини аниқлаш усули.** Айрим ижодкорлар ўз асарларини кўчира туриб хаттотлар фаолиятида кўринган хатоликларга йўл қўйишлари мумкин. Масалан, айрим ҳарфларнинг тушиб қолиши, саналарнинг нотўғри белгиланиши, сарлавҳа ёки айрим жумлаларнинг қисқариши механик тарзда рўй бериши мумкин. Хатонинг муаллиф томонидан онгли равишда қилинмаганлигини аниқлаш муаллифнинг ғоявий позицияси таҳлили, илмий-бадий иқтидори, матн мазмунига талабчанлиги даражасини ўрганиш орқали амалга оширилади.

**5. Матнни онгли равишда ўзгартириш ҳолларини таҳлил қилиш усули.** Матн қасддан ёки беихтиёр ўзгартирилганини фарқлаш мураккаб таҳлилий жараёни талаб қилади. Матн ўзгартирилган ҳоллар хаттот ёки котибнинг «ўта билафонлиги», шундай бўлиши керак эди ёки бўлган бўлиши мумкин деган иддаода матнни тузатиб кетиши натижасида юз беради. Матн-шунос, аввало, манбаларнинг хронологик ёшига қараб фарқлар динамикасини тузиб чиқиши лозим. Ўшанда ўзгартириш манба «тақдири»нинг қайси босқичида юз бергани маълум бўлади. Шундан сўнг манбанинг кўчирилиш санаси, даври ва ҳудуди, даврнинг устун ғоявий, сиёсий йўналишлари ўрганилади. Ушбу таҳлиллар ўзгартириш қасддан ёки беихтиёр қилинганлигини аниқлаб беради.

**6. Қўлёзма тавсифини амалга ошириш усули.** Матн устида ишлаш қўлёзманинг ташқи белгиларини ўрганишдан бошланади. Шарқ китобат санъати ўзининг қатъий принципларига асосланади. Масалан, ҳар бир асарнинг «бисмиллоҳ»дан бошланиши(басмала), сўнг Аллоҳнинг мадҳи (ҳамд, тамҳид) ва Муҳаммад (с.а.в.) таърифи (наът), шундан кейин асарнинг ёзилиш сабаби (сабаби таълифи китоб) қайди китобат қилинишда ташлаб кетилиши мумкин бўлмаган асосий принциплардандир. Қўлёзманинг тавсифий белгилари қуйидагиларни ўз ичига олади: **Матн** китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим ҳошия ёзувлари, жадвал, пойгирлар кирмайди. **Ички унвон** – тузилиши мураккаб китобларда улар баъзан бошқа (масалан, қизил) сиёҳ билан, баъзан тўқ ҳарфлар(жумладан, насрий асарларда), баъзан ҳозиргидек саҳифа ўртасида берилади. **Жадвал** – саҳифада асосий матнни жойлаштириш принципи (матн рамкаси). Матнлар турли шаклларда – сидирға, икки устун, тўрт устун, зина, ромб, доира, қия ҳолда жойлаштирилиши мумкин. Бу муайян даражада безак вазифасини ўтаб, шеърий матнларда, айниқса, кўп қўлланилган. **Ҳошия** – саҳифа четлари. Жадвал (матн рамкаси)дан ташқарида изоҳ бериш, параллел равишда бошқа бир асар матнини жойлаштириш, матн бўлагидаги фикрни тасдиқлаш ёки тўлдириш учун иловалар келтиришга хизмат қилади. **Пойгир** ўзидан кейинги саҳифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб, ун саҳифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади(пойгир

саҳифалар кетма-кетлигини белгилаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади). *Колофон* – котибнинг қўлёзма сўнгида келтирадиган маълумотномаси. Унда котиб номи, қўлёзманинг кўчирилиш санаси ва котиб мулоҳазалари берилади. Қўлёзма формати, унда ишлатилган хат тури, қоғоз тури, турли безаклар ҳам қўлёзманинг тавсифини келтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**7. Конъектура йўли билан матнни тиклаш усули.** Конъектура деганда матн контекстидан келиб чиқиб матндаги хато ёзилган ўринлар ёки ўқиб бўлмас даражада ўчиб кетган сўз ва жумлаларни тиклаш тушунилади. Конъектура фақат беихтиёр равишда ёки эътиборсизлик туфайли йўл қўйилган хатоларни тузатишга нисбатан қўлланади.

**8. Қўшимчалар ва тушириб қолдиришларни аниқлаш усули.** Манбалар қиёсий ўрганилганда кўпинча бир нусхадаги муайян матн бўлаги иккинчи нусхада тушиб қолган бўлади. У чиндан тушиб қолганми ёки биринчи манбадагиси қўшилиб қолганми, бу ҳар иккала манбани жиддий текширишдан ўтказишни талаб қилади. Ушбу тадқиқ усули ҳар иккала манбанинг ўз «қиёфадош»ларини тўплашдан бошланади. Икки гуруҳ манбаларини ўрганиш асосида энг қадимийси аниқланади, сўнг ўзгаришга учраган манба давригача кўчирилган манбалардаги ҳолат ўрганилади. Ўзгаришга учраган нисбатан қадимийроқ манба учраган тақдирда унинг тавсифий, даврий ва ҳудудий белгиларини ўрганиш орқали ўзгариш бўйича хулоса чиқарилади.

**9. Глосс ва интерполяциялар таҳлили.** Қўлёзма нусхаларнинг ҳошияларида учрайдиган изоҳлар, тўлдиришлар, конкретлаштирувчи мулоҳазалар, бошқа манбаларга ҳаволалар, Қуръони карим оятлари ёки ҳадислардан шу муносабат билан келтирилган мисоллар матншуносликда глосс деб аталади. Улар асосий матндан алоҳида бўлиб, умумий мазмунни тўлдиришга хизмат қилади. Замонавий матншуносликда изоҳлар номи остида келтириладиган барча маълумотлар глосга тааллуққидир. Қадимий манбаларда уларни саҳифадаги асосий матн ҳошиясида ёзиш расм бўлган. Аммо қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнларида айрим хаттотлар ҳошиядаги битикларни асосий матнга қўшиб юборган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ўз-

бошимча таҳрир интерполяция дейилади. Интерполяцияни асосий матндан ажрата олиш матншунос олдидида турган мураккаб вазибалардандир. Матншунос асосий матннинг ўзига хос услуби ва структурасини жиддий ўрганиш орқали интерполяцияни аниқлаши мумкин. Шунингдек, қўлёзма матннинг илгари ўчиб кетиши, йиртилиши натижасида маъно мавҳумлигига сабаб бўлган ўринларини ва айни шу нусхадан кўчирилган кейинги нусхалардаги матн бўлакларини қиёслаш орқали интерполяцияни ажратиб олиш мумкин.

**10. Қўлёзма нусхалар ўртасидаги фарқлар таҳлили.** Матншунос қўлёзма асар нусхалари устида ишлар экан, уларнинг қайси матндан кўчирилганлигини аниқлаши нусхалар ўртасидаги фарқларнинг пайдо бўлиш сабабларини ойдинлаштиради. Бу жараёнда нусхалардаги матний ўзгаришлар хронологик тартибда гуруҳлаштирилади ва энг қадимий нусхалар билан солиштирилади. Ушбу таҳлил натижасида асарнинг дастлабки варианты ҳақида муайян тасаввурга келинади.

**11. Нусхалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш усули.** Қўлёзма ва тошбосма усулларида чоп этилган асарлар ўрганилаётганида муайян асарнинг қайси матн асосида кўчирилганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўрганилаётган асар асл нусха ёки ягона копия сифатида етиб келган бўлса, табиийки, ушбу усул қўлланмайди. Бироқ асл нусха ҳам, кўплаб копия нусхалар мавжуд бўлган тақдирда матн тарихини ёритиш нуқтаи назаридан, шунингдек, нусхаларнинг жуғрофий-ҳудудий ва даврий жиҳатдан кўп ёки кам кўчирилганлиги, сифат даражасига қараб ўша даврлардаги адабий жараёнлар ва мазкур асарга бўлган муносабат аниқланади.

**12. Матнларни классификация қилиш (таснифлаш) усули.** Матнлар жанр ва нашр турлари бўйича таснифланади. Жанр турларига адабий(демон, дoston-маснавий, қасида ва шу кабилар), тарихий(тарих-йилномалар, тазкира-эсдалик, маноқиб, вақфия ва шу кабилар), ёзишмалар(мактубот, руқъаот, муншаот ва шу кабилар), диний(тафсир, таъвил, фикҳ, калом, тасаввуф ва шу кабилар), фан соҳаларига бағишланган матнлар киради. Турли тўпламлар, монографик рисоалар, мажмуалар, баёзлар шаклида кўчирилган ёки тошбосма усулида чоп этилган асарлар нашр турлари бўйича таснифланади.

Таснифлаш матншунос учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тадқиқ этилаётган матн турли жанр ва нашр турларига хос белгиларга эга бўлиши мумкин. Масалан, тазкираларда биографик маълумотлар билан бирга шеърлардан парчалар, хатлардан намуналар ёки тарихий лавҳалар қоришиқ келади. Девонлар эса муайян структурага эга бўлиб, бу тартиб бузилиши унинг мажмуага айланиб қолишига олиб келади. Баёзлар тазкиралар каби тўплам-антологиялар характерида бўлса-да, уларнинг таркибини шоирлар ижодларидан намуналар ташкил этади.

**13. Текстологик белгиларни аниқлаш усули.** Қўлёзма асарлар ўз кўчирилиш тарихининг муайян босқичларида бошқа ном остида кўчирилиши ҳам мумкин. Асарнинг халқ орасида машҳур номи ёки шу жанр гуруҳига кирувчи истилоҳлар бунга сабаб бўлади (масалан, «Ҳидоя», «Мухтасар» ёки «Виқоя», «Ҳазойин ул-маоний» ёки «Чордевою» кабилар). Асарнинг асл номини тиклаш учун матншунос ўзи тадқиқ этаётган қўлёзма асарнинг нусхаларини қиёсан ўрганиб, саралаш йўли билан улар орасидан матни айнан такрорланаётганларини ажратиб олади. Уларнинг аҳамиятга эга ўхшаш жиҳатларини, яъни текстологик белгилари ўртасидаги мутаносибликни тиклайди. Номи бир хил бўлган матнлар ўртасида фарқ бор ёки йўқлигини кузатади. Текстологик белгилар барча тавсифий аломатлар, таҳрир изларини ўз ичига олади.

**14. Матнни тиклаш(реконструкция) усули.** Матншунос асосий матнни тузишда қўлёзма асар нусхаларида учрайдиган фарқлар, тушириб қолдириш ёки қўшиб ёзиш каби ҳолатларга дуч келади. Уларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш ва аниқ тўхтамга келгандан сўнг асосий матнга тузатиш киритиш матншуноздан катта меҳнатни талаб қилади. Бу жараёнда юқорида тилга олинган айрим усуллардаги каби қадимийроқ нусхаларга таяниш иш бермайди. Матншунос бирламчи матн билан ўзи тузатаётган асосий матн орасида кўчирилган нусхалардаги матн бўлагини чиройли ва яхши ўқилаётгани нуқтаи назаридан эмас, мантиқ жиҳатидан боғланиши ва муаллифнинг ғоявий-бадиий савияси, даражасига мутаносиблиги жиҳатидан келиб чиқиб таҳлил қилиши лозим.

**15. Матнни саналаштириш усули.** Матннинг санаси бўлмаган тақдирда матншунос нусхалардаги тафовутлар, бир-

ламчи матн варианты ҳақида хулоса чиқаришга қийналади. Қўл-лэзма асарни ёки унинг нусхасини саналаштириш нусханинг тавсифий белгилари, қоғози ёки ҳошиялардаги қайдлар восита-сида тахминан белгиланиши мумкин. Сананинг белгиланиши нусхалар таҳрири ва бошқа хронологик воқеаларнинг матн кўчирилиши билан боғлиқ жараёнларга таъсирини аниқлаш учун муҳимдир.

#### *16. Матннинг яратилиш жойини аниқлаш усули.*

Матн муаллифи аниқ бўлмаган ҳолатларда матннинг ярати-лиш жойига қараб муайян хулосаларга келиш мумкин. Бунда матн воқеалари баёни, ҳошиялар ва очиқ саҳифалардаги қай-длар, муҳрлар каби матн тарихини очишга имкон берадиган барча имкониятлар ўрганилади. Матндаги шевага хос фонетик, морфологик ва лексик шакллар, муайян маконга хос маросим ва урф-одат, анъаналар матннинг яратилиш жойини аниқлашда яхши кўрсаткич бўла олади.

*17. Атрибуция ва атетеза.* Атрибуция деганда матн муаллифини аниқлаш тушунилади. Атетеза эса муайян асарнинг муаллифи нотўғри кўрсатилган тақдирда уни ноўрин муаллифликдан ҳимоя қилишга айтилади. Атрибу-ция ҳолатида матншунос матннинг, масалан, ғазалиёт бўла-диган бўлса, мақтадаги тахаллус воситасида, матн класси-фикацияси, саналарни белгилаш, текстологик белгилар, матннинг яратилиш жойини аниқлаш каби бир қанча тек-стологик тадқиқ усулларида фойдаланиб муаллиф номи ва таржимаи ҳолини тиклаши мумкин. Атетеза ҳолатида эса баъх қилинаётган муаллифнинг барча асарлари қиёсан ўр-ганилиб, уларнинг ҳудудий ва даврий, ғоявий ва услубий, текстологик жиҳатдан комплекс тадқиқи амалга оширила-ди ва хулоса чиқарилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқ усуллари матншунослик-нинг қўл-лэмалар билан боғлиқ фаолият соҳасида қўлланади. Замонавий адабиётлар, адабий архив материаллари, даврий матбуот тадқиқи билан шуғулланадиган матншунослик тадқиқ усуллари улардан фарқ қилади.



## Матн шакллари ва уларни тузиш принциплари

Матншунослик принциплари ҳақида сўз кетар экан, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, улар ҳалигача таснифланмаган. Матншуносликнинг тадқиқ усуллари ва принциплари ўртасидаги фарқлар назарий жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Биз бу ҳолни ўзбек матншунослик ишларида ҳам кузатдик. Масалан, П.Шамсиев принцип деганда тадқиқ усулларини кўзда тутди<sup>4</sup>, Эшонхўжаев эса принципга тамойил сифатида қарайди.<sup>5</sup> Д.Лихачев матншуносликнинг тадқиқ усуллари ҳақида гапирар экан, уларни «матн тузишнинг методик принциплари...» деб атайди.

Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек матншунослигининг янги даврида (1920-йиллардан кейинги давр назарда тутилмоқда. – муаллифлар) юзага келган кўплаб нашрларда матншуносликнинг бир қанча принциплари акс этган. Улар тузилаётган матн шаклларига қараб фарқланади. Матншуносликда матн тузишнинг бир неча шакллари қабул қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Илмий-танқидий матн шакли.
2. Йиғма-қиёсий матн шакли.
3. Илмий-оммабоп(академик) матн шакли.

Бадиий асарнинг *илмий-танқидий матнини* тузиш манбанинг нусхалари кўп бўлганда амалга оширилади. Илмий-танқидий матн шакли матн тарихини илмий ўрганиш асосида муаллиф матнига яқин вариантини тузишдир. Илмий-танқидий матн тузишнинг барча тадқиқотчилар учун қоидага айланган асосий принциплари мавжуд. Масалан, матн тузувчи асарнинг фанга маълум барча нусхаларини кўриб чиқиши шарт. Баъзи асарларнинг қўлёзма нусхалари орасидаги фарқлар кўп бўлиши мумкин. Бундай ҳолда илмий-танқидий матнни тузувчи матншунос *барча нусхаларни кузатишга* мажбур бўлади. Кўп нусхаларга эга манбанинг илмий-танқидий матнини тузишда *нусхаларни саралаш* муҳим. Кўп нусхаларга эга манба матни устида ишлаш, айниқса, унинг ил-

<sup>4</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.19 – 21.

<sup>5</sup> Эшонхўжаев Ш. «Лисон ут-тайр»нинг илмий-танқидий матни ҳақида // Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.20 – 21.

мий-танқидий матнини тайёрлаш бутун «инжиқлиқ»лари билан ўта нозик ва масъулиятли, тўхтовсиз аниқлик ва интизом талаб этувчи «заҳмат»лари билан машаққатли, аммо самарали меҳнатдир.<sup>6</sup> Илмий-танқидий матн тузишда муаллиф нусхаси (автограф) бўлмаган тақдирда асарнинг қадимий, ишончли нусхаси таянч нусха сифатида олиниб, бошқа нусхалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланилади. Жумладан, адабиётшунос Р.Зоҳид Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари илмий-танқидий матнини тузишда 150дан ортиқ нусханинг умумий ва фарқли жиҳатларини матншунослик нуқтаи назаридан изчил текширган ва 25 (15 қўлёзма, 10 топбосма) нусхани қиёсий таҳлил объекти сифатида олган. Шуниси аҳамиятлики, Р.Зоҳид сараланган 25 нусхани ҳам муайян принципал хусусиятларига кўра уч гуруҳга: таянч нусха, асос нусха, ёрдамчи нусхаларга ажратган.

Муаллиф дастхати ёки унинг даврида яратилган матн мавжуд бўлса, илмий-танқидий матннинг илмий қиммати юксак бўлади. П.Шамсиев жаҳон қўлёзма фондларида Навоий асарлари қадимий қўлёзмаларининг топилиши шоир асарлари илмий-танқидий матнларини яратиш учун катта имконият яратганлигини қайд этган.<sup>7</sup> Хусусан, П.Шамсиев Қозон давлат университети қўлёзмалар фондида сақланаётган «Хамса»нинг XVI асрда кўчирилган деб тахмин қилинган нусхасининг аниқланиши ҳақида шундай ёзади: «Хамса»нинг ана шундай қадимий нусхасининг топилиши навоийшуносликда муҳим ҳодисадир. Чунки у улуғ шоир асарининг ягона илмий-танқидий матнини тузиш иштини янада такомиллаштириш йўлида зарур манба хизматини ўтайди, матн тузишдаги кўпгина масалаларни, чигалликларни ҳал этишга йўл очади».<sup>8</sup>

Илмий-танқидий матнни тузишда матншуноснинг *асар мазмуни, гоёси, матн тарихини чуқур билиши ва аниқ хулосага келиши муҳимдир*. Бундай матнни тузишда барча жалб этилган нусхалар *матн танқидий ўрганилади*.

<sup>6</sup> Қаранг: Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин / Наһрга тайёрловчи Р.Зоҳид. – Тошкент: Санъат журнали, 2007. – Б.6.

<sup>7</sup> Қаранг: Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.9.

<sup>8</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.11.

Матншунос ишга жалб этилган нусхаларни қиёсий ўрганиб, таянч нусхага солиштирган ҳолда барча матний ўзгаришларни *илмий аппаратда қайд этиб боради*. Тузилган илмий-танқидий *матн шакли ёдгорлик ёзилган графикада нашр қилиниши* бундай шаклдаги матн тузишнинг асосий принципларидандир.

*Йиғма-қиёсий матн* имконият даражасида қўлга киритилган матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тузилган муаллиф матнининг нисбатан тўлиқ вариантдир.

Йиғма-қиёсий матн асар нусхалари кам ёки ишончли қадимий қўлёзма нусхалар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Бундай матн муаллиф асари ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотиш учун тузилади. Йиғма-қиёсий матнни тузишда *мавжуд қўлёзмалардан таянч нусха танлаш* катта аҳамиятга эга. Таянч нусха сифатида имкон қадар тўлиқ, бошқаларига қараганда ташқи нуқсонлари кам, хатолари, ноаниқ жойлари оз нусха танланади. Шунинг учун М.Н.Османов «Шоҳнома»нинг 1966 йилги нашрини танқидий матн эмас, балки йиғма матн деб ҳисоблайди. У ўз фикрини илмий-танқидий матнни тузишда қўлёзмалар базасининг камлиги, матн турли таҳрирлар аралашувидан тузилганлиги, асарнинг композицион қурилиши тўлиқ ифодаланмаслиги, яъни баъзи дostonларнинг қўшилиши ёки ажратилиши каби асосли камчиликларни кўрсатиш билан тасдиқлайди.<sup>9</sup>

Асосий матнни тузишда йиғма-қиёсий ёндашув билан илмий-танқидий ёндашув фарқланади. Лекин баъзан уларни таснифлашда чалкашиш ҳоллари учрайди. Жумладан, Қ.Эргашев Навоий асарлари илмий-танқидий матнлари яратилиши хусусида сўз юритаркан, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг А.Н.Кононов томонидан тайёрланган нашрини асар илмий-танқидий матни деб ҳисоблайди.<sup>10</sup> 1948 йили А.Н.Кононов «Маҳбуб ул-қулуб» асари матнини Ленинград ҳамда Тошкент қўлёзмалар фондида сақланаётган саккизта қўлёзма нусха асосида тиклаган.<sup>11</sup>

<sup>9</sup> М.-Н.Османов. Фирдоуси. Шах-наме. Т.1. Научно-критический текст. Разночтения, примечания и приложения. – М.: Наука, 1991. – С.5 – 17.

<sup>10</sup> Қаранг: Матншунослик давр талаблари даражасидами? Давра суҳбати // ЎЗАС. 2010 йил 2 июль.

<sup>11</sup> Наваи. Возлюбленный сердец / Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. – М.-Л., 1948.

Уларнинг энг қадимийси XVI аср бошларида китобат қилинган Ленинград нусхаси бўлиб, йиғма-қиёсий матн шу қўлёзма асосида тузилган, орадаги *фарқлар илмий аппаратда курсатиб борилган*. А.Н.Кононов айнан ўзи амал қилган матн тузишдаги тадқиқот усуллари ва принциплари хусусида ҳеч қандай маълумот бермайди. П.Шамсиев, асар нусхалари қиёсий ўрганилганлигидан бўлса керак, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг бу матнини «чоғиштира матн» дейди.<sup>12</sup> Йиғма-қиёсий матн асарнинг асосий матни ҳисобланади, лекин илмий-танқидий матн тузиш талабларига жавоб бермайди. Матншунос йиғма-қиёсий матни тайёрлашда *ўзи қўлга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланади*. Йиғма-қиёсий матн тузишнинг муҳим принциплари асарнинг *дастлабки тўлиқ матнини тиклашдир*. Йиғма-қиёсий матнлар асар илмий-танқидий матнини тайёрлаш учун илмий замин яратади. А.Н.Кононов «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг барча нусхаларини излаб топишни мақсад қилиб қўймаган ва ўзига маълум нусхалар билан кифояланган. Шунинг учун у ўзи тузган матнни «йиғма(сводный) матн» деб атаган. Ўша пайтлари Навоий юбилеи муносибати билан шоир ижодини оммалаштиришга бўлган шошилинч ҳаракат А.Н.Кононовга илмий-танқидий матн яратиш учун фурсат бермаган бўлиши мумкин.

Ўзбек матншунослигида йиғма-қиёсий матн тузишнинг ўзига хос принциплари Н.Раҳмон томонидан тайёрланган «Олтин ёруғ» матнида кўринади.<sup>13</sup> Мазкур асар қўлёзмаси қадимги уйғур-турк тилида ёзилган бўлиб, 1910 йили рус олими С.Малов томонидан топилган ва биринчи марта В.Радлов билан ҳамкорликда эски уйғур-турк алифбосида нашр этилган эди. Турк олими Чевал Қоя томонидан ушбу асар ўрганилиб, 1994 йили Туркияда чоп этилди. У гарчи Радлов-Малов нашри асосида Берлин Фанлар академияси ва Майнз фондида сақланаётган 20га яқин нусха парчаларини ўзаро қиёслаб асарнинг мукамал матнини амалга оширган бўлса-да, асар тилининг мураккаблигидан уни турк тилига табдил қилмаган.<sup>14</sup> Асар 1986 йили Хитойда уйғур

<sup>12</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.23.

<sup>13</sup> Қаранг: Олтин ёруғ. 1-китоб / Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмон. – Тошкент: Фан, 2009.

<sup>14</sup> Курсатилган асар. – Б.12.

тилига табдил этилган, аммо Н.Раҳмоннинг ёзишича, табдил анча эркин бўлиб, асл матндан узоқлашган. Ўзбек олими асарнинг Хитойда уйғур тилига қилинган табдили ва Чевал Қоя нашрини Радлов-Малов матни билан ўзаро қиёслаб, асарнинг йиғма-қиёсий матнини тузиб чиқди ва қадимий турк тилидан лотин ёзувига табдил қилди. Матншунос олим матн учун таянч сифатида Радлов-Малов матнини танлаб, Хитой ва Туркияда чоп этилган матнлардаги тафовутларни матн ичида қавсда бериб бориш принципини қўллаган. Н.Раҳмон матнининг яна бир хусусияти, ҳар бир матн бўлаги ўзбек тилига таржима қилиниб табдил билан ёнма-ён келтирилган. Олим қўллаган принципларни яна шуларда кўриш мумкин:

1. «Олтун ёруғ»нинг асл нусхасидаги сатрлар тартибини кўрсатиш мақсадида ҳар бир сатрдаги рақамлар тартиби сақланган.

2. Ҳозирги ўзбек тилидаги табдил қадимий туркчадаги ҳар бир варақдан сўнг берилган. Туркия ёки уйғур нашрларида изоҳ берилмаган ўринларда қавс ичида сўзлар, қўшимчалар киритилган.

3. Транскрипция белгиларини ифодалашда ўзгаришлар киритган (*ng* ўрнига *ng*, *sh* ўрнига *sh*, *g* ўрнига *gh*, тил орқа *u* ўрнига *i*, тил олди *u* ўрнига *i*).

4. Изоҳлар тартибини асл нусханинг тартиб рақамидан ажратиш учун тўққурсив билан бериб, остига чизиқча қўйган.

**Илмий-оммабоп(академик) матн** ягона, янги топилган асарни эълон қилиш учун ёки илмий-танқидий, шунингдек, йиғма-қиёсий матн асосида матннинг **соддалаштирилган вариантини тузиш** учун тайёрланади. Кенг ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган кўптомли академик нашрлар учун ҳам илмий-оммавий матнлар тайёрланади. Масалан, «Хамса» дostonларининг оммавий нашрлари 1939 йилдан бошлаб тайёрлаб келинмоқда. Жумладан, 1939 – 1940 йиллар мобайнида «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Сади Искандарий» дostonлари алоҳида-алоҳида босилиб чиқди. Булардан биринчи дoston шарҳ, изоҳ ва луғатлар билан, қолганлари эса дoston шеърларининг насрий баёни билан китобхонга тақдим этилди. «Хамса»даги дostonлар 1948 йили («Ҳайрат ул-аброр»дан бопқаси) Навоий «Танланган асарлари» сериясида иккинчи марта нашр этилди. Дostonларнинг бу нашрига

насрий шарҳ берилмаган, лекин ҳар бирининг охирига изоҳ ва луғат илова қилинган. 1957 йилдан дostonларнинг насрий ифодали нашрлари қайта босилди. Бу нашрларнинг ҳаммаси оммавий нашрлар бўлгани учун дostonлар сюжетига бевосита алоқаси бўлмаган боблар қисқартирилган эди. С.Айний тайёрлаган мухтасар «Хамса» 1940 – 1947 йилларда икки бор нашр этилди. Ушбу нашрлардан мақсад кенг оммани тезроқ Навоий ижоди билан таништириш эди. Ҳақиқатан ҳам, «Хамса»ни кенг китобхонларга етказиш омма ўртасида миллий-маънавий қадриятларимиз билан таништиришда муҳим ўрин тутарди. Шунинг учун матншуносларимиз олдида матн турларининг хилма-хил шаклларида фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлди. Шундай матн шаклларида бири матннинг насрий баён шаклини тузиш эди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар самарали бўлди. Ғафур Ғулом томонидан тайёрланган «Фарҳод ва Ширин»нинг илмий-оммабон нашрида асар асл матни ва насрий баёни ёнма-ён берилди. Масалан:

*Ки чун шаҳзодага жаври ҳаводис,  
Мунингдек мушкул амре қилди ҳодис.  
Анингдек борди орому қарори  
Ки, чиқти ўз қўлидин ихтиёри.*

Матн насрий баёни қуйидагича: *Вақтики шаҳзодага ҳодисаларнинг жаври шундай қийин бир ҳолни юзага келтирди, унинг чидам ва тўзими шунчалик йўқолдики, қўлидан ихтиёри ҳам кетди.*<sup>15</sup>

Бундан ташқари, Амин Умарий ва Ҳусайнзода «Лайли ва Мажнун» дostonи насрий баёнини худди шундай усулда амалга оширдилар. Бу китобда ҳам бир томонда дostonнинг асли, иккинчи томонда унинг насрий баёни бериб борилди.<sup>16</sup> А.Қаюмов ҳам Алишер Навоий асарлари насрий баёнини тайёрлашда шу мавжуд принциплардан келиб чиқиб иш тутган. Кейинчалик Алишер Навоий асарларининг насрий баёнлари тайёрланиб, би-

<sup>15</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1956. – Б.178 – 179.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / Нашрга тайёрловчилар Амин Умарий ва Ҳусайнзода. – Тошкент: Фан, 1941.

тилига табдил этилган, ammo Н.Раҳмоннинг ёзишича, табдил анча эркин бўлиб, асл матндан узоқлашган. Ўзбек олими асарнинг Хитойда уйғур тилига қилинган табдили ва Чевал Қоя нашрини Радлов-Малов матни билан ўзаро қиёслаб, асарнинг йиғма-қиёсий матнини тузиб чиқди ва қадимий турк тилидан лотин ёзувига табдил қилди. Матншунос олим матн учун таянч сифатида Радлов-Малов матнини танлаб, Хитой ва Туркияда чоп этилган матнлардаги тафовутларни матн ичида қавсда бериб бориш принципини қўллаган. Н.Раҳмон матнининг яна бир хусусияти, ҳар бир матн бўлаги ўзбек тилига таржима қилиниб табдил билан ёнма-ён келтирилган. Олим қўллаган принципларни яна шуларда қўриш мумкин:

1. «Олтун ёру»нинг асл нусхасидаги сатрлар тартибини кўрсатиш мақсадида ҳар бир сатрдаги рақамлар тартиби сақланган.

2. Ҳозирги ўзбек тилидаги табдил қадимий туркчадаги ҳар бир варақдан сўнг берилган. Туркия ёки уйғур нашрларида изоҳ берилмаган ўринларда қавс ичида сўзлар, қўшимчалар киририлган.

3. Транскрипция белгиларини ифодалашда ўзгаришлар киритган (*ng* ўрнига *ng*, *sh* ўрнига *sh*, *g* ўрнига *gh*, тил орқа *u* ўрнига *i*, тил олди *u* ўрнига *i*).

4. Изоҳлар тартибини асл нусханинг тартиб рақамидан ажратиш учун тўққурсив билан бериб, остига чизиқча қўйган.

**Илмий-оммабоп(академик) матн** ягона, янги топилган асарни эълон қилиш учун ёки илмий-танқидий, шунингдек, йиғма-қиёсий матн асосида матннинг *соддалаштирилган вариантини тузиш* учун тайёрланади. Кенг ўқувчилар аудиториясига мўлжалланган кўптомли академик нашрлар учун ҳам илмий-оммавий матнлар тайёрланади. Масалан, «Хамса» дostonларининг оммавий нашрлари 1939 йилдан бошлаб тайёрлаб келинмоқда. Жумладан, 1939 – 1940 йиллар мобайнида «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Садди Искандарий» дostonлари алоҳида-алоҳида босилиб чиқди. Булардан биринчи дoston шарҳ, изоҳ ва луғатлар билан, қолганлари эса дoston шеърларининг насрий баёни билан китобхонга тақдим этилди. «Хамса»даги дostonлар 1948 йили («Ҳайрат ул-аброр»дан бошқаси) Навоий «Танланган асарлари» сериясида иккинчи марта нашр этилди. Дostonларнинг бу нашрига

насрий шарҳ берилмаган, лекин ҳар бирининг охирига изоҳ ва луғат илова қилинган. 1957 йилдан дostonларнинг насрий ифодали нашрлари қайта босилди. Бу нашрларнинг ҳаммаси оммавий нашрлар бўлгани учун дostonлар сюжетига бевосита алоқаси бўлмаган боблар қисқартирилган эди. С.Айний тайёрлаган мухтасар «Хамса» 1940 – 1947 йилларда икки бор нашр этилди. Ушбу нашрлардан мақсад кенг омгани тезроқ Навоий ижоди билан таништириш эди. Ҳақиқатан ҳам, «Хамса»ни кенг китобхонларга етказиш омма ўртасида миллий-маънавий қадриятларимиз билан таништиришда муҳим ўрин тутарди. Шунинг учун матншуносларимиз олдида матн турларининг хилма-хил шаклларида фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлди. Шундай матн шаклларида бири матннинг насрий баён шаклини тузиш эди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар самарали бўлди. Ғафур Гулом томонидан тайёрланган «Фарҳод ва Ширин»нинг илмий-оммабоп нашрида асар асл матни ва насрий баёни ёнма-ён берилди. Масалан:

*Ки чун шаҳзодага жаври ҳаводис,  
Мунингдек мушкул амре қилди ҳодис.  
Анингдек борди орому қарори  
Ки, чиқти ўз қўлидин ихтиёри.*

Матн насрий баёни қуйидагича: *Вақти ки шаҳзодага ҳодисаларнинг жаври шундай қийин бир ҳолни юзага келтирди, унинг чидам ва тўзими шунчалик йўқолди ки, қўлидан ихтиёри ҳам кетди.*<sup>15</sup>

Бундан ташқари, Амин Умарий ва Ҳусайнзода «Лайли ва Мажнун» дostonи насрий баёнини худди шундай усулда амалга оширдилар. Бу китобда ҳам бир томонда дostonнинг асли, иккинчи томонда унинг насрий баёни бериб борилди.<sup>16</sup> А.Қаюмов ҳам Алишер Навоий асарлари насрий баёнини тайёрлашда шу мавжуд принциплардан келиб чиқиб иш тутган. Кейинчалик Алишер Навоий асарларининг насрий баёнлари тайёрланиб, би-

<sup>15</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1956. – Б.178 – 179.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / Нашрга тайёрловчилар Амин Умарий ва Ҳусайнзода. – Тошкент: Фан, 1941.



рин-кетин нашр этилди. Улуғ шоир ва мутафаккир асарларини бундай усулда нашрга тайёрлаш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган атоқли навоийшунос олим А.Қаюмовнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбек матншунослиги қўлга киритган тажрибалар кенг илмий жамоатчилик томонидан маъқулланди. Адабиётшунос Б.Валихўжаев классик адабиёт асарларининг насрий баёнини асл шеърий матндан алоҳида тарзда эмас, балки китоб бетининг бир томонида асл – шеърий нусха ва иккинчи бетиде унинг насрий шарҳ ёки баёнини келтириш тажрибасини маъқуллади ва бу анъанани изчил давом эттиришни тавсия қилди.<sup>17</sup>

Ўтган асрнинг 60 – 80-йилларида «Хамса» дostonлари бир неча марта алоҳида ва тўлиқ ҳолларда оммавий нашрга тайёрланди. «Хамса»нинг 500 йиллиги муносабати билан чоп этилган оммабоп матн(академик) вариантга филология фанлари доктори Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матнлар ҳамда изоҳлар асос қилиб олинди. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чоп этилган 20 жилдлик асарлар академик нашри шу давргача тузилган барча илмий-танқидий ва илмий-оммавий матнлар асосида яратилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлөзмалар институти олимлари томонидан амалга оширилган бу нашрдан мақсад буюк шоирнинг шеърий, насрий ва илмий меросини тўлалигича китобхонлар оmmasига етказиб бериш эди. Илмий-оммавий матн принципларининг бошқа матн шакллари принципларидан асосий фарқи, биринчидан, ҳозирги ўзбек ёзувига транслитерация қилиниши бўлса, иккинчидан, кенг ўқувчилар аудиторияси талабларини назарда тутипидир. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матни Алишер Навоий асарлари 15 жилдлиги ўн иккинчи жилди, Алишер Навоий тўла асарлари 20 жилдлиги ўн учинчи жилди нашри учун асос қилиб олинди.

«Мажолис ун-нафоис» асари матнига берилган шарҳлар мазмун-моҳияти нуқтан назаридан турли хил бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

– матнда учрайдиган араб, форс тилларидаги тушунилиши қийин сўз ва иборалар таржимаси;

<sup>17</sup> Қаранг: Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиёти тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. №4. – Б.22.

- мураккаб ташбеҳли ва рамзли байтлар шарҳи;
- матнда тилга олинган асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар;
- шеърӣй санъатларга доир изоҳлар;
- тарихий ва афсонавий шахслар тавсифи;
- муаммоли ёки илмий-тадқиқотларга туртки бўладиган шарҳлар.

Келтирилган нисбий таснифдан маълум бўладики, С.Ғаниева матн шарҳини беришда адабиётшунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, тарих, тилшунослик фанларига мурожаат этади. С.Ғаниева ёзган матн шарҳларининг аҳамиятли томони яна шундаки, олима матн билан боғлиқ деярли ҳар бир нуқтага эътибор қаратган, матн шарҳини беришда чуқур илмий изланиш олиб борган. Аслида С.Ғаниеванинг барча асар шарҳларидаги – илмий, бадий ва тарихий маълумотларни бир жойга жамланса, каттагина бир асар вужудга келади.

Алишер Навоӣй асарларида араб, форс сўзларидан кенг фойдаланган. «Мажолис ун-нафоис»да шоирлар ижодидан келтирилган намуналар асосан форс тилида берилган. «Мажолис ун-нафоис»да Навоӣй шерозлик Мавлоно Толиб Жожармӣй деган шоирнинг қабр тошига битилган рубоӣйсини ўқиб ёдда қолдирганини ёзади. Навоӣй Жожармӣй ижодидан намуна сифатида ўша рубоӣйни келтиради:

*Дар кўчаи ошиқи ба паймон дуруст,  
Меғуфт ба ман аҳли диле рӯзи нахуст,  
Толиб маталаб касе, ки ў гайри ту жуст,  
Ту толиби ў бош, ки ў толиби туст.<sup>18</sup>*

Китобхонга матн тўлиқ тушуварли бўлиши учун таржималар ҳам келтирилган. С.Ғаниева ушбу рубоӣйнинг таржимасини шундай беради: «Ошиқлик кўчасида аҳди паймони мустаҳкам бўлган бир аҳли дил(яъни дилбар, дилдор) менга айтган эди: Сендан бошқани қидирган кишини талабгорликка ундама, сен шундай кишига талабгор бўлгинки, у ҳам сенга талабгор бўлсин».<sup>19</sup>

<sup>18</sup> Алишер Навоӣй. Мукамал асарлар тўплами. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.24.

<sup>19</sup> Кўрсатилган асар. – Б.227.

С.Фаниева рубойи маъносини қисқа, аниқ тарзда ўқувчига етказишга ҳаракат қилган. Ушбу рубойи таржимасини ўзига хос шарҳ дейиш мумкин. Эътибор берсак, рубойининг аслида «толиб» сўзи уч маротаба қўлланган, таржимада шу тушунча маъносини берувчи «талабгор» сўзи шунча келтирилган.

*«Мажолис ун-нафоис»нинг учинчи мажлисида Навоий Мавлоно Осафий ҳақида шундай ёзади: «Мавлоно Осафий – отаси подошоҳи замоннинг вазорат девонида муҳр босибдур ва ўзининг табъи таъриф қилгуча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хубдур. Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик ва раъносифатлиқ ва худроӣлик била авқотин зоеъ қилур. Бу навъ гариб сифоти кўндурки, агар деса сўз узолур. Мутлақо пандпазир эмас. Бу жиҳатдин бағоят паришондур. Яхши абёти бор».<sup>20</sup>*

С.Фаниева Мавлоно Осафий, яъни Хожа Шамсиддин Ҳиравий шахси ҳақида бир қанча қизиқарли ва керакли маълумотларни келтиради. Олима аввал шоир туғилган, вафот этган йил ҳамда ўрнини кўрсатади. Кейин Осафийнинг девон тартиб бергани, унинг девони 1968 йили Техронда Ҳоди Арфаъ Кирмоний томонидан сўзбоши билан нашр этирилганини ёзади. Шарҳда Навоий ўзининг «Соқийнома»сида Осафийни яқин дўстлари, ҳаммаслаклари қаторида ҳамда заковатли шоир сифатида тилга олиши қайд этилган. Шу билан бирга, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» ва Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида Осафий ҳақидаги маълумотлар борлиги кўрсатилган. С.Фаниева мутаржим Фахрий Ҳиротий келтирган Осафийнинг бир байти таржимасини ҳам шарҳда беради. Шарҳда Осафийнинг Навоий вафотига ёзган марсиясидан бир байт ва туширган таърихи келтирилган.<sup>21</sup> С.Фаниева шарҳда тазкирада Навоийнинг бу шоир ҳақидаги маълумотларини умуман такрорламайди. С.Фаниева-нинг Осафий ҳақидаги маълумотлари тугал ва батафсиллиги билан муҳим илмий қимматга эгадир.

«Мажолис ун-нафоис»да Алишер Навоий бевосита бирор муносабат билан тилга олиб, лекин бундай шахслар ҳақида тўла тўхталишни лозим топмаган ўринлар ҳам бор. С.Фаниева матн изоҳ ва таржималарини тайёрлашда шундай ўринларга аҳамият қаратган. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи маж-

<sup>20</sup> Кўрсатилган асар. – Б.73.

<sup>21</sup> Кўрсатилган асар. – Б.244 – 245.

лисида Имом Али Мусо ар-Ризо, Меҳри, Анварий, Хожа Салмон, Шайх Камол, Мавлоно Саъдиддин Копғарий кабиларнинг исмлари қайд этилган. Иккинчи мажлисда Абу Ҳанифа, Ибн Ҳожиб, Сайид Шариф, Шайх Зайниддин, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Имом Фахр, Амир Суҳайлий, Ҳазрат Шайх, Шайх Фаридиддин Аттор, Шайх Баҳоваддин Умар, Хожа Абу Наср Порсо, Ҳазрат Шайх Абусаид Абдулхайр, Кичик мирзо, Мавлоно Жаъфар, Ҳазрат Аҳмад Жомий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Ҳожибек кабилар тилга олинган. Лекин бу каби шахсларга тазкирада махсус фикра ажратилмаган. С. Ғаниева уларнинг шахсий ҳаёти, ижоди ва ўз даврида тутган ўрни борасида маълумотлар келтиради. Матншунос томонидан берилган бундай аниқ ва қисқа шарҳлар «Мажолис ун-нафоис» нашрини бойитади. Умуман, «Мажолис ун-нафоис» нашри матни учун шарҳ ва таржималарнинг умумий сони 706тага (муқаддима – 16 шарҳ, I мажлис – 119, II мажлис – 141, III мажлис – 194, IV мажлис – 106, V мажлис – 28, VI мажлис – 49, VII мажлис – 40, VIII мажлис – 13 шарҳ) етган.

Илмий-оммабоп матнни тайёрлашда матншунос нашр ўқувчиларнинг қайси тоифасига мўлжалланаётганлигига қараб қўлёзма асар матнини қисқартириши, соддалаштириши, шеърий йўл билан ёзилган асар бўлса, насрий баён ёки изоҳлардан фойдаланиши мумкин. «Хамса» дostonлари, «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Вақфия» каби асарлар матнларининг насрлаштирилган вариантлари шундай принциплар асосида яратилган.

Ягона нусхадаги асарларнинг илмий-оммабоп матнига мисол қилиб Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» асари матнини кўрсатиш мумкин. Унинг ягона, Париж Миллий кутубхонасида 1308 рақами остида сақланаётган нусхасининг микрофилми 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига олиб келинган эди. Адабиётшунос олим Саидбек Ҳасанов ушбу асарни нашрга тайёрлаб, 1971 йили замонавий ўзбек ёзувига транслитерация қилиб, чоп этди. Унда «Мухтасар» қўлёзмасини кўчиришда хатот томонидан йўл қўйилган камчиликлар, жумладан, сўзларнинг тушириб қолдирилиши, бир сўз ўрнига бошқа сўз ёзиш, айрим жумлаларни такрорлаб ёзиш, ҳарфлар ўрнини алмаштириш каби ҳолатлар аниқланиб, муайян даражада тикланган.

Хаттот томонидан тушириб қолдирилган сўз ёки жумлалар катта қавс ичига олинган. Хаттот янглишиб такрорлаб кўчирган матнлар кичик қавс ичига олиниб, китоб иловасида унга изоҳ берилган. Катта ҳажмда такрорланмаган жумла ва сўзлар қавс ичига олинмаган ва транслитерацияда ифода қилинмай, тўғридан-тўғри изоҳ бериб кетилган. Транслитерацияда баҳр ва турли вазнларга келтирилган мисоллар текшириб борилган ва хаттот томонидан йўл қўйилган камчиликлар тузатилиб, изоҳ берилган. Баъзи ўқилиши қийин бўлган сўзлар ёки тахминий ўқилган сўзлар транслитерацияда ифодаланиб, сўроқ белгиси билан қавс ичига олинган. Рисоланинг тўлиқ транслитерацияси билан бирга факсимил нашри ҳам берилган. Китобда исмлар, асарлар, географик ва этник жойлар кўрсаткичлари алфавит тартибда ҳозирги ўзбек графикасида, терминлар кўрсаткичи эса, ҳозирги ўзбек ва араб графикасида келтирилган. Исмлар тўғрисидаги рақамлар китобнинг кўрсатилган бетида шу исм ҳақида маълумотлар борлигини англатади. Баъзи исмлардаги бети (а, б) кўрсатилмаган рақамлар сўзбошида қўйилган рақамларни билдиради. Асарлар номи кўрсаткичида муаллифлар номи қавс ичига олинган.

Муаллифнинг ягона дастхат қўлёзмаси бўлган тақдирда, унинг факсимил нашри кўплаб янги тадқиқотлар учун бебаҳо манбага айланиши мумкин. Хусусан, С.Ғаниева томонидан тайёрланган Алишер Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» девони факсимилиси шундай манбалардан биридир.<sup>22</sup>

Факсимил нашр қўлёзма ёзуви, имлоси, безаклари, структураси каби асар матни тарихини ойдинлаштирувчи жиҳатларни аниқлаш ишларини осонлаштиради. Факсимил нашр, одатда, қўлёзма устидаги тадқиқотларни давом эттиришда қўлёзма нусха ўрнини босадиган китоб яратиш учун чоп этилади.<sup>23</sup> 1968 йили Ҳ.Сулаймонов Алишер Навоий «Илк девон»ининг 870/1465-1466 йили машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзмасининг факсимилини нашр эттирди. «Илк девон»нинг факсимилида қўлёзманинг хати йирик настаъ-

<sup>22</sup> Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1991.

<sup>23</sup> Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент, 2000. – Б.155.

лиқ услубида, Хуросоннинг олий навли ипак қоғозига қора сиёҳда ёзилганлиги аниқ кўриниб туради. Хаттотнинг хати асар матнини аниқ ифодалаган, деярли барча ҳарфларни ўқиса бўлади. «Наводир ун-ниҳоя» фотокопиясида эса, бир оз хиралик бўлиб, қўлёзмани ўқишда қийинчилик келиб чиқади. Бу хусусда С. Ғаниева қуйидаги мулоҳазани билдиради: «Хатнинг ёзилиш услуби ҳақида айтиш керакки, у профессионал котиб хатига ўхшамайди. Масалан, «алиф», «коф», «лом» ҳарфлари ўнг томонга мойил қилиб ёзилган. Мисраларнинг нотекислиги эса хатнинг мистарсиз ёзилганидан белги беради. Лекин, шубҳасиз, хат китобат санъатидан пухта хабардор одамнинг қўли билан ёзилган. Ҳарфларнинг муайян мутаносиблигининг сақланиши, ҳар бир ҳарфнинг аниқ ифодаланиши, хусусан, ҳарфларнинг нуқталари алоҳида-алоҳида қўйилиши фикримиз далили бўла олади. Айни чоғда, ҳарфларнинг уст ва остки нуқталарининг аниқ ва дона-дона қўйилиш ҳолини қадимги ўзбек тилидан хабардор бўлмаган форсийзабон котибларга енгиллик туғдириш мақсадида қилинганлигидан далолат берувчи омил деб қараш мумкин».<sup>24</sup>

Бугунги кунда янги топилган асарларни ёки энди маълум бўлган ўтмиш ижодкорларнинг биринчи марта эълон қилинаётган девонларини нашрга тайёрлашда «Мухтасар» матнида қўлланган принциплардан фойдаланиш энг маъқул йўлдир.

---

<sup>24</sup> Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи С.Ғаниева. — Тошкент: Фан, 1991. — Б.8.

## II ҚИСМ. ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

### Ўзбек матншунослиги шаклланишининг тарихий илдизлари

*Матншуносликнинг тарихий илдизлари энг қадимги давр ёзма ёдгорликлари матнини ўрганишга бориб тақалади.*

Инсоият тарихида ихтиро қилинган ҳар бир кашфиёт, аввало, ижтимоий ҳаёт таъсирида юзага келади ва кўпасрлик анъаналар доирасида шаклланиб боради. Ёзма ёдгорликлар матни бевосита ёзув тарихи билан боғланади. Дастлаб пиктографик ёзув кашф қилинган. Бу ёзувда чизилган шакллар асосида одамлар мантиқий фикр юритиб гап тузган. Пиктографик ёзув тараққиёти асосида логографик ёзув пайдо бўлди. Пиктограмма тўғридан-тўғри предметни расм орқали кўрсатса, логограмма сўзнинг маъносини тушунча орқали ифодалайди. Бунда тилдаги ҳар бир сўз ўз рамзий тимсолига эга бўлади. Иероглифик ёзув логографик ёзувнинг ривожланган, мукамал кўринишидир. Пиктографик, логографик ва иероглифик ёзувлар тараққиёти натижасида фонографик ёзув пайдо бўлди. Сўз товуш орқали идрок этилиб, ҳар бир эшитилаётган товушга алоҳида белги (ҳарф) қабул қилиш истаги фонографик ёзувни юзага келтирди.

Милоддан аввалги VI – IV асрлардаёқ Туронзаминнинг турли ўлка маҳаллий тиллари товуш системасига мустақил ҳолда мослашган. Хоразмий, суғдий, паҳлавий, бохтарий каби ёзувлар шаклланганлиги ёзма маданиятимиз илдизлари нақадар узоқ даврларга бориб тақалишидан далолатдир. Мана шу ёзувлар ичида суғд ёзуви ёдгорликлари кенг миқёсда ва узоқ вақт истеъмолда бўлганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қоғозга битилган ва бизгача етиб келган суғдча матнларнинг энг қадимийси IV аср бошларига мансуб бўлиб, фанда «Эски мактублар» деб ном олган. Бу мактублар 1906 йили инглиз олими А.Стейн бошчилигидаги экспедиция томонидан Шарқий Туркистонда топилган. Суғд ёзма ёдгорликларининг яна бири Талас водийсидаги қоятошлар сиртига битилган ташрифномалардир. Бу ёзув

оромий ёзуви асосида пайдо бўлганлиги боис оромий ёзувига ўхшайди. II аср охири – III аср бошларида хоразм ёзуви хўжалик ҳисобот ҳужжатлари, тангалар, қабрларга ўрнатилган ҳайкаллар ва бошқа жойларда учрайди.<sup>25</sup>

Ўзбек (туркий) матншунослиги тарихи хусусида сўз очар эканми, унинг ибтидоси сифатида қадимги манбалар матни билан боғлиқ ҳолда олиб борилган ишлар ҳақида гапириш ўринлидир.

Милоддан кейинги даврда, аниқроғи, қадимги туркий тилнинг илк ёзма намуналари пайдо бўлган даврлардаги матн яратиш ишларида биз ягона шахс (хоқон ёки саркарда) фаолияти билан алоқадорликни кузатамиз. Жумладан, Ўрхун-Энасой тошбитикларидаги маълумотлардан шу аён бўладики, унда хоқон ёки саркарда томонидан тошга битилган эсдаликлар ўша давр жамиятида рўй берган воқеаларни акс эттирган. Бу худди миллоддан аввалги Эрон подшоҳларидан Доронинг Беҳистун қоясига ўйиб ёздирган эсдаликларига ўхшайди. Демак, давлат арбоблари учун бу ҳолат қайсидир маънода анъана тусига кириб қолган удум бўлган.

Адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин бевосита туркий матншуносларнинг биринчиси ҳисобланади. У матнни тиклаш, яъни реконструкция қилиш билан бирга керакли жойларини қайта таҳрир ҳам этган. Албатта, матншунослик тарихи ўрганилишида бундай амалий жараёнларни таҳлил қилиш масаласи, сўзсиз, битиклар матни билан айнан иш олиб боришни тақозо этади. Шунинг учун мавжуд маълумотлар асосида шундай хулосага келамиз: матний тадқиқларнинг бу даврдаги асосий хусусияти матн мазмуни ва шаклига муносабатнинг пайдо бўлишидир. Йўллуғ тигин матннинг мазмун ва тузилиш жиҳатидан яхлитлиги ҳамда уларнинг ўзаро муносабатга киришувини таъминлашга ҳаракат қилган. У матнни таҳрир этишда ягона мавзу, ғоя ифодаси йўлида изчил қаторни тузиб чиққан. Йўллуғ тигин Кул тигин битигидан олган парчани Билга хоқон битиги матнига киритишда манتيқий ва гносеологик боғланишни эътиборда тутган. Турк хоқонлиги даврида ёзилган мазкур ёдгорликлар хусусида тадқиқотлар олиб борган олимлар – Қ. Содиқов ва Қ.Омонов шундай ёзишади: «Кўк турк битиклари ўтганлар хотирасига тикланган ёдгорликлар бўлишига қара-

<sup>25</sup> Қаранг: Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Фан, 1982.



май, уларда матн тузишнинг аниқ принциплари ишлаб чиқилган эди. Қизиқ бир ҳодиса: адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин 732 йили отасининг топшириғига кўра амакиси Кул тигин хотирасига атаб битик ёзган. Орадан кўп ўтмай, 735 йили, ўз отаси Билга хоқон хотирасига атаб ўрнатилган битикни ёзишда ҳам худди ўша йўлни тутган: ҳатто биринчи битикдаги матннинг катта бир бўлагини олиб, уни таҳрир қилиб, иккинчи битикка ҳам киритган. Йўллуғ тигиннинг матншуносликдаги ютуқларидан бири шунда эдики, у тарихий матн тузиш принципларини ишлаб чиқди». <sup>26</sup>

Гарчи бу ёдгорликлар кўпроқ тарихий манбашунослик объекти бўлса-да, унинг тилини ўрганиш, ўша давр жамиятининг аҳволини бадиий нуқтаи назардан ёритувчи ўринлари бўлгани боис улар филологик матншунослик жиҳатидан ҳам тадқиқ этилган. Бу соҳада академик олим Алибек Рустамов ва Насимхон Раҳмоновнинг ҳиссалари катта. Профессор Н.Раҳмонов туркий ёзувлар характери ҳақида гапирар экан, шуларни қайд этади: «Ўрхун ёзувларининг ҳам, Енисей ёзувларининг ҳам, Талас ёзувларининг ҳам орфографияси анча мураккаб. Ана шундай мураккаб системадаги орфографияда ижод қилиш ҳар бир ижодкордан, шубҳасиз, катта тайёргарлик, ақл-заковат талаб қилар эди». <sup>27</sup> Бундан ташқари, олимнинг бошқа асарларида ҳам бу ҳақда мулоҳазалар юритилган.

Ўрхун-Энасой ёзувларининг яна бир эътиборли томони матн тузувчи ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлигидир. Тилшунос И.Йўлдошевнинг «Ўзбек китобатчилик терминологияси» асарида келтирилишича, Култегин битиктошидаги матнда қўлланган «бадиз» ва «бадизчи» сўзлари наққошлик, ўймакорликка оид маъноларни англатиш билан бирга хоқонлар нутқини тошга битувчи – «котиб» маъносини ҳам ифодалайди. <sup>28</sup>

Ўрхун-Энасой ёзуви билан бирга уйғур алифбосидан ҳам фойдаланилган ва бу ёзув туркий халқлар орасида XVI асргача анча кенг тарқалган. Қадимдан котиблар юксак масъулиятли вазифани бажарувчи кишилар ҳисобланган. Ҳатто қадимги

<sup>26</sup> Содиқов Қ., Омонов Қ. Илмий-танқидий матн яратиш – замон талаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010 йил 20 август.

<sup>27</sup> Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.35.

<sup>28</sup> Қаранг: Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. – Тошкент: Фан, 2004. – Б.9 – 10.

манбаларда ҳам улар улуғланган. «Уйғур ёзувли манбаларда котиблар bitigçi, ilimya (alimya), baxşi, ka:tib деб аталган».<sup>29</sup>

Матншунослик ишлари шаклланиши билан боғлиқ яна бир ҳодиса китоб тузиш ишларининг жорий этилиши бўлди. Қ.Содиқовнинг ёзишича, «турк буддавийлари орасида анча кенг тарқалган китоб тури потхидир. Бундай усул билан китоб тайёрлаш учун, даставвал, китобга мўлжалланаётган варақлар ўртасига бир ўлчамда доирачалар чизиб чиқилган. Матнни ёзаётган пайтда эса сатр доирага келиб туташганда тўхтатилиб, доирачанинг иккинчи ёғидан давом эттирилаверган. Шундай қилиб, доирача ичи бўш қолган. Қўлёзма тўлиқ қўлдан чиққач, ҳалиги доирачалар ўртасидан тешилган. Варақларни дасталаб туриб улар тешигидан ипга тизилган. Сўнгра қоғоз бичимига тенг икки пайраха олиб тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланган ва тизимчаси маҳкамлаб қўйилган. Ўз навбатида, пайраҳалар муқова вазифасини ўтаган ҳамда китобни яхши сақлаш имкони берган. Китобни ўқиш зарур бўлган тақдирда тизимчаси бўшатилиб, фойдаланиб бўлгач яна жойлаб қўйилаверган».<sup>30</sup> Потхи усулида китоб тартиб беришни қадимги ҳиндлар кашф этган бўлиб, туркларга Тибетдан ўтганлиги қайд этилади.

Китоб босишнинг илк кўринишлари Хитойда ҳам кенг тарқалган. «Милодий 868 йили Хитой устаси Ван Цзе китоб босиш учун ёғоч гравюрадан фойдаланган. Китоб босишнинг бундай усули ксилография деб аталган, унда китоб босиш технологияси жуда оддий, лекин машаққатли бўлган».<sup>31</sup>

Ўзбек (туркий) матншунослиги шаклланишининг тарихий илдиэларини ёритишда туркий тилли халқлар орасида эътиборга молик бўлган ёзма ёдгорликлардан бири – «Олтин ёруғ» муҳим ўрин тутаети. «Олтин ёруғ»нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилган бўлиб, асар X – XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилган ва Шарқдаги кўп тилларга таржима қилинган.<sup>32</sup> Н.Раҳмонов X асрда Бешбалиқ (Шарқий Туркистон)

<sup>29</sup> Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б.131.

<sup>30</sup> Курсатилган асар. – Б.126.

<sup>31</sup> Мирзороҳимов А.Ш. Ўрта Осиёда тошбосма китоб тарихи: Тарих фан. номэ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б.22 – 23.

<sup>32</sup> Қаранг: Олтин ёруғ. 1-китоб / Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркий тилдан ўзбекчага таъдил муаллифи Н.Раҳмон. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.3 – 5.

шаҳрида яшаган Сенги Сели Туғунг «Олтин ёру»ни хитой тилидан уйғур тилига таржима қилиш давомида йиғма матнини ҳам тузиб чиққанлигини таъкидлайди. У хитой тилидаги матнга кирмай қолган ўринларни бошқа тиллардан таржима қилиб асарга киритганлигининг ўзи туркий матншуносликда матн тузиш принциплари қадимдан шаклланганлигини англатади.

Матншуносликнинг қатъий принциплари Туронзаминга ислом дини ва араб ёзуви билан бирга кириб келди. Ислом маданиятида китобат санъати алоҳида эътиборга лойиқ соҳа бўлиб, матн тузишнинг ўзига хос қатъий структураси ишлаб чиқилган эди. Басмала, ҳамд, наът, бағишлов каби асар кириш қисмига тааллуқли қоидалар юзага келди. Таммат ёки хатм ул-китоб, сана ва котиб исми зикр этилиши лозим бўлган колофон матншуносликда қўлёзма нусха котибининг муаллифлик ҳуқуқини кафолатлаш механизми принципига айланди.

Ўрта Осиёда ҳадис илмининг ривожини, машҳур муҳаддисларимизнинг ҳадисларни санадларига кўра саҳиҳ, носаҳиҳ, ҳасан, қудсий каби турларга ажратиб чиқишлари, Қуръони каримни тафсирлаш, шарҳлаш, фиқҳий масалалар билан боғлиқ ижмоъ, ақоид илмларининг кенг ёйилиши манбашунослик ва матншуносликда муайян анъаналар пайдо бўлишига замин яратди. Ҳадис тўпламлари, фиқҳий мажмуалар, диний нақл ва ривоятлардан хрестоматиялар тузиш, уларни кўчириш мактаблари шаклланди. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний илмий мероси кенг ўрганилиб, уларнинг асарлари матнлари устида турли тажрибалар олиб борилган. Уларнинг асарлари тўлиқ ёки жузвларга бўлинган ҳолда кўчирилган. Кўпинча муайян боблар алоҳида матн сифатида шакллантирилиб, мажмуалар таркибига киритилган. Айрим ҳолатларда асарлар қисқартириб кўчирилган.

Алломаларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ёзилиши билан қўлёзма нусхалар матн структурасида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Бир қўлёзма жилдда икки асар – бирини асосий жадвалда, иккинчисини ҳошияда жойлаштириш принциплари шаклланди. Муайян асарларни шарҳлари билан бирга кўчириш анъанага айланди. Матн турларининг кўпайиши бир асарнинг турли шаклларда кўчирилишига ва турли номлар билан машҳур бўлиб кетишига олиб келди.

Матншуносликнинг тарихий тараққиётини кузатиш бу даврларда йиғма матнлар, жузв-бўлақлар ҳолидаги алоҳида матнлар, шарҳ-матнлар анча кенг тарқалганини кўрсатади. Албатта, бу жараёнлар ўзбек матншунослигида муайян принципларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Туркий тил грамматикасини ишлаб чиққан биринчи тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» қомусий асарини яратишда энг қадимги манбаларни тўплади, матнларни ўрганди ва уларни тавсифлаш орқали ўз асарига киритди. Асарда жамланган халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўпи асар ёзилган даврдан беш-олти аср қадимийроқ ҳисобланади. Масалан, Алп Эр Тўнга марсияси, «Олтин қон» ривояти, айрим шахс ва жойлар билан боғлиқ афсоналар шулар жумласидандир.

Шу даврларда яшаб ижод этган кўплаб мутафаккир адибларимиз матн тузиш ишлари қанчалик муҳим эканлигига эътибор қаратганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, қомусий олимлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий фаолиятида буни кўриш мумкин. Форобий «Хаттотлик ҳақида китоб» («Китоб фи санъат ал-китобат») асарида айнан ёзув турлари ва хаттотлик маҳорати масалаларига эътибор қаратди.

XI асрнинг машҳур мутафаккир шоирларидан Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарида битикчи, яъни котиб тўғрисида мулоҳаза қилиб, унинг жамиятдаги мавқеидан шундай баҳс юритади:

*Котиб билимли, заковатли бўлиши керак,  
Хати чиройли, сўзга уста, эзгу феъл бўлиши керак.  
Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади,  
Боқса ўқигиси келади, кўнгил қувонади.  
Агар фасоҳат билан (хуш)хат тенглашса,  
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади.  
Иланинг сирга яқини нима дейди, эшитгин:  
Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир.  
Барча эзгу сўзлар ёзувда бўлади,  
Ёзилган бўлганлиги учун сўз унутилмайди, (абадий) қолади.<sup>33</sup>*

<sup>33</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. — Тошкент: Фан, 1971. — Б.431 — 433.

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб ҳамма эл ишини хат изга солиши, ёзув туфайли барча даромадлар қўлга киритилиши, давлат бошқарилишини таъкидлайди. Шоир котиб тилни, ёзувни бузса ҳужасининг бошини ейди ёки бошини олгудек бўлади дейиш орқали котибнинг масъулияти қанчалик катталигини кўрсатади. Юсуф Хос Ҳожиб бундай фикрларини қуйидагича баён этган:

*Котиб ичимлик ичса, билимдан янглишади,  
Билимдан янглишган ёзувда хато қилади.  
Котиб кечаси ҳам кундузи элда (бўлиши) керак,  
Қачон талаб қилинса, ўша пайтда (бўлиши) керак.  
Бу икки кишини одамлар орасидан танлаб ол,  
Сўнг уларга бу икки ишни бергин.  
Бири – хати аниқ котиб,  
Бири – тили мавзун элчи.  
Яқин-ёвуқда ёки ёт, бегона (эллар) орасида  
Адоват содир бўладиган бўлса, булардан кўргин.  
Иш орқага кетса, шу икки киши туфайли кетади,  
Ишга ривож берса, шу икки киши беради.  
Бири – ёзувда сўздан янглишганда,  
Бири – тили билан (шу) сўзни тuzатса.  
Котиб бу янглиз (бўлиши) керак, эй элиг,  
Унга ишонса, қўл берса, яъни иш топширса бўлади.<sup>34</sup>*

Шоирнинг мулоҳазаси, бир томондан, котиб хулқ-атвори унинг хатида ҳам намоён бўлишини таъкидлаши билан диққатга сазовор, иккинчи томондан, хат матни аниқ ва равшан ёзилмаса, сўзни англашда янглишлик пайдо бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келишига ҳам ишорадир.

### Илмий-амалий тажрибалар ва матншунослик равнақи

Темурийлар даври ўзбек матншунослиги ривожига муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзбек матншунослиги шу даврдан эътиборан ўзининг иккинчи босқичига ўтди дейиш мумкин. Бу давр

<sup>34</sup> Кўрсатилган асар. – Б.437.

да илм-фан, маданият билан бирга қўлёзма нусхаларга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Шоҳрух замонида Ҳирот шаҳри давлатнинг сиёсий марказига айланди. Шоҳрухнинг ўғли, айти вақтда, вазири Бойсунғур мирзо ниҳоятда вазирлик, адабиёт ва санъат мухлиси, ҳунар аҳлининг жонкуяр ҳомийси эди. «Мирзо Улуғбек астрономия ва ҳандасада ўз даврида ягона бўлгани каби, Бойсунғур мирзо шеър ва хатда ўз даврининг энг машҳур кишиси эди».<sup>35</sup>

Бойсунғур мирзо Ҳиротда улкан кутубхона ташкил этди. Кутубхонада 40 нафар етук ҳунар эгалари тўпланди. Булар хушнавис хаттотлар, китоб тузиш учун қоғоз тайёрловчилар, муқовасоз, яъни саҳифаларни тўплаб китоб ҳолига келтирувчилар, китоб кўчирилиб муқовалангач, саҳифаларга сурат чизувчилар, олтин ҳал юргизувчилар, нодир китобларга чарм ёки бошқа бир қимматбаҳо матодан жилд ясовчилар, тўзиган китобларни қайта тикловчилар, саҳифалар ҳошияси ва ёзув ораларига олтин ёки кумуш ранг пуркаб безатувчилар кабилар эди. Бойсунғур мирзонинг ўзи ҳам моҳир хаттот бўлган. Унинг олти хил ёзувни мукамал билгани, айтиқса, сулс ёзувига моҳирлиги ҳақида маълумотлар бор. Темурийларгача ишлаб чиқилган барча матн шакллари асосан диний адабиётга татбиқ этилган бўлса, Бойсунғур мирзо уларнинг барчасини бадиий адабиётга татбиқ этди. Характерли жиҳатлардан бири, унинг кутубхонасида китоб кўчириш билан бирга қўлёзма нусханинг йиғма матнини тиклаш ишлари ҳам олиб борилган. Жумладан, Бойсунғур мирзо буйруғи билан Фирдавсий «Шоҳнома»сининг турли қўлёзма нусхалари тўпланиб, биринчи бор тўлиқ ва мукамал нусхада кўчирилди. Мазкур қўлёзма 1425 – 1430 йиллари Жаъфар Табризий томонидан кўчирилиб, мусаввирлар уни 20та сурат билан безадилар. Бойсунғур мирзо «Шоҳнома»нинг бу нусхасига муқаддима ёзади ва у адабиёт тарихида «Бойсунғур муқаддима-си» номи билан машҳур. Мазкур «Шоҳнома» ва ўша даврда кўчирилган «Калила ва Димна»нинг нодир нусхаси (унда 35 сурат бор, 1460 йили кўчирилган) айти пайтда Техрондаги Гулистон саройи музейида сақланмоқда.<sup>36</sup>

<sup>35</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.51.

<sup>36</sup> Қаранг: Норқулов Н., Низомиддинов И. Мийнатур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.79.

Бойсунғур «Шоҳнома»нинг йиғма матнини тузишда энг ишончли, кўпчилик эътироф этган нусхаларни танлаган. Йиғма матн шакли асосан қиёсий-солиштирма, тарихий, маънавий-мазмуний таҳлил асосида тузилган. 1991 йили асарнинг илмий-танқидий матнини қайта амалга оширган М.Н.Османов ёзади: «Шоҳнома» яратилгандан сўнг ўтган тўрт аср давомида муаллиф матни жуда кўп ўзгаришларга учраган, поэма нусхалари орасида ўзаро фарқлар келиб чиқа бошлаган эди. Шунинг учун XV асрда темурийлардан Мирзо Бойсунғур олимларга асарнинг ягона таҳрир матнини ишлашни буюрди. «Бойсунғур таҳрири» номи билан юритиладиган ушбу нусха «Шоҳнома» матни реконструкциясининг ишланишида биринчи тажриба эди. Бойсунғур таҳрири замонавий илмий напрга тайёрлаш талабларига жавоб бермаслиги табиий, чунки XV асрда Шарқда, фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам асосий матн тузиш методикаси ишлаб чиқилмаган эди. Фирдавсий институти (Эрон) илмий ходимларининг тадқиқий таҳлилларидан маълум бўладигани, Бойсунғур таҳририда муаллиф матнига сайқал берилган байтлар кўп миқдорни эгаллайди. Айнан «Шоҳнома»нинг «Бойсунғур матни» XX аср ўрталаригача асосий нусха вазифасини бажарган». <sup>37</sup> Бундан маълум бўладигани, Бойсунғур матншунослари фақат матнларни бирлаштириш билан қаноатланмасдан, матнни тиклаш ишларини амалга оширганларки, бу матншунослик принциплари шу даврларда анча қатъийлашганини англатади. Бойсунғур мирзо таҳрири билан тузилган «Шоҳнома»нинг йиғма матни Шарқ матншунослиги тажрибасининг буюк намунасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ёзма ёдгорликларни асраш ва қўлёзма асарларни қайта кўчиртириш каби ишларга катта эътибор қаратиш фақат Бойсунғур мирзога хос бўлмаган. Жумладан, «Шоҳрух мирзонинг ўғли Султон Иброҳим ҳам моҳир ҳунармандларга жаҳон тасвирий санъати намуналари ҳисобланган китоблар туздирди. Шундай китоблардан бири Низомийнинг «Ҳусрав ва Ширин» достони нусхаси бўлиб, ҳозирги даврда Нью-Йоркдаги Метрополитен музейда сақланмоқда». <sup>38</sup>

<sup>37</sup> Османов М.Н. Фирдоуси. Шах-наме. Т.1. Предисловие. – М.: Наука, 1991. – С.5.

<sup>38</sup> Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б.71.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек адабиёти олдидаги хизматлари ҳаммага маълум. «Бобур давлат арбоби, саркарда, тарихчи олим, таржимон, шоир бўлиш билан бирга Ибн Муқлаъ каби буюк хат ихтирочиси сифатида Шарққа танилган. Ҳиндистонни бошқариб турган вақтида Бобур араб хатининг турли шаклларида ёзиладиган алоҳида бир хат ихтиро қилган. Бу янги хат «Бобурий Хатти» деб аталган ва шу ном билан шуҳрат топган».<sup>39</sup> Бобур ва унинг авлодлари турли фанлар қаторида адабиёт ва санъат ривожига, хусусан, қўлёзма манбаларни кўчириш, сақлаш ишларига жуда катта аҳамият қаратганлар. Бобурнинг хатга, хусусан, матнга муносабати «Бобурнома»даги бир мактуб борасидаги сўзларида яққол намоён бўлади. Бобур ўғли Ҳумоюнга давлат ишларини юритишда маслаҳат бераркан, ўғлининг унга ёзган хатидаги баъзи ўринларга эътироз билдиради. Жумладан, Ҳумоюннинг ўзига нисбатан айтилган «ёлғузлуқ, ёлғузлуқким» сўзларини «подшоҳликда айбдур», чунки «подшоҳлик била ёлғузлик рост келмас» деб ноўрин қўлланган сўз эканини кўрсатади. Яна шоир Ҳумоюннинг хати ва имлосини шундай чиройли кузатадики, бунда Бобур илмий салоҳияти билан бирга ўта диққат билан матнни таҳлил этгани кўринади. Хатда шундай ёзилади: «Яна, мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуёлмас эдинг. Ўқуёлмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлоинг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, илтифотни «то» (ط) била битибсен. Қулунжни «ё» (ي) била битебсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Фолибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғучиға».<sup>40</sup> Бобур Ҳумоюнга танбеҳ беришда кўп жиҳатларга эътибор қаратапти. Ўзинг хатингни ўқий олмайсан, буни эса ўзинг пайқамайсан, агар билганингда ўзгартирардинг,

<sup>39</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.122.

<sup>40</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.321.



айрим сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштиргани, мисралар сонини камайтириш ёки кўпайтиришни лозим топгани унинг матншунос сифатида юқори малакага эга бўлганидан далолат.

Навий «Ҳазойин ул-маоний» лирик куллиётини тайёрлашда ҳам жуда катта таҳрир ишларини амалга оширгани, матнга масъулият билан ёндашгани ҳақида навийшунос олимлар кўп тўхталганлар. Шоир илк девонидаги шеърларини «Ҳазойин ул-маоний»га киритар экан, котиб томонидан йўл қўйилган хатоларнигина тузатиб қўя қолмай, балки кўпчилик шеърларни қайта таҳрир қилган. Натижада «Илк девон»даги бир неча шеърнинг янги вариантлари вужудга келган.

Алишер Навоий ижоди ўзидан кейинги барча ўзбек шоирлари учун маҳорат мактаби ҳисобланган. Кейинги даврларда Навоий асарлари юзлаб нусхаларда учрайди. Навоий асарларини кўчириш анъанаси хаттот ва котибларни даврнинг синчков матншуносларига айлантиргани шубҳасиз. Алишер Навоий асарларини китобат қилган котиблар хусусида шу сатрлар муаллифларидан бири ўз вақтида қуйидаги фикрларни билдирганди: «Хаттот ва котиблар Навоий асарларини кўчиришда, бир томондан, хаттотлик маҳоратини орттирсалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи қудратининг нақадар кучли эканлигига тан берганлар ва мафтункор шеърят сеҳри уларни батамом ўз оғушига олган. Кўпчилик хаттотлар Навоийнинг бирор-бир асарини кўчириб бўлишгач ўша асар руҳи таъсиридан чиқолмай, ўз таассуротларини китоб охирида қайд этиб кетишган».<sup>45</sup>

Бундан кўринадики, хаттот ва котиблар фақат нусха кўчирувчи бўлмаганлар. Улар ўзлари кўчираётган асарларига хохлис баҳо бера оладиган зукко матншунослар ҳам эди. Масалан, Навоийнинг хос котиби Абдулжамилнинг «Тухфат ус-салотин» китоби ана шундай ҳайрат натижасида тузилган. «Тухфат ус-салотин»нинг муқаддимасидан маълум бўладики, котиб Навоий назмидан баҳра олиб ҳайратли ҳаяжон денгизига ғарқ бўлган ва таассуроти ниҳоят даражада жўшқинлигидан ушбу мажмуани жам қилмоққа жазм этган. Котиб шоир байтлари хусусида шундай ёзади: «Ҳар тухфасида чандин латойиф ва ғаройиби марғуб макнун ва мавжуд ва ҳар лафзи бир қиссага шомил ва ҳар байти

<sup>45</sup> Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.5 – 6.

бир оятга мутаазамин ва мисраи бир ҳадисга мувофиқдурур». <sup>46</sup> Абдулжамил котиб буюк мутафаккир ижодининг ўз замонидаги илмий тадқиқотчиси ва ўткир зеҳли матншунос бўлган деб комил ишонч билан айтиш мумкин. Буни П.Шамсиев «Садди Искандарий» дostonининг илмий-танқидий матнини тайёрлашда дуч келган котиб ва хаттотлар амалга оширган таҳрир ишлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, олим шартли «Г» ҳарфи билан белгилаган Ленинград давлат кутубхонасида 55-рақам билан сақланувчи қўлёзманинг 15-бетида 68 байт, XXX бобида фақат бир байт туширилиб қолдирилганлиги, ким томонидандир қўлёзма четига тўлдириб қўйилганлигини қайд этади. Шунингдек, Қозон университетиди 15334-рақамли «Е» қўлёзмаси LXII бобида 6- ва 7-байт 9-байтдан сўнг қайтарилганлиги котиб томонидан ҳар бир қатор устига «*ج*» «ортиқча» белгиси орқали қайд этилганига эътибор қаратади. У вақтда қаторни ўчириш хаттотликда кечирилмас нуқсон ҳисобланган. Шунинг учун котиблар у ё бу хатоларни турли белгилар билан билдириб кетганлар. Масалан, байт қаторлари тескари тартибда ёзилган бўлса, белги *Ў*г Н (*г* – муқаддам, Н – охир) қўйилган. Ушбу нусханинг XLVIII бобида 46-байт икки қайта ёзилган, котиб фаҳмламаган, шекилли, қайтариқ белгиси қўйилмаганлиги, кейинчалик китоб четига қўйиб тикланган байтларда ҳам тушириб қолдирилган сўз учраши қайд этилади. Бу қўлёзманинг яна бир хусусияти, мисрада йўқ сўзлар матндан ташқарида, баъзан котиб тушуниш қийин бўлган сўзларни (*كيدوم، غول، كور، كە، طريد،* кабилар) четга чиқаргани ва уларга форсча тушунтириш берганлиги таъкидланади. <sup>47</sup>

Мана шу таъкидлардан маълум бўладики, ўзбек матншунослигининг айнаи шу даврларида нусха кўчириш жараёнида битта қўлёзма билан чекланмасдан, бир неча қўлёзма қиёсий текшириб кўрилган. Акс ҳолда, котиблар кўчириляётган нусхада тушириб қолдирилган ёки қўшиб ёзилган жойларни аниқлаш имконига эга бўлмасдилар.

Шу даврларга хос яна бир жиҳат матн шакллари янги турларининг ишлаб чиқилишида кўринади. Котиблар шоир асарларини ихлос билан китобат қилиш жараёнида ўзлари ҳам илҳом-

<sup>46</sup> Абдулжамил котиб. Туҳфат ус-салотин. – Тошкент, 2007. – Б.7.

<sup>47</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986 – Б.39.

ланиб оригинал тўплам-мажмуалар тузганлар. Масалан, иншо санъатига доир қўлланмаларда, хатлар тўпламларида матнларни тузишда ишлатиладиган қонун-қоидалар, хаттотларга кўрсатмалар ва турли намуналар келтирилган.

XVI – XIX асрлар ўзбек матншунослиги тарихини кузатар эканмиз, котибларнинг кўчирилаётган асарнинг ишончли, қадимий нусхасини танлашга ёки манбанинг йиғма матнини яратишга интилганликларини кўрамиз. Шу даврларда яратилган кўплаб матнларнинг дебочаларида муаллифнинг «турли аниқ манбалардан териб тўпладим» қабалидаги эътирофлари йўқолиб бораётган асарларнинг янги вариантларини яратиб асар умрини узайтиришга бўлган ҳаракатларидан дарак беради. Бундай асарлар сирасига диний, калом, тасаввуфий, дидактик асарлар билан бирга адабий, тарихий-тазкиравий характердаги асарлар киради. Шулар қаторида Алишер Навоий асарларини мажмуалар ҳолида кўчириш ҳам даврнинг энг машҳур зотлари диққат-эътиборида бўлган. Шу билан бирга, қўлёзмаларнинг ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилиши, айрим хаттотларнинг эътиборсизлиги, баъзи котибларнинг байтларни ўқий олмаслиги ёки баъзи байтларни атайлаб тушириб ёхуд ўзгартириб ёзилиши натижасида асар муаллиф таҳриридан узоқлаша борган. Бу ҳол қўлёзмалар қанча кўчирилса, шунча ортган.<sup>48</sup> Бу даврда яратилган юзлаб қўлёзмаларда акс этган хатоликлар, муаллиф матнини бузиш ҳоллари, сакталиклар ҳаваскор ёки хаттотлик касбини эгаллаш йўлидаги илк машқлар натижасида ҳам рўй берганлигини назардан қочирмаслигимиз керак. Сўзсиз, матншуносликда котиблар томонидан аслиятдаги сўзларнинг билиб-билмай ўзгартирилиши нуқсон ҳисобланади. Айрим адабиётшунослар, жумладан, А.Рустамовнинг фикрича, муаллиф даврида кўчирилган қўлёзмалар матнидаги ўзгаришларни котиб қилганми, муаллифми, аниқлаш жуда қийин. Олим шундай мисолга эътибор қаратади: «Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарининг ҳамд бобида шундай байтлар бор:

*Минтақа бирла фалаки ложувард,  
Сунъи бисотида ики тахта нард.*

<sup>48</sup> Қаранг: Сирожиiddинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: Зафаршон, 1996.

*Солмоқ учун тоси сипеҳр ичра шайн,  
Ою Қуёштин қилибон каъбатайн.*

Бу мисралар «Хамса» қўлёмаларининг Абдулжамил нусхасида берилган. Аммо Султонали Машҳадий нусхасида «тоси сипеҳр» иборасидаги «тос» сўзи «тоқ» сўзи билан алмаштирилган. Агар иборанинг ўзи назарда тутилса, бу ўзгариш маъқулга ўхшаб кўринади. Лекин фалакнинг нардга, Қуёш билан ой каъбатайн – нарднинг икки пашқолига ўхшатилгани ҳисобга олинса, мазкур тузатишнинг аслида бузиш бўлганлиги маълум бўлади». <sup>49</sup>

XVI – XIX асрлар ўзбек матншунослигида кўринган яна бир янгилик матн мазмунини сақлаган ҳолда уни шаклан ўзгартириш ҳодисасидир. Масалан, XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хоразмда яшаган шоир Умар Боқий Алишер Навоий «Хамса»сидаги дostonларни насрий қиссага айлантирган. Унга «Насри Хамсаи беназир» деб ном берган. Умар Боқий дostonларнинг асосий воқеа ва эпизодларини сақлаб қолган. Умар Боқий асар композициясидан йироқлашиб кетмасдан, қаҳрамонлар характерининг асосий моҳиятини ҳам сақлашга интиланган. Умар Боқий тайёрлаган насрий баённинг диққатга сазовор жойи шундаки, бу иш «Хамса»ни оммалаштириш ва унинг оддий ўқувчига тушунарли матнини тузиш йўлида қўлланган илк тажрибадир.

XIX аср Мовароуннаҳрда адабий жонланиш, ўтмиш мумтоз адабиётини тарғиб этишда янги даврни вужудга келтирган аср бўлди. Қўқон, Хоразм адабий муҳитларида яратилган ва кўчирилган ўнлаб қўлёмалар ўзбек халқи маънавий дунёсини бойитди. Ушбу кўтарилиш ўз-ўзидан матншунослик ишларига бўлган талабчанликни жиддий оширишни тақозо этди. Хатта муҳим ҳодиса сифатида ёндашиш XIX асрда яшаб ижод этган шоир, тарихчи, таржимон ва хаттот Мунис Хоразмий ижодида яққол кўзга ташланади. Унинг «Саводи таълим» асари асос-этибори билан хаттотлик илмига оид ҳисобланса-да, ҳуснихат таълими борасидаги қимматли фикрлари аҳамиятлидир. Мунис асарнинг «Хат таърифи» қисмида ёзади:

<sup>49</sup> Рустамов А. Ёзма мерос матнига довр баъзи масалалар // Шарқшунослик. 2009. №14. – Б.7.

*Хатдур сабаби тароши хома,  
Зийнат бахши узори нома.  
Сўз махзанининг нишонаси ҳам,  
Маъни дурининг хизонаси ҳам.  
Ҳар сўзки кўнгулдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд.<sup>50</sup>*

Шоир ёзувнинг жамият тараққиётидаги тарихий зарурат эканлигини таъкидлаб, инсон илмининг ярми хат туфайли деб баҳолайди:

*Бу навъ буюрди шоҳи аброр  
Ким, илми ёрими хатдур, эй ёр.  
Бас, мундоқ эса хат эътибори,  
Иззат дарин оч хат аҳли сорслиги.<sup>51</sup>*

Ўзбек матншунослигининг ривожини, имкониятлари кенгайишида XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда очилган типо-литографик корхоналарнинг ўрни беқиёс бўлди. Асли, литография сўзи грекча «lithos» – тош, «grapho» – ёзмоқ сўзларидан олинган. Тошбосма китоб босиш учун тошнинг сирти босма шакл бўлиб хизмат қилган, матн ёки тасвир тошбосма тошига қуюқ туш ёки махсус қалам билан туширилган, нусхалар кўпайтирилган. Литография усулида китоб тайёрлашни баъзи олимлар ясси чоп этиш деб ёзишади. Жумладан, Ш.Зиёдовнинг ёзишича, ҳарф терилмайдиган, полиграфия терминологияси бўйича ясси чоп этиш усули литография бўлиб, яъни ясси чоп этиш – матн олдиндан қоғоз варағига битилган ва тош шаклга тескариси туширилган аксдан нусха кўчириш усули ҳисобланади.<sup>52</sup>

Марказий Осиёда илк типография расман Тошкентда 1868 йили ҳарбий штабда ташкил этилди. Тошкентдаги бу босмахона хизмат доираси учунгина яратилган бўлиб, типо-литографияда асосан Туркистон генерал-губернаторлиги расмий хатлари,

<sup>50</sup> Шермухаммад Мунис. Саводи таълим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.15.

<sup>51</sup> Ўша жойда.

<sup>52</sup> Қаранг: Зиёдов Ш. Марказий Осиёда илк тошбосма китоблар нашри тарихидан // Шарқшунослик. 2009. №14. – Б.136.

буйруқлари, телеграмма ва бошқа ҳужжатларини чоп этиш мўлжалланган эди. Тошкентда бирин-кетин матбаалар иш юрита бошлади.

Туркистонда китоб босишнинг икки хил усули қўлланди. Биринчиси типографик (михбосма) усул бўлиб, унда мих шаклидаги металл ҳарфларни қўлда териш орқали китоб босилган. Бунда араб ёзувининг насх ёзувидан кенг фойдаланилган. Иккинчиси эса, литография (тошбосма) усул, унда дастлабки, асосий ишни хаттот бажарган. Хаттот босиладиган китобнинг матнини махсус қоғозга кўчирган. Бу қоғоздаги матн тошқолип сиртига ўтказилган ва унга кимёвий ишлов берилган. Сўнгра ана шу тошқолиплардан нусхалар олинган. Хаттот тошбосмага матн кўчирганда асосан настаълиқ хатидан фойдаланган. Лито-типографикка нисбатан литографик усул кенг қўлланган. Бунга Алишер Навоий асарларининг 1879 – 1917 йиллар давомида Туркистон шаҳарларидаги кўп матбааларда босилган 70га яқин наشري фақат тошбосма усулида амалга оширилганлиги мисол бўла олади.<sup>53</sup>

Ўрта Осиёда тошбосма усулидаги дастлабки матбаа Хивада Муҳаммад Раҳимхон II саройида юзага келади. «Шарқда биринчи матбаа 1832 йили Эронда пайдо бўлган эди. Шунинг учун Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачи Хива саройига таклиф этилади. Иброҳим Султон маҳаллий ёшлардан Отажон Абдаловга матбаачилик сирларини ўргатади, 1874 йилдан баъзи ҳужжатлар тошбосма усулида чоп этила бошлайди».<sup>54</sup>

Муҳаммад Раҳимхон II кутубхоналар ташкил этиш ҳамда қўлёзма манбаларни асраш ва кўпайтиришга катта аҳамият берган. Бошқа Хива ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, Муҳаммад Раҳимхон II замонасининг етук шоири бўлган. У тарихий, адабий асарларни севган ва уларни кўплаб кўчиртирган ҳамда саройга тўплаган. Муҳаммад Раҳимхоннинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири қишқи қароргоҳ – Арк ичкарасида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарасидаги Тозабоб саройида жойлашган

<sup>53</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.39.

<sup>54</sup> Эркинов А.С., Полвонов Н.Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.9 – 10.

эди. Бу кутубхоналарда ихчам феҳрист – каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига уларнинг номлари битилган ёрлиқлар ёпиштирилган. Феҳрест-каталогда қўлёзма ва литографик асарлардан жами 914 жилд китоб баёни келтирилган. Улар 893 асарни ташкил этиб, 604 жилди қўлёзма бўлиб, 310 жилди тошбосма нусхалардир.<sup>55</sup>

Шу даврда Тошкентда ҳам биринчи хусусий литографик матбаа – С.И.Лахтин матбааси иш бошлади. 1877 йили очилган бу босмахона рус тилидаги китоблар билан бирга маҳаллий тиллардаги китобларни ҳам нашр қилишга эътибор қаратди. Тошкентдаги йирик матбаалардан яна бири О.А.Порцев матбааси эди. У 1888 йили очилиб, китоблари анча сифатли, қоғози ва муқовалари алоҳида эътибор билан танланарди. В.М.Ильин матбааси эса 1899 йили ташкил топган, унда ўзбек адабиёти тарихига оид кўпгина китоблар босиб чиқарилган.<sup>56</sup>

Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Андижон, Марғилон каби шаҳарларда кейинчалик ривож топган матбаалар ўзаро бир-биридан кескин фарқланмайди. Шунга қарамай, уларнинг айрим томонлари, жумладан, нашр этиш техникаси ва сифати асосан чоп этган асарлари мавзу кўлами билан турлича бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги тошбосма нусха тайёрлаш жараёнида олиб борилган амалий ишлар ўзбек матншунослиги билан бевосита боғлиқ. Нашр учун нусхаларнинг танланиши, уларни нашрга тайёрлаш чоғида муайян таҳрир ишлари олиб борилиши матншунослик изланишларини талаб қиларди. Кўплаб нусхалар орасидан босма нашр учун нусхаларни саралаш ҳамда нашрга тайёрлаш жараёнида уларни қиёсан ўрганиш, лозим бўлганда матний тафовутларни бартараф этиш, хатоларни аниқлаб, ягона матнни тузиш ишлари кейинги давр матншунослигида муайян принципларнинг шаклланишига замин яратди. Шу жиҳатдан тошбосма нусхадаги китоблар ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиш билан бирга матншуносликнинг ўша даврга хос хусусиятларини ўрганиш нуқтани назаридан ҳам аҳамиятлидир.

<sup>55</sup> Қаранг: Эркингов А.С., Полвонов Н.Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.38.

<sup>56</sup> Қаранг: Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий мерос, 1968, №1. – Б.99.

Ўзбек матншунослиги тараққиётида бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари шу билан ажралиб турадики, тошбосма нусха тайёрлаш учун айнан матншуноснинг ишини бевосита ўз вазифаси билан алоқадор ҳолда котиб, ношир, муҳаррир кабилар амалга оширган. Тошбосма нусха учун асарни кўчираётган хаттот ёки котиб ўз ишига илмий ёндашиб, қўл остидаги матнга танқидий қараган. Албатта, бундай ёндашувни ҳозирги даврдаги танқидий муносабат билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо хаттот ва котиблар матнни нафақат кўчириш билан шуғулланганлар, балки уни бадиий, фалсафий ва тарихий аспекти билан бирга комплекс тадқиқ этганлар, жиддий текширувдан ўтказиб, тегишли тузатишлар киритганлар. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихини ўрганган А. Муродов Шарқда котиблик билан ном чиқарган ҳар бир шахс оддий техник вазифасини бажарувчи киши эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулодда катта роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби бўлганини алоҳида таъкидлайди.<sup>57</sup>

Тошбосма нашр учун матн тайёрлашда хаттот қўлёзмаларни маълум даражада ўрганиб, уларнинг ишончлилари асосида тошбосма учун матн тайёрлаган ва муайян матншунослик фаолиятини олиб борган.

Котибларнинг кўпчилиги филологик билимга эга саводли, илмли кишилар бўлган. Хусусан, А.Муродов машҳур Шоҳмурод котиб шогирдларидан Ҳусниддинхон ҳақида сўз юритаркан, «Шарқ адабиёти тарихи ва назарияси бўйича олим ҳамда араб, форс тилларига таржимон эди»<sup>58</sup>, — деб ёзади. XIX асрнинг иккинчи ярмида таржимонлик фаолияти билан танилган Алмаий Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли машҳур шоир ва хушнавис хаттот бўлган. Шарқ дидактик адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари орасида энг машҳурларидан бири — «Калила ва Димна» асари Алмаий қаламига мансуб бўлиб, тошбосмада бир неча бор нашр этилган ва халқимиз томонидан севиб ўқилган. «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилига қилинган кейинги таржимасида, қаҳрамонлар ҳамда персонажлар, мамлакат, шаҳар ва қушлар

<sup>57</sup> Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. — Тошкент: Фан. 1971. — Б.4.

<sup>58</sup> Кўратилган асар. — Б.152.



номи турли таржималарда турлича бўлганлиги боис, кўпроқ Алмай таржимасига таянилган.<sup>69</sup> Бундай котиблар асар матнининг мукамал бўлишини таъминлаганлар.

Тошбосма нусхалар тайёрланишида котибнинг матн мазмунини қай даража тушуниши, муаллиф ғоясини идрок этиши муҳимдир. Жумладан, 1323 (1905) йили Тошкентда Порцев матбаасида тайёрланган «Хамса» асари тошбосма нусха матни Абдуманноф ҳожи томонидан кўчирилган. Котибнинг тўла исми Абдуманноф Абдулваҳҳоб ўғли бўлиб, халқ ўртасида Қори Абдуманноф, Абдуманноф ҳожи номлари билан машҳур бўлган. Тошбосма учун кўчириб берган қўлёмаларига ҳам Қори Абдуманноф ёки Абдуманноф ҳожи деб имзо қўйган. Абдуманноф ҳожи Тошкентнинг Ҳофиз Кўйи маҳалласида яшаган. У Бухорода таълим олган. Сўнгра Тошкентда машҳур хаттот Абдулҳақ Котиб Алим ўғли (1808 – 1886)га шогирд тушиб хаттотлик санъатини ўрганган ва тез ёзувчи хаттот сифатида танилган. Абдуманноф ҳожи 1945 йили 65 ёшида поезд остида қолиб ҳалок бўлган. Котибнинг араб ва форс тилларида кўчирган қўлёмалари сақланиб қолган.<sup>60</sup> Матншунос П.Шамсиев тайёрлаган «Хамса» дostonлари илмий-танқидий матни билан Абдуманноф ҳожи кўчирган нусха матни ўзаро солиштирилганда Абдуманноф ҳожи асарни кўчиришда жуда эътиборли бўлгани диққатимизни тортди. У муаллиф матнини асл ҳолича сақлашга ҳаракат қилган экан. «Фарҳод ва Ширин» асари илмий-танқидий матни билан Абдуманноф ҳожи тайёрлаган нусха матни бир-бирига деярли мос келади ва дostonдаги байтлар сони ҳам бопқа тошбосма нусхаларига нисбатан кам тафовут қилади. Мисол учун, Абдуманноф ҳожи томонидан тайёрланган литографик нашрнинг баъзи жойларини асар илмий-танқидий матни билан ўзаро қиёсий солиштириб кўрсак:

كوزوم قاندينگ قماغين چو باقيب  
انينگ داغى كوزوم ليك قاتى اقيب<sup>61</sup>

<sup>69</sup> Қаранг: Калила ва Димна. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б.253.

<sup>60</sup> Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.152.

<sup>61</sup> Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий матн. – Тошкент, 1963. – Б.179.

*(Кўзум қонининг қамогин чу боқиб,  
Анинг доғи кўзумдек қони оқиб.)*

Литографик нашрда эса бу байт қуйидагича ёзилади:

كوزوم قاتينينگ آقماغين چو باقيب  
انينگ داغى كوزوم ديك قانى آقيب<sup>62</sup>

*(Кўзум қонининг оқмогин чу боқиб,  
Анинг доғи кўзумдек қони оқиб.)*

Кўринадики, «Фарҳод ва Ширин»нинг илмий-танқидий матнидаги «*كوزوم قاتينينگ آقماغين*» бирикмаси Абдуманноф Қори кўчирган нусхада «*كوزوم قاتينينگ آقماغين*» тарзида ёзилган. Агар «Фарҳод ва Ширин» дostonининг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафойилун-мафойилун-фаулун V — — — V — — — V — —) вазнида ёзилганлигини инobatга олсак, ҳар иккала бирикма ҳам вазн талабига мос тушади. Аммо эски ўзбек тилининг грамматик қурилишига кўра *-ни* тушум келишиги ва *-нинг* қаратқич келишиги қўшимчаси қўлланишида хатолик келиб чиққан. Шунинг учун дostonнинг тошбосма матнида «*кўзум қонининг оқмогин*» бирикмаси ўринли қўлланган деб ҳисоблаймиз.

Лекин илмий-танқидий матн нашрида шу мисрадаги «*آقماغين*» сўзидаги «*ا*» алиф ҳарфи тушириб қолдирилган, литографик нусхада «*آقماغين*» тарзида тўғри ёзилган.

Абдуманноф ҳожи кўчирган тошбосма нусха билан дoston илмий-танқидий матни нашрида яна шундай фарқланишлар учрайди: «Фарҳод ва Ширин» дostonи илмий-танқидий матнида:

بولار ايجرا بار ايردى بير ضروف، ايت  
مينينگ، ديك زارو محجور و نحيف ايت<sup>63</sup>

*(Булар ичра бор эрди бир заиф ит,  
Менингдек зору маҳжuru наҳиф ит.)*

<sup>62</sup> Мир Алишер Навоий. Хамса. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. №11544. 175-саҳифа.

<sup>63</sup> Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий матн. — Тошкент, 1963. — Б.178.

Асарнинг тошбосма нашрида эса:

بولار ايجرا بار ايردى بير ضعيف ايت  
مړنيښگ، ديك ناتوان و بير تحيف ايت<sup>64</sup>

*(Булар ичра бор эрди бир заиф ит,  
Менингдек нотавону бир наҳиф ит.)*

Агар «маҳжур» – ташлаб кетилган, қолдирилган, «нотавон» – заиф, қувватсиз деган маъноларни англатишини назарда тутсак, «зору маҳжур» сўзида бадий мантиқ ва таъсирчанлик кучли. Арабча (تحيف) «ориқ» сўзининг мазмунини «нотавон» сўздан кўра «зору маҳжур» бирикмаси кўпроқ кучайтиради. Нотавон «бемадор, заиф» маъноларини беради, наҳиф сўзи «эгаси ташлаб кетган қаровсиз, ориқ ит» маъносида илмий-танқидий матндаги каби кучли ҳиссий-мантиқий тасаввур уйғотмайди. Шунинг учун илмий-танқидий матнда «маҳжур» сўзи танланганлиги, албатта, тўғри бўлган. Аммо тан олиш керакки, Абдуманноф ҳожи «Хамса»ни кўчириш учун мукаммал нусхани танлай олган, матн билан ишлашга жиддий ёндашган.

Ўзбек матншунослигининг тошбосма нашрлар билан боғлиқ даври ҳақида шунини айтиш мумкинки, ушбу жараёнларда илгаридан шаклланиб келаётган анъаналар, принциплар қатъий кўриниш олди. Шароит талабидан келиб чиқиб котиб, ношир, муҳаррирлар ўз вазифалари билан бирга матн тузиш ишларига тааллуқли бўлган услубий қўлланмаларни амалиётга жорий этишди. Бу даврнинг асосий хусусиятларидан яна бири тошбосма нусха матнини тайёрлашда матнга ўрта асрлардагидек асосиз равишда қўшимча киритиш ёки тушириб қолдириш каби камчиликларга чек қўйилди. Илгари, яъни XIX асргача бўлган даврда асарнинг нусха кўчирилиши ёки таржима қилинишида айрим ҳолларда муаллиф матнига ижодий ёндашилган бўлса, энди бундай эркинлик тақиқланди. Тошбосма нусха ноширларининг кўпчилиги маърифатли инсонлар бўлиб, матншунос сифатида ҳам масъулият билан иш тутдилар. Бу даврга хос яна бир хусусият шундаки, тошбосма усулида оригинал матншунослик

<sup>64</sup> Мир Алишер Навоий. Хамса. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. №11544. 175-саҳифа.

ишлари ҳам нашр этила бошланди. Масалан, 1908 йили Алишер Навоий «Хамса» асарининг насрий баёни Тошкентда нашр этилди. «Насри Хамсаи беназир» деб номланган бу китобнинг котиби Раҳматуллоҳ Абдушукур ўғлидир. Эътиборлиси, Мулло Мир Махдум ибн Шоҳюнус китобга ноширлик қилган ва «Хамса» достонлари насрий варианты унинг ўзи тайёрлаган.<sup>65</sup> Бу нусха ноширнинг Навоий асарларидан яхши хабардор бўлганлигини кўрсатади.

Мазкур даврга хос илғор тенденциялардан бири йиғма-қийёсий матнларга эътибор кучайишидир. Тошбосма нусха матни мукамаллигини ўз назоратига олган кишилар асар муҳаррирлари эдилар. Чунки ҳар доим ҳам тошбосма учун хаттот томонидан нусха танланмаган, балки махсус кишилар, айтайлик, муҳаррир қўлёзма матнини танлаган, котиб эса уни кўчирган. Муҳаррир деб, аслида, таҳрир қилувчи шахсга айтилади. Бироқ XIX аср охири – XX аср бошига келиб муҳаррир фақат ёзадиган, таҳрир қиладиган эмас, балки қўлёзма манбани нашрга тайёрлашда бевосита унинг нусхаларини ўрганадиган шахсга нисбатан қўлланиладиган истилоҳга айланди. Баъзан нашр муҳаррири манбанинг нусхаларини саралаган, муайян матни турли жиҳатдан таҳрир қилиб асосий матни тузган, уни босмага тайёрлаган. Албатта, бундай тошбосма нусха матнини бизнинг тушунчамиздаги йиғма-қийёсий матн шакли деб бўлмайди, лекин уларга йиғма матн шаклининг яхши намунаси деб қараш тўғри бўлади. Масалан, Навоий «Хамса»си 1297 (1879) йили Муҳаммад Раҳимхон II фармони билан тошбосма матбаада чоп этилади. Асарни тошбосма учун Сўфи Хоразмий деган хаттот кўчирган. «Хамса»ни шоир Комил Хоразмий нашрга тайёрлайди ва «Ҳайрат ул-аброр» достони китобига ўзи уч саҳифалик муқаддима ҳам ёзади.<sup>66</sup> Комил Хоразмий XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивада давом этган адабий ҳаракатда салмоқли ўрин эгаллаган шоирлардан бири ва талантли мусиқашунос, уста хаттот ва атоқли наққош ҳам эди. Ваҳоланки, Комил Хоразмий нашрнинг амалга ошишида матн сифатини тўлиқ кузатувга олган ва ишга масъулият билан ёндашган. Шунинг учун 640 саҳи-

<sup>65</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: Фан. 1991. – Б.40.

<sup>66</sup> Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти, тошбосма, инв. №10363. 1 – 3-саҳифа.

фалик бу «Хамса» асари нашри Навоий асарларининг Туркистонда босилган биринчи мукамал тошбосма нусхаси ҳисобланади. Навоий асарларидан «Ҳазойин ул-маоний»нинг тошбосма нусхаси ҳам Комил Хоразмий томонидан тайёрланган. Бу нусха хусусида Р.Маҳмудова шундай ёзади: «1299(1881/1882) йили чоп бўлган бу асар тўрт девондан иборат бўлиб, унинг матнлари Иброҳим Султон Эроний томонидан кўчирилган. Навоийнинг нашр этилган девонлари ичида энг мукамаллари ана шу девонлар десак бўлади».<sup>67</sup>

Адабиётшунос ва хаттот Ашурали Зоҳирий томонидан Навоий асарларининг баъзилари нашрга тайёрланган. У Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Вақфия» асарлари устида изланешлар олиб боради ва бу асарларни тошбосма нашрга тайёрлайди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асари Қўқонда Вайнер матбаасида 1336(1917) йили чоп этилади. Бу литографик нашр асарнинг тўлиқ матни эмас. Асар матнида хатоликлар ва эркин тузатишларга йўл қўйилган. Аммо кейинги «Муҳокамат ул-луғатайн» асари солиштирма матнини яратишда матншунослар А.Усмонов ва П.Шамсиев бу нашрдан керакли ўринларда фойдаланишган.<sup>68</sup> Матншунослар Париж (1841) нашрини асос сифатида олиб, Истанбул (1895) ва Қўқон (1917) литографик нашрлари билан солиштириб, уларда учраган хато, тушиб қолган ўринларни тўла равишда кўрсатишга ҳаракат қилишган. Сўз ва жумлалардаги фарқлар илмий аппаратда кўрсатилган.

Ашурали Зоҳирий томонидан тайёрланган «Вақфия» асарининг варианты нашр этилмаган. Асар қўлёзма матни ҳозир Қўқон адабиёт музейида Ашурали Зоҳирийнинг шахсий архивида сақланмоқда.<sup>69</sup> Мазкур қўлёзмани «Вақфия»нинг бутунги кундаги нашрлари билан солиштириб ўрганиш Ашурали Зоҳирий томонидан олиб борилган матншунослик ишлари даражасига аниқлик киритади.

Ўзбек матншунослиги ривожининг мазкур босқичи яна шу билан аҳамиятлики, бу даврда амалга оширилган ишлар кейинги матншунослик ишлари учун таянч манба бўлди. Жумладан,

<sup>67</sup> Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий мерос. 1968. №1. – Б.101.

<sup>68</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Гослитиздат, 1940.

<sup>69</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.42.

П.Шамсиев Алишер Навоий «Хамса» асари илмий-танқидий матнини тузишда олти асос қўлёзмадан ташқари асарнинг 1880 йилдаги Хива литографик нусхасига ҳам мурожаат этганлигини ёзади.<sup>70</sup>

### Матншуносликнинг илмий асосга қўйилиши ва янгича ёндашувлар

XX аср бошларида Туркистонда матнни танқидий ўрганишга эътибор кучайди. Турли матбаа ёки кутубхоналарни ташкил қилиш маълум маънода ўзбек матншунослигининг янгича йўналишда ривожланишига сабаб бўлди. 1920 йил март ойида Туркистон марказий ижроия қўмитаси Туркистон давлат нашриёти-ни (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилади. Унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоги ва босмахона жиҳозларини назоратда тутиш, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди. Ушбу нашриётда босилиши мўлжалланган асарлар ўз таркибий тузилиши, шакл ва мазмуни билан Ғарб анъаналарини ўзида акс эттиришига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жараёнда ёзма ёдгорликларни ўрганиш ва нашр қилишга жадидлар катта қизиқиш билан қараганини кўриш мумкин. Улар жаҳон тамаддуни ютуқларининг тарғиботчилари бўлиш билан бирга қадимий миллий ёзма адабий меросимизни бениҳоя қадрлагувчи, унинг фидойиси ва тадқиқотчиси ҳам эдилар. Бадиий асарларнинг муаллиф матнига эга бўлиш ёки муаллиф матнига яқин ишончли қадим ва тўғри қўлёзма нусхасини қўлга киритиш ҳар қандай олиму фозил кишининг орзуси, идеали бўлган.<sup>71</sup> XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг дастлабки йигирма йилида шахсий кутубхоналарнинг катта қисмини осори атиқага айланиб бораётган ўрта асрлар қўлёзма китоблари ташкил этарди.<sup>72</sup> Жумладан, Туркистон жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий фан,

<sup>70</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.34.

<sup>71</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари // Шарқ юлдузи. 1982. №3. – Б.167.

<sup>72</sup> Қаранг: Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2008. – Б.23.

санъат ва маданиятнинг ривожига ўтмиш маданий-маънавий ёдгорликларини ўрганиш, тарғиб этиш муҳим деб ҳисоблаган, 1913 йили ўз хусусий нашриёти – «Нашриёти Беҳбудия»ни ташкил қилган эди. Айни вақтда, Беҳбудий китоб дўконлари тармоғини ташкил этиш бўйича катта ишлар олиб борган. У Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон ва Наманганда китоб дўконлари очади.<sup>73</sup> Маърифатпарвар Беҳбудий ҳар бир нашр учун тайёрланаётган асар матнини жиддий текширган. Ҳатто «Нашриёти Беҳбудия» учун баъзи асарларнинг матнини танқидий ўрганган, керакли жойларини таҳрир қилган. Адабиётшунос олим А.Ҳайитметов ушбу давр ўзбек матншунослиги ривожланиши хусусида сўз юритар экан, шундай ёзади: «Бизда матншуносликнинг тараққиёти матншунос олимлар номи билангина боғлиқ эмас. Биринчи манбалар устида илмий-тадқиқот олиб борувчи кўпгина адабиётшунослар асосий касбига кўра матншунос бўлмаса ҳам, текстологик текшириш ишлари олиб боришга мажбур бўлган ва бу соҳада муҳим вазифаларни амалга ошириб текстология ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар»<sup>74</sup>. Олимнинг мазкур мулоҳазалари жадиждлар фаолиятида тўлиқ тасдиқланади.

Вадуд Маҳмуд, Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурахмон Саъдий, Садриддин Айний, Ҳоди Зариф кабилар мумтоз адабиёт вакиллари меросини илмий муомалага кириштиш ва халқни уларнинг ижоди билан таништиришда катта ишлар қилдилар. Масалан, адабиётшунос, шоир, публицист Вадуд Маҳмудни тўла маънода матншунос дея олмаймиз. Лекин унинг илмий мақолалари, жумладан, «Навоийгача турк адабиёти», «Алишер Навоий», «Фузулий Бағдодий» каби ишларида қўлёзма ва тошбосма нусхалардан «мисқоллаб» йиққан фактлари Алишер Навоий ҳамда Фузулий ҳаёти ва ижодини мухтасар ёритиб беради».<sup>75</sup> Вадуд Маҳмуд XX асрдаги дастлабки ўзбек навоийшуносларидан эди. У «Алишер Навоий» мақоласини қўлида мавжуд бўлган шоир асарларидан «Чор девон», «Хамса», «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳо-

<sup>73</sup> Кўрсатилган манба. – Б.23.

<sup>74</sup> Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари // Шарқ юлдузи. 1982. №3. – Б.168.

<sup>75</sup> Баҳодир Карим. Жаҳид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.65.

камат ул-луғатайн»нинг қўлёзма нусхалари асосида тайёрлаганини қайд этади.<sup>76</sup>

Айни шу даврдан ўзбек матншунослиги тарихида илмий йўналиш шакллана бошлади. Жаҳид ижодкорлари ўзбек адабиёти намуналарини қиёсий таҳлил қилиш ишларини бошлаб бердилар. Гарчи уларнинг ишлари умумий таништирув йўсинида танқидий муносабатдан холи бўлса-да, ўзбек матншунослигини жаҳон матншунослиги ўзанига туширишга хизмат қилди. Оғзаки ва ёзма меросни ўрганиш, туркий халқларнинг ўтмиш маданиятини, руҳиятини теран англаш жаҳидчилик ғоясини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш мақсадидан келиб чиққан эди. Маърифатпарварларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларни қиёсий ўрганиш, илмий таҳлил қилиш ва напс эттириш ишларига кенг эътибор бериши матншунослик ривожига том маънода илгариги босқичлардан ўзининг илмий йўналиши билан тубдан фарқ қилувчи янги босқичга ўтишга кўприк вазифасини бажарди.

Бу даврдаги муҳим ютуқлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Қозон университети қошидаги «Археология, тарих ва этнография жамияти» аъзоси сифатида 1913 йили Фарғонага қилган илмий сафарида шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғон Намангандаги Муҳаммадхожи Эшон Лолареш қўлидаги «Қутадғу билиг»нинг нусхасини аниқлади. Бундан ташқари, Валидий Машҳаднинг «Равза» кутубхонасида ишлаш давомида X аср Мовароуннаҳр ва Булғор тарихи бўйича бениҳоя муҳим материаллар берувчи Ибн Фазлоннинг Бағдоддан Булғорга сафари таассуротларини ақс эттирган «Рисола»сини топиб, илм аҳлига маълум қилди(1924).<sup>77</sup> Профессор Абдурауф Фитрат 1924 йили Муҳаммадхожи Эшон Лоларешдан «Қутадғу билиг» асарининг мазкур нусхасини олишга муяссар бўлди ва махсус мақола ёзди, 1928 йили асарнинг айрим парчалари зарур изоҳлар билан нашр этилди.

Серқирра олим Абдурауф Фитрат адабий танқидчилик, манбашунослик ва матншунослик тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган шахсдир. Унинг илмий-танқидий мақолалари, нашр

<sup>76</sup> Вадуд Маҳмуд. Алишер Навоӣ // Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.35.

<sup>77</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.378.



эттирган китоблари матншунослик ишлари билан бевосита боғлиқ. Хусусан, Фитрат ёзма ёдгорликларнинг нашрга тайёрланишига принципаал ёндашди. У бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927),<sup>78</sup> «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928)<sup>79</sup> китоблари материалларини айнан қўлёзма манбалар асосида тайёрлади. Фитрат Навоий асарлари манбаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Унинг қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаш, хусусан, мумтоз шоирлар ижодидан намуналар жамлаб чоп эттириш каби ишлари матншуносликка оид изланишлар олиб борганлигини кўрсатади.

«Ўзбек адабиёти намуналари» мумтоз адабиётимиз асарларини топиб нашрга тайёрлашда, уларнинг илмий-танқидий матнларини яратишда ҳамда бу адабий ёдгорликларни типологик жиҳатдан ўрганишда бирламчи адабий манбадир.<sup>80</sup> Фитратнинг эълон қилган адабий парчалари матни кейинги илмий-танқидий матнлар тайёрланишида қўл келгани шубҳасиз. Жумладан, тадқиқотчи О.Ҳамроева Фитрат томонидан тайёрланган «Муҳокамат ул-луғатайн», «Наводир уш-шабоб» асарлари парчалари билан Алишер Навоий 20 жилдлик мукамал асарлари тўпламидаги асар матнини ўзаро солиштириб чиққан.<sup>81</sup>

Фитратнинг матншунослик ривожига қўшган ҳиссаси яна унинг соф текстологик тадқиқотларида кўринади. Жумладан, олим «Навоийнинг форсий шоирлиги» мақоласида «Девони Фоний»нинг Бухорода топилган нусхасини бадиий ҳамда услубий жиҳатдан текширади, унинг Навоий қаламига мансуб эмаслигини аниқлайди. Олим «Девонайи Машраб» асари қўлёзма нусхаларини чуқур илмий тадқиқ қилиб чиқади. Мавжуд нусхалар матнини ўзаро қиёсий солиштиради. У матн билан боғлиқ кўплаб муаммоли ҳолатларни шундай кўрсатади: «Девонайи

<sup>78</sup> Энг эски турк адабиёти намуналари / Тузувчи Фитрат. ЎЗР ФА ШИ, тошбосма, инв. №16507.

<sup>79</sup> Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд / Тузувчи Фитрат. ЎЗР ФА ШИ, тошбосма, инв. №№15146, 12639.

<sup>80</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филос. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1996. – Б.156.

<sup>81</sup> Қаранг: Ҳамроева О. Абдурауф Фитрат «Муҳокамат ул-луғатайн» асари тўғрисида // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2011. – Б.179; Ўша муаллиф. Фитрат мажмуасида Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан парчалар. Буюк шохр ва мутафаккир. – Тошкент: ТДПУ, 2011. – Б.92 – 94.

Машраб» манқабасида вазн, қофия ва мазмун томонларидан та-мом бузилган бемаза нарсалар ҳам жуда кўбдир. Буларни шул бузуқ ҳолларда юқоридан бери услуби билан танишпа келгани-миз Машрабнинг шеърлари деб қабул қила олмаймиз, албатта. Булар ё ёмон котиблар томонидан бузила-бузила биз кўрган шаклга кирганлар ёхуд манқабани ёзган ва ўқиган бир кўб ярим шоирлар томонидан сўнгралар илова қилинган парчалардир».<sup>82</sup>

Фитрат мумтоз адабиётимизнинг Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди каби вакиллари ижо-дини энг қадимги нодир қўлёзма асарларга асосланиб ўрганиб чиқди.<sup>83</sup>

Абдурауф Фитрат матншунослик масалаларига жуда катта эътибор қаратди, матнларни қиёсий ўрганишга ҳаракат қилди. У ўзининг «Қутадағу билиг» ҳақидаги мақоласида куюнчаклик билан ёзади: «Русиянинг машҳур туркшуносларидан профес-сёр Самойлович Москвада мен билан кўришганида «Девону луғатит турк»дан фойдаланиб «Қутадағу билиг»нинг янги бир босмасини (табъини) тайёрлаганини билдирган эди. Шунинг қўлимиздаги нусха билан солиштиргандан сўнг бостирса эди, профессур жанобларининг бу хизматининг илмий баҳоси жуда ортқон бўлар эди».<sup>84</sup> Бу жумлалардан маълум бўладики, XX аср бошларидаёқ ўзбек матншунослари рус матншунослари ишларига танқидий баҳо бера оладиган даражада билимли ва ўз қарашларида собитқадам олимлар бўлган. Ушбу ҳолат матн-шуносликда асосчиликка даъво қилган рус олимлари билан тенг рақобатлаша оладиган ўзбек олимлари етишиб чиққани-дан далолат. Фитратнинг қуйидаги таҳлилларидан ҳам буни яққол англаш мумкин: «Қутадағу билиг»нинг илм дунёсида маъ-лум бўлган нусхаларида бошда бир сочим бошланғич(наsr билан ёзилган бир муқаддима), ондин сўнгра китобдаги «боб»лар-ни кўрсаткичи – бир феҳрист, ондин кейин китобнинг «назм» қисми борлиғи маълумдир. Бизнинг қўлимиздаги нусхада эса

<sup>82</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.101.

<sup>83</sup> Қаранг: Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: ЎзМУ. 2003. – Б.109.

<sup>84</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.16.

«сочим-бошланғич»нинг кўбраки тупшан. Озғинаси қолғандир. «Феҳрист» қисмида китобнинг олтмиш етти боби кўрсатилган. Бу олтмиш етти бобдан ёлғуз бешинчи бобнинг исми тушуб қолган. «Сочим-бошланғич»нинг китоб эгаси томонидан эмас, бошқа бир киши томонидан ёзилганини Оврупа олимлари бир оғиздан сўйлайдир. Меним фикримча, бизнинг қўлимиздаги нусханнинг «феҳрист» қисми ҳам китоб эгаси томонидан ёзилмаган. Чунки «феҳрист»да кўрсатилган «боб» исмлари билан матндаги «боб» исмлари орасида анча айирма борлиғи кўрунадир». <sup>85</sup> Шундай дея олим ўз фикрларини далиллаш учун феҳрист ва матндан қиёсий 3—4 та солиштирма мисолларни келтиради. Фитрат Европа олимлари билан баҳс-мунозарага киришади. Бу эса бизнинг ўзбек олимлари матншунослик бобида фақат рус олимлари эмас, балки Европа олимлари билан тенг билимга эга бўлганини кўрсатади. Айни ўша мунозара натижасида «Қутадғу билиг» асарининг энг қадимги ва ишончли нусхаси деб илмда Абдурауф Фитрат муомалага олиб кирган Наманган нусхаси эътироф этилган.

Жадидларнинг кўпчилиги яхшигина хаттот бўлиб, кўплаб қўлёмалардан нусхалар кўчирганлар. Масалан, шоир Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий Васлий Самарқандийнинг «Ал-калом ул-афҳам фи маноқиб имоми ул-Аъзам» китобини кўчиргани маълум. <sup>86</sup>

Ўтган асрнинг 20-йилларидан илмийлик етакчи мезонга айланган ўзбек адабиётшунослиги алоҳида соҳа сифатида шакллана бошлади. Адабиёт тарихи тадқиқотчилари мунтазам равишда классикларимизнинг ҳаёти, ижодига бағишланган мақолалар эълон қилиш билан бирга уларнинг асарларини чоп эттириш, оммалаштиришга жиддий киришдилар. Ўзбек матншунослиги соҳаси филология фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бирига айланиб, ёзма ёдгорликларнинг асл матнларини тиклаш ҳамда уларни нашр қилиш бош вазифа бўлди.

Ўзбек матншунослиги ХХ асрнинг 40-йилларида илмий йўналиш сифатида чинакам ривожланиш босқичига кирди. Алишер Навоий ижодига бўлган катта эътибор ўзбек матншунослиги-

---

<sup>85</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.14.

<sup>86</sup> Қосимов Б. Миллий Уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.339.

нинг ёрқин намояндаларини майдонга келтирди. Турли мамлакат кутубхоналари ва айрим шахслар қўлида сақланиб келаётган шоир асарлари қўлёзмалари рўйхатини тузиш, уларнинг нодир нусхаларини аниқлаш, мавжуд барча манбаларни тавсиф қилиш соҳасида муҳим илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Натижада Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарлари қўлёзмалари рўйхати тузилди ва уларнинг ёзилиш саналари аниқланди. Ушбу изланишлар В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Семёнов, А.Саъдий, С.Волин, О.Шарафуддинов, Огоҳ Сирри Левенд, Ч.Ръё, Э.Блошэ, В.Минорский, Э.Росси, Ҳ.Сулаймон, М.Ҳакимов каби матншунос олимларнинг таҳсинга сазовор хизматлари туфайли бажарилди.

Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллудини ўтказиш муносабати билан тузилган Навоий комитети қошида матншунослик комиссияси ташкил этилган эди. Ушбу матншунослик комиссияси фақат Алишер Навоий асарларини халққа етказишга эмас, балки ўзбек матншунослиги соҳаси такомиллашувига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бу комиссия раҳбарлигида Алишер Навоий асарларининг йиғма матни, насрий баёни, танланма нусхаси каби нашрлари тайёрланиши бевосита матншуносликнинг илмий-назарий ривожланишига олиб келди. Хусусан, матншунослик комиссияси ишини бошқарган Солиҳ Муталлибов томонидан шоир асарларидан бир нечаси нашрга тайёрланди.<sup>87</sup> С.Муталлибов илмий фаолиятида Навоий ижоди муҳим ўрин тутди. Навоий яратган ҳикматли сўз ва ибораларнинг маъносини аниқлаш, уларни китобхонларга етказиш борасидаги дастлабки иш ҳам С.Муталлибов томонидан бажарилди.<sup>88</sup> С.Муталлибов шоир ҳикматларини матбуот орқали оммалаштириш мақсадида уларни эълон қилиб борди.<sup>89</sup>

Матншунослик комиссияси ташаббуси билан Алишер Навоий асарлари йиғма-қиесий матн шакли тайёрланди. Йиғма-қиесий матн шакли нашрида асосий нусхалар орасидаги фарқларни кўрсатувчи илмий аппаратни тузиб чиқиш йўлга қўйилди. Бу

<sup>87</sup> Қаранг: Каримов Қ. Забардаст турколог // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. №5. – Б.65.

<sup>88</sup> Қаранг: Ҳакимов М. Навоий ҳикматларининг ўзбек халқ довишмандлигини бойитишдаги роли // Адабий мерос. 1977. №8. – Б.63.

<sup>89</sup> Қаранг: Муталлибов С. Навоий яратган ҳикматли сўз ва иборалардан баъзи намуналар // Адабий мерос. 1977. №6 – 8; Ўша муаллиф. Навоий яратган ижтимоий сўз ва иборалар // Адабий мерос. 1980. №4(16). – Б.22 – 33.

жиҳатдан 1940 йили Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини йиғма-қийсий матн шакли ва унинг илмий аппарати тайёрлангани диққатга лойиқдир. Ушбу асар О.Усмонов ва П.Шамсиев томонидан тайёрланиб, лотин алифбосида кенг оммага мўлжаллаб нашр этилди.<sup>90</sup> Асар матни Париж(1841), Истанбул (1895) ва Қўқонда (1917) нашр қилинган китоблар асосида тузилиб, Париж нашри таянч нусха сифатида олинди. Бошқа икки нусхадаги фарқли ўринлар илмий аппаратда қайд этиб борилди. Нашр илмий аппарати унчалик катта бўлмаса-да, шоир асарлари матнини тузишда илмий ёндашувнинг дастлабки намуналаридан бири бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Бу нашр Навоий асарлари илмий-танқидий матнини тузиш йўлидаги биринчи ҳаракат ва шоир асарларини муаллиф таҳририга яқинлаштириш йўлида олға қўйилган қадам эди.<sup>91</sup>

Матншуносликнинг бу босқичида Навоий асарлари матнининг насрий баёнлари билан бирга нашрга тайёрлангани муҳим ҳисобланади. Шоирнинг «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Фарҳод ва Ширин» каби асарлари насрий баёни билан нашр этилди. Гарчи бу нашрлар топбосма нусхалар асосида тайёрланган бўлса-да, матншунослик комиссияси асар матнини назоратга олган, уларнинг мукамал бўлишини таъминлаган. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достони матни ва насрий баёнини тайёрлашда Фафур Фулом 1901 йили Шоҳмурод котиб томонидан кўчирилиб, Тошкентда Порцев матбаасида босилган нусха ва ундан ташқари Ўз қўлида мавжуд қўлёзмаларга мурожаат этган. Фафур Фулом «Фарҳод ва Ширин» достони матни ва ўзи яратган насрий баён хусусида шундай ёзади: «Мен босмага тайёрлаб бўлгандан сўнг Навоий юбилейи комитетининг матншунослик комиссияси бу асарни Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасида сақланган қадим нусхалар билан солиштириб, текшириб чиқди. Мен асосланиб тайёрлаган нусхалардаги камчиликларни топиб, уни тўлатди».<sup>92</sup>

Ўзбек матншунослиги ривожига яна бир муҳим ҳодиса асар матни танланма нусхасининг тайёрланиши бўлди. Уни

<sup>90</sup> Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Гослитиздат, 1940.

<sup>91</sup> Қаранг: Эшонхўжаев Ш. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1968. №9. – Б.43.

<sup>92</sup> Фафур Фулом. Босмага тайёрловчидан // Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Давлат нашриёти, 1956. – Б.23.

1940 йили Садриддин Айний тузиб чиқди.<sup>93</sup> Садриддин Айний нашр хусусида шундай ёзади: «Алишер Навоийнинг «Хамса»сида 50 минг мисрадан ортиқ шеър бор. Кенг ўқувчилар оммаси учун уни бир бутун ҳолда тезда эгаллаб олиш анча оғир бўлади. Шунинг учун мен бу қийинчиликларни назарга олиб Навоий юбилей комитетининг топшириғи билан қўлингиздаги бу танланма нусхани вужудга келтирдим. Бу нусхани тартибга солишда ҳар бир дoston ва бўлимлардан характерли бўлган парча ва мисраларни териб олдим. Аммо ҳар бир дoston ва бобларнинг айрим ташланган парча ва мисраларининг мазмунини баён қилдим. Санъаткорона ишланган, лекин у санъат оддий ўқувчиларнинг кўзига илинмай қоладиган, тушуниши қийинроқ бўлган мисра ва байтларни, шунингдек, Навоийнинг шахсий ҳаётига ёки замондошларига оид бўлган жойларни изоҳлаб ўтдим. Баъзи парча ва ҳикояларнинг тузилишлари, улардаги қаҳрамонлар тўғрисидаги ўз фикримни ҳам бет остида баён қилдим».<sup>94</sup> А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, С.Айний «Хамса» дostonлари матнларини изоҳлаш, уларга луғатлар тузиш, улардаги шеърий санъатларни ўрганиш, тушунилиши қийин бўлган байтларни соддалаштириб бериш каби масалалар устида кўп илмий изланишларни олиб борди.<sup>95</sup> Садриддин Айний бу катта ва масъулиятли иш жараёнида «Хамса» дostonлари мазмуни, сюжетини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. У образлар характерини гавдалантириб кўрсатувчи, уларнинг орзунтилишлари ифодаланган сатрларни айнан сақлаб қолади. Садриддин Айний қўллаган бу усул халқ оғзаки ижоди дostonларидаги лиро-эпик шаклни хотирга келтиради. Чунки «Хамса» таркибидаги дostonлар назму наср қорешмасида берилган. «Хамса» ҳошияларида Садриддин Айний томонидан келтирилган ва буюк шоир бадий маҳоратини очишга хизмат қиладиган изоҳлар чуқур илмийлиги билан диққатга моликдир.

Ўтган асрнинг 50 – 60-йилларида қўлёзма манбаларни ўрганиш ва нашрга тайёрлаш давр сиёсий талаби ҳам эди. 1957 йили

<sup>93</sup> Навоий Алишер. Хамса / Қисқартириб нашрга тайёрловчи Садриддин Айний. Масъул муҳаррир П.Шамсиев. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1940.

<sup>94</sup> Алишер Навоий. Хамса / Нашрга тайёрловчи Садриддин Айний. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1940. – Б.10 – 11.

<sup>95</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. Забардаст навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №5. – Б.19.

Тошкентда шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференцияси ўтказилди. Конференцияда иштирок этган давлат раҳбари Н.А.Муҳиддиновнинг нутқида шундай сўзларни ўқиймиз: «Афсуски, биз ўрта аср Шарқининг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари асарларини жуда секин нашр этмоқдамиз. Республика ҳукуматининг Алишер Навоий асарларининг тўла тўпламини нашр этиш тўғрисидаги қарори суғ бажарилмоқда».<sup>96</sup> Бу даврда фақат Навоий асарлари эмас, балки кўплаб мумтоз адабиёт вакиллари асарларини нашр қилишга эътибор кучайди. Шунинг учун баъзи асарлар мукамал ўрганилди, баъзилари эса тўла тадқиқ этилмасда, илмий-оммабоп шаклда халқимизга етказилди. Масалан, 1959 йили «Ўзбек адабиёти» (хрестоматия ўрнида) 4 жилдлик китоби нашри ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги ўқилмаган саҳифаларни ўқиш, ҳаёти ва ижоди ўрганилмай қолган ижодкорларни кашф этиб, уларнинг асарлари нусхаларини аниқлашга ёрдам берадиган муҳим манба бўлди. Китобда асосан йиғилган янги материаллар эълон қилинди, шоирлар ижодини ёритишда асосий жиҳатлар белгиланди.

Бу даврга хос жиҳатлардан яна бири шунда кўринадикки, Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш соҳасида катта амалий фаолият олиб борилди. Жумладан, С.Муталлибов 1944 йили «Ҳайрат ул-аброр»нинг танқидий матни» мавзуида номзодлик, 1952 йили П.Шамсиев «Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-танқидий матни ва уни тузиш принциплари» номли номзодлик, 1970 йили «Алишер Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш принциплари» номли докторлик, Ҳ.Сулаймонов 1961 йили «Алишер Навоий лирикасининг текстологик ўрганилиши» номли докторлик, С.Ғаниева 1956 йили «Мажолис ун-нафоис»нинг III ва IV мажлислари илмий-танқидий матни ва адабий таҳлили» мавзуида номзодлик, Л.Халилов 1975 йили «Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг текстологик тадқиқи» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Навоий асарлари нашри ўзбек матншунослиги илмий-назарий тараққиётининг энг юқори босқичини бошлаб берди. Ўзбек матншунослик макта-

<sup>96</sup> Муҳиддинов Н.А. Совет шарқшунослигининг янги муваффақиятлари сари // Тошкент шаҳрида шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференциясида сўзлаган нутқи. – Тошкент, 1957. – Б.35.

би яратган текстологик принциплар кейинги тадқиқотларнинг такомиллашувига замин яратди. Матншуносликнинг ушбу ривожланиш босқичида илмий-танқидий матн тайёрлашнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилди.

## Айрим хулосалар

I. Ўзбек матншунослигининг шаклланиши – узоқ давом этган жараён. Унинг дастлабки, содда кўринишларини туркий битиклар билан боғлиқ ҳолда кўриш мумкин. Матншуносликнинг тадқиқ усулларидан бўлган матни тиклаш, уни таҳрир қилиш каби ишларнинг амалга оширилганлиги милоднинг илк асрларидаёқ матнга бўлган жиддий эътибордан дарак беради. Турк буддавийлари орасида китоб тузиш ишларининг жорий этилиши, Култегин битиктошидаги матнда қўлланган «бадиз» ва «бадизчи» сўзлари наққошлик, ўймакорликка оид маъноларни англатиш билан бирга хоқонлар нутқини тошга битувчи – «котиб» маъносини ҳам ифодалаш, туркийтилли халқлар орасида эътиборга молик бўлган ёзма ёдгорликлардан бири – «Олтин ёруғ»нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилгани ва X – XVIII асрлар давомида ўн марта кўчирилгани ҳамда Шарқдаги кўп тилларга таржима қилингани қадим туркий матншунослик муайян ўз тадқиқ усуллари ва принципларига эга бўлганлигини кўрсатади. Аммо, шубҳасиз, матншуносликнинг қатъий принциплари, хусусан, китобат санъатида матн шаклининг қатъий структураси Туронзамин ерларига ислом дини ва араб ёзуви билан бирга кириб келди. Ўрта Осиёда ҳадис илмининг беқиёс ривож, Қуръони каримнинг турли тафсир ва шарҳлари, фикҳий масалаларга оид илмларнинг (ақойид, фатво) кенг ёйилиши матншуносликда муайян анъаналар пайдо бўлишига замин яратди. Ҳадис тўпламлари, фикҳий мажмуалар, диний нақл ва ривоятлардан хрестоматиялар тузиш ва уларни кўчириш мактаблари шаклланди. Алломаларнинг асарларига кўплаб шарҳлар ёзилиши билан қўлёзма нусхалар матни структурасида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Матн турларининг кўпайиши бир асарнинг турли шаклларда кўчирилишига ва турли номлар билан машҳур бўлиб кетишига олиб келди. Котиблар масъулиятига



доир махсус рисолаларнинг пайдо бўлиши бу босқич ниҳоясида матншуносликка илм сифатида қараш бошланганини исботлайди. Ўзбек матншунослиги шаклланиши ва ривожининг 1-босқичи қадим даврлардан теурийлар сулоласи ҳукмронлигигача бўлган даврга тўғри келади.

I I. XV – XIX асрлар ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Теурийлар даврида илм-фан, маданият ривожланиши билан бирга қўлёзма нусхаларга бўлган муносабат жиддий ўзгарди. Теурийзодаларнинг саъй-ҳаракатлари матншунослик анъаналарининг сезиларли тараққий этишига олиб келди. Алишер Навоий котиблардан муаллиф матнларини бузмаслик, ўзича ўзгартирмаслик, унинг оригиналлигини сақлаш, ғоявий ва бадий мазмунига путур етказмасликни талаб қилган. Навоий асарларини кўчириш анъанаси хаттот ва котибларни даврнинг синчков матншуносларига айлантиргани уларнинг нусха кўчириш жараёнида битта қўлёзма билан чекланмасдан, бир неча қўлёзмани қиёсий текшириб кўрганликлари, иншо санъатига доир қўлланмаларда, хатлар тўпламларида матнларни тузишда ишлатиладиган қонун-қоидалар, хаттотларга кўрсатмалар ва турли намуналарни келтирганликлари билан тасдиқланади.

2. XVI – XIX асрлар ўзбек матншунослиги тарихини кузатар эканмиз, котибларнинг кўчирилаётган асарнинг ишончли, қадимий нусхасини танлашга ёки манбанинг йиғма матни яратишга интилганлигини кўрамиз. Шу даврда яратилган кўплаб матнларнинг дебочаларида муаллифнинг «турли аниқ манбалардан териб тўплاديم» қабалидаги эътирофлари йўқолиб бораётган асарларнинг янги вариантларини яратиб асар умрини узайтиришга бўлган ҳаракатларидан далолатдир. XVI – XIX асрлар ўзбек матншунослигида кўринган яна бир хусусият матннинг янги – оммавий шаклига асос солиниши бўлиб, масалан, XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хоразмда яшаган шоир Умар Боқий Алишер Навоий «Хамса»-сидаги дostonларни насрий қиссага айлантирган. Унга «Насри Хамсаи беназир» деб ном берган.

3. Ўзбек матншунослиги ривожига XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда очилган типо-литографик босмахоналарнинг ўрни беқиёс бўлди. Нашр учун йиғма матнларнинг тайёрланиши,

нашрга тайёрлаш чоғида муайян таҳрир ишлари олиб борилиши, саралаш жараёнида уларни қиёсан ўрганиш, лозим бўлганда матний тафовутларни бартараф қилиш, хатоларни аниқлаб, ягона матнни тузиш ишлари кейинги давр матншунослигида муайян принциплар шаклланишига замин яратди. Тошбосма нашрлар билан боғлиқ жараёнларда илгаридан шаклланиб келган аъъаналар, принциплар қатъий кўриниш олди. Тошбосма нусха матнини тайёрлашда матнга асоссиз равишда қўшимча киритиш ёки тушириб қолдириш каби камчиликларга чек қўйилди. Илгари, яъни XIX асргача бўлган даврда асарнинг нусха кўчирилиши ёки таржима қилинишида айрим ҳолларда муаллиф матнига ижодий ёндашилган бўлса, энди бундай эркинлик тақиқланди.

3. Ўзбек матншунослигининг ўтган аср 20-йилларидан бошланган янги – 3-босқичига хос хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- биринчидан, жадид ижодкорлари ўзбек адабиёти намуналарини қиёсий таҳлил қилиш ишларини бошлаб бердилар. Гарчи уларнинг ишлари умумий таништирув йўсинида танқидий муносабатдан холи бўлса-да, ўзбек матншунослигини жаҳон матншунослиги ўзанига туширишга хизмат қилди, амалий иш жараёнида матншунослик талаблари мажмуи шаклланди. Шу даврда классик асарлар матнининг таркиби, мавзуси, ғояси таҳлил объектига айланди ва адабий меросимизнинг илмий танқидчилари пайдо бўлди;

- иккинчидан, Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан шоир асарларини тўплаш, ўрганиш ва чоп этиш ҳаракатлари янги давр матншунослигининг миллий заминига асос солди. Ўзбек матншуносларининг профессионал авлоди шаклланди;

- учинчидан, давр тақозоси ва китобхон маърифий билимларининг кенгайиши матннинг турли шаклларида фойдаланишга ундади. Матннинг йиғма-қиёсий, илмий-оммабоп ва илмий-танқидий шакллари нашрларнинг асосий манбаига айланди. Матншуносликнинг асосий принцип ҳамда усуллари ишлаб чиқилди ва шакллантирилди.

### III ҚИСМ. АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИНИНГ ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚЛАРИ ВА МАТН ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

#### Алишер Навоий лирикасининг илмий- танқидий матнлари ва уларни тузиш принциплари

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошланган ўзбек адабиёти намуналарини излаб топиш, йиғиш ҳамда нашр этиш ишларида қўлга киритилган улкан ютуқлар туфайли ўзбек адабиёти тарихи ҳақида дастлабки муайян тасаввур пайдо бўлди. Бундан кейинги ишлар қаторида ўзбек мумтоз адабиётининг даврлар бўйича тарихини яратиш, Ўзбекистон ҳудудидаги адабий муҳитларни ўрганиш ва энг долзарб вазифалардан бири – Алишер Навоий ижодини тўлиқ тўплаш, халқ ўртасида оммалаштириш, мавжуд асарларининг энг ишончли матнларини яратишдан иборат бўлди. Шу тариқа ўтган асрнинг 40 – 50-йилларида ўзбек олимлари бир неча гуруҳларга бўлиниб мумтоз адабиётимиз намуналарини ўрганишга киришдилар. Мумтоз асарларнинг илмий-танқидий матнларини тузиш ишларида жонбозлик кўрсатган олимлардан бири Порсо Шамсиев эди. Ўзбекистонда илмий-танқидий матнлар тузиш ҳаракати Алишер Навоий асарларининг ишончли ва тўлиқ матнларини яратиш истагидан бошланди. П.Шамсиев илмий-танқидий матн тузиш ишлари тарихи ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: «... уруш йиллари етакчи рус олимлари билан биргаликда ўзбек мутахассислари Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тузишни бошладилар. С.Муталлибов «Ҳайрат ул-аброр»нинг, Ғ.Каримов «Лайли ва Мажнун»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлади. Бу матнларга Навоий меросини матншунослик жиҳатидан ўрганишда дастлабки қадам сифатида қаралиши мумкин».<sup>97</sup>

Солиҳ Муталлибов ва Фулом Каримов «Хамса» дostonлари илмий-танқидий матнини тузишда тўртта қўлёзма нусхани асос қилиб олдилар. Бу қўлёзмалардан икkitаси энг қадимий, яъни Алишер Навоий ҳаётлиги даврида зарринқалам хаттот Абдулжамил ва Султонали Машиҳадий томонидан кўчирилган нусхалар, учинчиси XVI асрга оид қўлёзма, тўрттинчиси эса 1904 йили

<sup>97</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.22.

Тошкентдаги Порцев матбаасида чоп этилган, Шоҳмурод котиб томонидан кўчирилган тошбосма нусхадир. «Ҳайрат ул-аброр» танқидий матни анча пухта тузилган бўлса ҳам нашр қилинмасдан қолди. «Лайли ва Мажнун» достони эса Ғ.Каримов томонидан изоҳли луғатлари билан нашр этилди.<sup>98</sup>

«Хамса» Навоийнинг энг кўп тарқалган асари бўлиб, унинг яхлит бир китоб сифатида нашр қилиниши ҳамда мукаммал матнининг яратилиши навоийшунос, матншунос Порсо Шамсиев олиб борган илмий изланишлар натижаси билан боғланади. Илмий-танқидий матн устида ишлашни П.Шамсиев 40-йилларда бошлаган эди. Асосий принципларни шакллантиришда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаб ижод этган Е.Э.Бертельс, А.Н.Коновов, А.С.Тверитинов билан яқин мулоқотлар, қизғин суҳбатларда олинган маълумотларга таянди. Рус матншунослари олиб бораётган текстологик изланишлар тажрибаси билан атрофлича танишув унда бу улкан меҳнатни уддалашига ишонч уйғотди.

Матншунос 1956 йили «Сабъаи сайёр»<sup>99</sup>, 1963 йили «Фарҳод ва Ширин»<sup>100</sup> дostonлари илмий-танқидий матнини тайёрлайди. Ҳар иккала дoston матнларини тузишда таянч нусха учун Навоий ҳаётлигида машҳур бўлган хаттот Абдулжамил томонидан кўчирилган қўлёзма ҳамда Султонали Машҳадий қаламига мансуб эътиборли нусха, XVI асрга оид яна бир қўлёзма асос нусха сифатида жалб этилган. Бундан тапқари, назорат нусхалар сифатида асарнинг тошбосма нашрлари ҳам олинди. Матншунос муаллиф таҳририга яқин матнга эга бўлиш мақсадида жуда кўплаб нусхаларни ўзаро солиштиришига тўғри келди. У Абдулжамил нусхасини таянч нусха сифатида олар экан, матн остидаги илмий аппаратда қолган икки нусхадаги фарқларни кўрсатиб борди. Илмий аппарат тузишда барча фарқларни, ҳатто механик хатоларни ҳам қавсда кўрсатишга уринди. Бироқ литографик нашрдаги фарқларни кузатув остига олса-да, аҳамиятли бўлмагани учун, уларни илмий аппаратда қайд этмасликни маъқул топди.

<sup>98</sup> Алишер Навоий. Танланган асарлар. II жилд. III китоб / Нашрга тайёрловчи Ғ.Каримов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.

<sup>99</sup> Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий матн / Тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1956.

<sup>100</sup> Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий матн / Тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1963.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг илмий-танқидий матни ҳам худди «Сабъаи сайёр» матнига асос бўлган қўлёзмалар асосида тайёрланди, бироқ, ундан фарқли ўлароқ, ёрдамчи назорат нусхалари сифатида Ленинград давлат кутубхонасида сақланаётган XVI асрга оид икки нусха жалб этилди. П. Шамсиев томонидан «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин»нинг илмий-танқидий матни тузилиб, эски ўзбек алифбосида нашр этилиши ўзбек матншунослигининг кейинги ривожига самарали таъсир кўрсатди.<sup>101</sup>

Муайян асарнинг асосий матни тузилиб, эълон қилингандан сўнг қадимий ёки янада ишончли нусхалар аниқланиши, шунингдек, муаллиф нусхасининг топилиши каби сабаблар билан матн қайта тузилиши ҳам мумкин. П. Шамсиев ўз олдида Алишер Навоий «Хамса»сининг тўлиқ илмий-танқидий матнини тузиш вазифасини қўйгани учун илгари амалга оширилган ишларни танқидий қайта кўриб чиқиб, олтига қўлёзма асосида «Хамса»нинг илмий-танқидий текстини тайёрлашга киришди. П. Шамсиев ўз даврида С. Муталлибов тайёрлаган «Ҳайрат ул-аброр»нинг илмий-танқидий матнини қайта ўрганиб, асар матнини тўлиқ қайта тузиб чиқди. Бунга олим томонидан манбанинг ишончли ва тўла нусхаси аниқланиши асосий сабаб бўлди. Бу қўлёзма Қозон давлат университети кутубхонасининг Шарқ бўлимида 15334-инвентарь рақами билан қайд этилган ноёб нусха эди. Матншунос, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр» илмий-танқидий матнини қайта яратиш усулини қуйидагича изоҳлайди: «Хамса»нинг Қозон қўлёзмаси илмга янгидан маълум бўлган, кейинги вақтда биз қўлга киритган нусха бўлиб, ҳар жиҳатдан Абдулжамил котиб кўчирмасига яқин келадиган ноёб нусхадир. Гарчи бу қўлёзманинг колофони бўлмаса-да, сифат даражаси эътибори билан Навоий асри, ҳеч бўлмаганда, XVI аср қўлёзмаларидан деб қабул қилиш мумкин. Бу қўлёзмаларнинг кашф этилиши, умуман, «Хамса» дostonлари матни устида иш олиб боришни кўп жиҳатдан енгиллаштиради ва матншуносликка оид талай масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради».<sup>102</sup> «Ҳайрат ул-аброр»

<sup>101</sup> Қаранг: Эшонбобоев А. Илмий-танқидий матн тузиш ҳақида айрим мулоҳазалар // Шарқшунослик. 2009. №14. – Б.38.

<sup>102</sup> Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.19.

ва «Лайли ва Мажнун»нинг ҳозирги ўзбек ёзувига қилинган табдили 1960 йили нашр этилди.<sup>103</sup> Эски ўзбек ёзувидаги матни кейинроқ чоп этилди.<sup>104</sup>

П.Шамсиев «Садди Искандарий» достони устидаги текширишларни янада кенгроқ миқёсда олиб борди. Қозон давлат университети фондидан ноёб, саводли ёзилган қўлёзма қўлга киритилгани туфайли, энди уч қўлёзма асосида эмас, балки бунга яна уч қўлёзмани жалб этган ҳолда матн тузди. Шу йўналишда самарали иш олиб боришда матншунос олимга озарбайжон олимларининг Низомий Ганжавий «Хамса»си устида олиб борган иш тажрибаси, Москва шарқшунослари томонидан Фирдавсий «Шоҳнома»сининг илмий-танқидий матнини яратишдаги бой тажриба катта ёрдам берди. «Шоҳнома»нинг I томида келтирилган сўзбошисида Е.Э.Бертельс шундай ёзган: «Текст тайёрлашда биз салафларимизга нисбатан бошқачароқ ёндашдик. Мавжуд босма нашрлар мақсадга мувофиқ кўринмади. Аниқ сана ва қўлёзма материалнинг жиддий фиксацияси – текстологик ишнинг биринчи шартларидан. Текстга жаҳон кутубхоналаридаги мавжуд бўлган ҳисобсиз қўлёзмаларни жалб этиш ортиқча ўзгаришга олиб келган ва оригинал текстга яқинлашишга йўл қўймаган бўлар эди. Шунинг учун бизнинг нашримиз асосига матннинг энг қадимий тасаввурини берувчи қўлёзмалар асос қилинди». П.Шамсиев «Хамса» танқидий текстини тузишда ялгариги матнларда қўлланган принципларга бирмунча ўзгаришлар киритиб, ишни такомиллаштиришга интилди. Масалан, ишга жалб этилган асосий қўлёзмалар сони олтитага етказилди. П.Шамсиев жалб қилинган қўлёзмаларни қуйидаги шартли белгилар билан белгилайди:

1. Қўлёзма – 5018, Абдулжамил кўчирган – А
2. Қўлёзма – 560, Султонали кўчирган – Б
3. Қўлёзма – 7554, Тошкент нусхаси – В
4. Қўлёзма – 55 ЛГПБ – Г
5. Қўлёзма – 559 ЛГПБ – Д
6. Қўлёзма – 15334 Қозон унив. – Е

<sup>103</sup> Алишер Навоий. Хамса / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1960.

<sup>104</sup> Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн / Тайёловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1970; Ҳайрат ул-аброр. Лайли ва Мажнун. Илмий-танқидий матн / Тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1970.

Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий матнини туза-тишда Абдулжамил кўчирган нусха асосий таянч деб қабул қилинди. Олим матнда бу қўлёзманинг ҳамма хусусиятларини сақлади. Матндаги ҳар байт бошқа беш қўлёзма билан солиштирилди, маънога оид фарқлар илмий аппаратда қайд этилди. П.Шамсиев қўллаган янги принциплардан бири қўлёзмалар қанчалик муътабар, ишончли бўлишига қарамасдан, ҳаммасига танқидий қаралиб, улардаги сифат кўрсаткичлари ҳам, нуқсон ва камчиликлар ҳам ҳар жиҳатдан диққат марказида тутилганидир. Масалан, энг муътабар ва муаллиф дастхатига энг яқин турган Абдулжамил котиб қўлёзмасига ҳам, унга энг яқин деб топилган Султонали Машҳадий нусхасига ҳам, Тошкент, Ленинград (икки қўлёзма) ва Қозон нусхаларига ҳам танқидий қараб, матннинг мукамал бўлишига имкон борича ҳаракат қилди. П.Шамсиев илмий-танқидий матн тузишда қўллаган принципларни яна қуйидагиларда кўриш мумкин.

Олдинги «Сабъаи сайёр» ва «Фарҳод ва Ширин» илмий-танқидий матнларида А белгиси билан юритилган Абдулжамил котиб қўлёзмасида «Ҳайрат ул-аброр»нинг бош қисмидаги 9 варақ йўқолган бўлиб, кейинчалик ноъмалум бир котиб томонидан тўлдирилган. Бу котибнинг хати бадхат бўлмай, хато ва нуқсонсиз ёзилган бўлса-да, матншунос нусха ким томонидан, қачон ва қаерда бажарилгани ҳақида бирор маълумотга эга бўлмагани учун уни шубҳа остига олади ва асосий матнни бошқа нусхалар асосида тиклайди. Ёрдамчи нусха сифатида жалб этилган 1258 (1842) йили кўчирилган «Ҳайрат ул-аброр» достони (Л.) анчагина пухта кўчирилганлиги ва нуқсонларининг камлиги сабаб ундаги фарқлар, айрим сўз вариантлари аппаратда кўрсатилди. Ҳар бир боб рим рақами билан ажратилди, дostonнинг ҳар ўн байти арабча рақамда изчил тартибда рақамланди, биринчи қатор «а», иккинчи қатор «б» билан белгиланди. Ҳар бир нусха матнларини солиштиришда қуйидаги фарқлар кўрсатилди:

1. Маънавий характердаги асосий фарқлар.
2. Орфографик фарқлар.
3. Котибнинг хатоси.
4. Қолдирилган айрим сўз, қатор ва байтлар.

П. Шамсиев асосий фарқлардан келиб чиқиб матннинг энг мақбул вариантини аниқлашга ҳаракат қилди. Бунда у фарқларни фиксация этиш принципини қўллаб таянч нусхадан кескин фарқ қилувчи, шунингдек, редакцион характердаги ўзгаришларни қайд этиб борди. Бошқа нусхалар ўртасида фарқлар учраганда эса А нусха алоҳида ажралиб турди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: «Фарҳод ва Ширин»нинг IX боб 4-байти А нусхадаги

اگر تو فراغ تو توستگ بولسون آتون  
اقیزساتگ قطره خوی نر مکنون

*(Агар туфроғ тутсанг бўлсун олтун,  
Оқизсанг қатраи хўй дурри макнун.)*

خوی (тер) сўзи Б нусхадаги 6-байтда خون (қон) деб берилади. Бу ерда гап тер тўкиб қаттиқ меҳнат қилиш ҳақида кетаётгани сабабли «А» нусха маъно жиҳатдан тўғри, шу сабабли унга таянилган.

Шу дostonнинг XXXI бобида эса 109-байт А нусхада

نی سین اوخشاب جهاتا بیر کیشی گا  
نی قیلغان ایساتگ اوخشار ایل ایشی گا

*(Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,  
Не қилгон эсанг ўхшар эл ишига.)*

اوخشار сўзи Б, В нусхалари (б) қаторида اوخشاب деб келтирилади. Маъно жиҳатидан А нусханики тўғри.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг V бобида 57-байт А нусхада ёзилган:

بولسا مانگا فرصت اول قدر چاغ  
کیم شهر ایله طرح سالیبان باغ

*(Бўлса манга фурсат ул қадар чоғ,  
Ким шаҳр ила тарх солибон боғ.)*



П.Шамсиев В, Д нусхаларида *منگا* сўзи ўрнига келтирилган *سنگا* сўзини мантиқан нотўғри ҳисоблайди. Бинобарин, байтда Навоий ўзидан олдин «Ҳамса» яратган салафлари Низомий, Хусрав Деҳлавийни эсламоқда. Шоир тили билан айтганда, бир қаср солди ва унга хазина беркитди, иккинчи сарой учун эса бот яратиш қолди, яъни уларнинг дostonларидан фарқ қилувчи ва бошқа мақсадларни кўзда тутувчи дostonлар яратиш қолган.

А нусханинг «Садди Искандарий» дostonи XVI боби 20-байтида ёзилган:

نجاست يوليدىن قويوب گلخنى  
نخیرم ديب انبار ايلار انى

(*Нажосат йўлидин қўйуб гўлахни,  
Захирам деб анбор айлар ани.*)

Мазкур ҳолда байтнинг маъносини тушуниш жуда қийин, шунинг учун унинг жуда кўп вариантлари пайдо бўлган. Нусхалардаги қуйидаги фарқлар кўрсатилади:

Г: *بوليدىن قويوب*  
ВЕ: *بوليدىن تويوب*  
В: *بوليدىن تولوب*

Матншунос олим «Фарҳод ва Ширин» дostonида X бобнинг иккинчи байтида *шомига жони* *غا جانى* ҳамма нусхада, А да ҳам нотўғри ёзилганлигини аниқлайди. Олим принципи бўйича, матн тузиш танқидий йўл билан бўлганлигидан, ҳамма ва ҳар қандай котиб қўлёмасига танқид кўзи билан қараш керак. П.Шамсиев ёзилган нарсаларни бир бошидан қўчиравериш ва кўз илғаган ҳамма майда-чуйдаларни бет остида қайд этаверишни текстология вазифаларига алоқасиз ҳаракат деб ҳисоблайди.<sup>105</sup> У чуқур кузатишлар асосида фақат В да тўғри ёзилган деган хулосага келади ва уни асосий матнда қуйидагича тузатади:

ابد شامى غا جانى بولمه موجود  
پازيلدى اول وراق دا بود و نابود

*(Абад шомига жони бўлса мавжуд,  
Ёзилди ул варақда буду нобуд.)*

Илмий аппаратда А нинг хатосини ва В нинг тўғрилигини шундай қайд этади:

A: شامى غا جامى

E: شامى غا حالى

B: شامى غا جلتى

B: شامى غا خانى

«Садди Искандарий» достонининг XXV боби 12-байтида *بىغ* сўзи А нусхада *تىغ* деб ёзилган. Бошқа нусхаларда тўғри *بىغ* ёзилган ва бу биринчи мисрадаги *تىغ* га қофия сифатида келган. Матнда А нинг хатоси қуйидагича тузатилади:

بو حالت دا قاتل چىكىب تىغ قتل

بىرىسىغا قىلدى عيان بىغ قتل

*(Бу ҳолатда қотил чекиб тиги қатл,  
Бирисига қилди аён биги қатл.)*

Ушбу матншунослик изланиши илмий аппаратда қуйидагича келтирилади: 12<sup>6</sup> БВГЕ *بىغ* [A: *تىغ*] Шу достоннинг IV боби 64-байтида «б» қаторида *چشم* сўзи *چشم*; А да ёки 1126-қатордаги *ياتىب* - *ياتىب* ёзилган. Илмий аппаратда бу фарқлар қуйидагича кўрсатилади:

646 БВГЕ *چشم* [A: *چشم* \*]

1126 БВГЕ *ياتىب* [A: *ياتىب*]

П.Шамсиев қўллаган принциплар бўйича агар А да сўз ёки байт тушиб қолдирилган бўлса ва (қўлёзма) зарарлангани туфайли ўқиш мумкин бўлмаса, бошқа нусхаларга қараб ўша ўрин тикланади, матнда у катта қавс ичига олиниб, илмий аппаратда кўрсатилмайди. Агар нусхаларда таянч нусхадаги муайян сўзлар ўрнига бошқача сўзлар учраса, у ҳолда илмий аппаратда кўрсатилади ва «ўрн» белгиси билан аниқлаштирилади.

Агар фарқ сарлавҳаларда учраб қолса, илмий аппаратда аввал бобнинг рим рақами, ундан сўнг фарқ мавжуд бўлган қатор кўрсатилади:

VI 5BB تعريف ўрн. تقريب

П.Шамсиев А нуска қанчалик муаллиф вариантыга яқин ва ишонарли бўлмасин, ундаги матнга нисбатан ишончсизлик туғилса, асосий матнни тузатишга жалб этилган нусхалардан ташқари ихтиёрида бўлган яна бошқа турли нашрларга ҳам муурожаат қилади. Масалан, «Садди Искандарий»нинг V боб 55 – 57-байтларида:

نوڭاى نظم ملكى دا شاهانه بزم  
همول بزم سارى قىلاى يانه عزم

*(Навзойи назм мулкида шоҳона базм,  
Ҳамул базм сори қилай ёна азм.)*

биринчи қатордаги نظم сўзи А, Б нусхаларда *بزم* сифатида, В да *بزم* сўзи ўчирилиб, *نظم* деб тузатилган, Г да *بزم* сўзи четда *نظم* деб белгиланди. Фақат Е да *بزم* деб мантиқдан келиб чиқиб тўғри ёзилган.

Бундай ҳолатларда матншунос олим А нинг байтлари бошқа нусхаларда алмаштирилган бўлса, асосий матнда А даги вариантни қолдириб, қолган нусхаларникини илмий аппаратда кўрсатади. Баъзан танқидий матнда Б ва В вариантыдаги матн парчасини ўринли деб топган ҳолатлар ҳам бор. Масалан, Навоий «Садди Искандарий»да қофия сифатида бу вариантларда *қуёш* ва *қош* сўзларини 14 марта, «Сабъаи сайёр»да фақат 2 марта, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»да эса умуман ишлатмайди. Шунинг учун олим бу ҳолни Навоийнинг ўзи томонидан қилинган таҳририй ўзгариш деб қабул қилади. Таҳрирлар ким томонидан амалга оширилганлигини аниқлашда кўпинча олим мантиқий мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олган. Масалан, А қўлёзманинг зарарланган 39-варағида-

ги 4/1 қисми, 71 – 72-варақлар 85-листининг 4/1 ва достоннинг охирида йўқолган уч варақ (80, 90, 91) бошқа котиб томонидан тикланган. Кўпинча Г нусхасида ва бир ўринда А нусхада вариант шаклидаги сўзлар учрайди. Масалан, Г да *тўша, узлат, ани, анго, انگا، انى، عزلت، توشه* каби сўзлар устига *сени, санго, хуша, офат* *آفت خوشه، سنگا، سینی* каби сўзлар ёзиб қўйилган, олим бундай сўзларни вариант сифатида қабул қилиб, «⇒» белгиси билан ҳар икки сўзни ҳам қайд этиб боради.

П.Шамсиев принципларида кўзга ташланадиган яна бир жиҳат илмий аппаратни ихчамлаштиришга ҳаракатдир. Унинг матнларида котибларнинг кўчиришда қилган саҳв-хатолари саҳифа остида қайд этилмайди. Чунки тузиладиган танқидий матн ҳамма мўътабар нусхаларнинг бир-бирига таққосланган ва шу коллекцияларнинг барча афзалликларини ўз ичига олган пухта матн бўлишини талаб қилади. Олим котибларнинг очиқ кўриниб турган хатоларини ҳам бет остида қайд эта боришнинг кераги йўқ деб ҳисоблаган. Аммо у қўлёзмалараро хатоларнинг кўп-озлигини, шу билан қўлёзмаларнинг сифат даражасини белгилаш учун махсус жадвал тузиб, беш қўлёзмадаги хато ва тушиб қолган сўзларни бир жойда кўрсатишга ҳаракат қилган.

Ўзбек матншунослигида лирик асарлар матнини тузиш ва нашр эттириш жуда катта меҳнат, илмни талаб қилади. Навоий меросини ўрганиш, хусусан, лирик асарларини нашр эттириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. «Хазойин ул-маоний» девонларининг кирилл алифбосидаги транслитерацияси 1959 – 1960-йилларда Ҳамид Сулаймонов томонидан тайёрланган. Адабиётшунос нашрни амалга оширишда чет эл кутубхона фондларида сақланаётган Навоий қўлёзма девонларидан 225 га яқин нусхани ўрганиб чиққанлигини қайд этади. Матншунос қўлёзмаларни ўзаро муқояса қилиш асосида шоир девонларининг турли хил таҳрирлари мавжудлигини аниқлайди. У «Хазойин ул-маоний» асос матнини тайёрлаш учун қўлёзмаларнинг энг ишончли ва қадимий нусхаларидан 20тасини ажратиб олади. Матншунос ишнинг табиати, йўналиши ва қўлёзмаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда матн тузиш иш-ни системали ташкил этишга интилади. Ҳ. Сулаймонов тадқиқот характерида келиб чиқиб ишни қўлёзмалар таркибини бир-

ма-бир қиёслашдан бошлайди. Бу усулга асосан ҳар бир шеър матла ва мақталарини алоҳида-алоҳида карточкаларга ёзиб боради. Шу тариқа 20 қўлёзма тўлиқ текширилади, қайси нусхада бирор шеърнинг бор-йўқлиги, варағи, байтлар сони маълум бўлади. Гарчи узоқ вақт талаб этса-да, бу тадқиқот усули «Ҳазойин ул-маоний»даги, истисносиз, барча шеърларнинг қиёсий таҳлилини амалга оширишга имкон берди. Ҳ.Сулаймонов натижада девонлардаги шеърлар қиёсий таблицасини яратишга эришди. Бундай қиёсий таблица ўзбек матншунослигида илк тажриба бўлиб, «Ҳазойин ул-маоний»даги барча шеърларнинг қўлёзмадан қўлёзмага ўзгариб бориш динамикаси ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотади. Ўзбек матншунослигида Ҳ.Сулаймонов томонидан қўлланган бундай тадқиқот усулининг илмий-назарий томонлари борасида М.Ҳамидова ёзади: «Туркий қўлёзмаларга илмий ёндашувнинг бу янгича усули Навоий лирик мероси борасида яхлит умумий тасаввур бериши билан бирга шоир тафаккури, дунёқараши, маънавияти билан боғлиқ бўлган масалалар ечимида навоийшунослар, ёш тадқиқотчи матншунослар учун муҳим дастур бўлиб хизмат қилади».

Матншунос қиёсий таблица асосида «Ҳазойин ул-маоний»даги 16 лирик жанр ҳамда уларнинг сони, ҳажминини аниқ кўрсатди. Матншунос «Ҳазойин ул-маоний»даги шеърларнинг жойлашш принципи ва композицион қурилиши хусусида қуйидагиларни баён этади: «Ҳазойин ул-маоний»даги ҳар бир шеър мустақил ва тугалланган асар бўлишига қарамасдан, улардан бирортасини ҳам ўз ўрнидан қўзғатиш ёки тушириб қолдириш мумкин эмас. Асарнинг ички тузилиш тартиби шу даражада пишиқ ва ўзига хос қонуниятларга эгаки, агар ундан бирор шеър олинса, мухташам бир саройнинг биронта гишти кўчирилгандек, дарҳол кўзга ташланади. Айниқса, тўртта девонга алифбо тартибида жойлаштирилган 2600 чуқур реалистик, ишқий, фалсафий ва дидактик ғазаллар сони тўрттала девонда ҳам ҳар бир ҳарфда сон жиҳатидан бир хилда бўлиши, қолаверса, ҳикматли сўзлар хазинаси бўлган рубоий, қитъа ва фардларнинг ўзига хос тартибда жойлаштирилиши «Ҳазойин ул-маоний»ни маданиятимиз тарихининг емирилмас, монументал ёдгорлиги даражасига кўтарган».

Бадий асар матни мазмун-моҳиятини белгиловчи масалалардан бири нашрда матн структурасидир. Матн структураси

хронологик, жанр хусусиятлари бўйича ёки мавзули бўлиб, танланган нашр типига мос равишда берилади. Асарнинг ғоясини очишда унинг шаклланиши ҳам муҳим ҳисобланади. Жумладан, мумтоз шоирларимиз девонлари матнини тайёрлашда девон тартибига хос анъана ҳар доим матншунос назарида туради. Чунки девон ичидаги воқеабанд ғазаллар матни жойлашувидаги барқарор тартиб бузилса, асарнинг мазмунан ва шаклан боғланишига зарар етади. Шоир ва адабиётшунос Мақсуд Шайхзода ўз вақтида Алишер Навоий лирикасининг поэтик усулларида бири мантиқан ва шаклан узвий боғлиқлик эканлигини таъкидлаган. М.Шайхзода Навоийнинг «Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўр» мисраси билан бошланувчи ғазали композицион қурилиши «жисман ҳам воқеан бир-бирига чамбарчас» боғланганини шундай изоҳлайди: «Ғазал бошдан-оёқ ташбиҳ усули асосида қурилган. Шоирнинг бадиий муддаоסי қаноатланмаган ёхуд жавобсиз севгининг дардини ифода қилишдир. Ўзининг бу ҳолатини у еттинчи ташбиҳ билан, қаторма-қатор, эмоционал лавҳалар билан, борган сайин таассуротни кескинлаштириб баён қилади. Бу ташбиҳлар бир-бирлари билан шунчалик мантиқий равишда боғлиқки, агар, масалан, бу ғазалда бешинчи байтни иккинчи байт билан алмаштирсангиз, шеърдаги мантиқий ип узилиб, маъно бузилиб, ғазалнинг мунтазам иморати қулаб кетади». Ҳ.Сулаймонов «асар иморати»ни сақлашнинг барча чораларини кўрди.

«Ҳазойин ул-маоний»нинг Ҳ.Сулаймонов тузган илмий-танқидий матни, матншуноснинг ўзи таъкидлаганидек, «эски ўзбек ёзувида нашрга тайёрлаб қўйилган» бўлса-да, номаълум сабабларга кўра нашр этилмасдан қолди. Ушбу асар 1959 йили ҳозирги ўзбек ёзувига транслитерация қилинган ҳолда илмий-оммавий нашр сифатида кенг китобхонлар эътиборига тақдим этилди. Ҳ.Сулаймонов айтганидек, у Навоий лирикасининг транслитерациясида XV аср ўзбек адабий тили имлоси ва фонетик меъёрларини тўлиқ сақлашга ҳаракат қилди. «Ҳазойин ул-маоний» девонлари транслитерацияси белгиланган принциплар билан тузилган. Буларнинг асосийлари:

• котиблар томонидан онгли равишда тушириб қолдирилган нуқталар сўзнинг матндаги маъносига кўра тикланган;

• ёзилиши бир хил, маъноси турлича бўлган сўзлар матн мазмунидан келиб чиқиб танланган;

• диакритик белгили товушлар ифодасини беришда XV аср охири ёки XVI аср бошларида насх хати билан кўчирилган, тўлиқ равишда диакритик белгилар билан таъминланган «Фаройиб ул-сиғар» девони қўлёзмасидан фойдаланилган;

• қўлёзмада *п, ч, г* ундошлари *б, ж, к* шаклида ёзилган бўлса-да, сўзларнинг маъносига кўра *п, ч, г* ҳарфлари олинган;

• вазн ва қофия талабига кўра қисқарган, фонетик жиҳатдан ўзгарган ёки ундошларнинг такрорланиб ёзилиши ўз ҳолича кўчирилган.

Олим «Хазойин ул-маоний» тўрт девонидаги шеърларнинг Навоий кўрсатган ёшлик, йигитлик, ўрта ёш, қариллик даврларига қанчалик тўғри келиш-келмаслигини бирма-бир текшириб чиққан. Шоир ўз шеърларини тўрт девонга ажратганда уларнинг ҳақиқий хронологиясига риоя қилган эмас. Тўрт девоннинг ҳар бирига кирган шеърлар турли даврларда яратилган бўлиб, девон ичида ғоятда аралаш ҳолда берилган. Бу масала хусусида адабиётшунос Н.Маллаев ҳам «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида «Хазойин ул-маоний» девонлари хронологиясининг нисбийлиги, «Фаройиб ус-сиғар» каби «Наводир уш-шабоб»га ҳам шоирнинг ёши улғайиб қолган даврларда ёзган асарлари киритилганлигини ёзади.<sup>105</sup>

1965 йили «Лисон ут-тайр» асари илмий-танқидий матни Шарофиддин Эшонхўжаев томонидан тайёрланди.<sup>106</sup> Ш.Эшонхўжаев «Лисон ут-тайр»нинг чет эл қўлёзма фондларидаги ҳамда Ўзбекистондаги нусхаларини аниқлаган. Асар илмий-танқидий матнини тузишда тўққизта қўлёзмадан бештаси асосга олинган (инв. ГПБ 55 (шартли белгиси Л), инв. 1990 (Д), инв. ГПБ 558 (шартли белгиси Л<sub>1</sub>), инв. 3599 (шартли белгиси Т), П.Шамсиевнинг шахсий кутубхонасидаги қўлёзма нусха (шартли белгиси Х). Бу бешта қўлёзма нусха «Лисон ут-тайр» асарининг илмий-танқидий текстини тузишда асос вазифасини бажарди. Улардаги фарқлар илмий-танқидий текст аппаратида қайд этиб борилди. Матншунос илмий-танқидий матн яратишда барча асос нусхаларни танқидий ўрганади, яъни ҳеч бир

<sup>105</sup> Қаранг: Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент: Фан, 1963. — Б.435.

<sup>106</sup> Алиплер Навоий. Лисон ут-тайр. Танқидий матн. — Тошкент: Фан, 1965.

қўлёзманинг матнини айнан кўчирмайди. Аксинча, барча асос нусхалар ўзаро солиштириб борилади ва ўзаро фарқлар илмий аппаратда кўрсатилади. Энг қадимий деб танланган таянч нусха матни ҳам тўғридан-тўғри кўчирилмайди, балки илмий-танқидий ўрганилади. Матншунос матн тузишда ёрдамчи назорат нусхаларни ҳам жалб қилади (инв. 1679; с. 24; Тур. 215; ИВЕ 1). Ёрдамчи назорат нусхаларга асосий гуруҳдаги қўлёзма нусхалар текстида, қофиясида, байт ва мисралар жойлашишида бирон шубҳа туғилгандагина мурожаат этилган. Ёрдамчи қўлёзма нусхалардаги фарқлар танқидий текст аппаратида қайд қилинмаган.

Матншунос олим қўллаган бошқа принциплар қуйидагиларда кўринади. Грамматик, лексик ва қофия талабларига жавоб берадиган ҳамда асарнинг умумий мазмуни ва сарлавҳалар мазмунига жавоб берадиган байт, мисралар танқидий танланиб, илмий-танқидий текстга ёзилган. Котибларнинг қилган ҳамма механик хатоларини ҳамда имлога оид бўлган текст аппаратини мураккаблаштириб юбориши туфайли матн мазмунига зарар етказмайдиган фарқлар илмий-танқидий текст аппаратида қайд этилмайди. Масалан:

قا، غا، چه، چا، منگا، مینگا، چ، ج، ب، پ، سنگا، سینگا، باشتین، بورونغی، بورونقی،  
تنگری، تینگری، تومان

ва бошқалар. Бу фарқлар асар мазмуни, шеърий вазн, қофия талаби билан юзага келган эмас, балки имлога оид айрим фарқлар бўлгани учун илмий-танқидий текст аппаратида олинмаган. Яна, масалан, X қўлёзма нусхасида:

دین لواسی کوندیک اولدی مرتفع  
ظلمت کفر اولدی اندین منافع

*(Дин ливоси кундек ўлди муртафёъ,  
Зулмати куфр ўлди андин мундафёъ.)*

Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги «اولدی اندین» – «ўлди ондин» жумласи бошқа қолган қўлёзма нусхалардан «اندین اولدی» – «ондин ўлди» шаклида ёзилган. Матншунос олим «اندین اولدی» – «ондин ўлди» шаклини қабул қилган, «اولدی اندین» – «ўлди ондин» каби алмашиб ёзилган текстлар ва қўлёзмаларнинг диакритик бел-



гиларидаги фарқлар илмий-танқидий текст аппаратида қайд этилмаган. Илмий-танқидий матн аппаратида фақат мазмунга алоқадор фарқларгина қайд қилиб ўтилган. Илмий-танқидий матндаги сарлавҳалар асарнинг бошидан-охиригача рим рақами билан рақамланган. Уларнинг сони 193тадир. Матндаги байтлар эса араб рақамлари билан рақамланган. Улар 3598 байтдан иборат. Ҳар ўн байт орасига битта рақам қўйилган. Ҳар бир байтнинг биринчи мисраси А ҳарфи, иккинчи мисраси Б ҳарфи билан номланган. Қўлёмаларнинг матнларида учраган фарқлар илмий-танқидий текст аппаратида байт рақами ва байт ёнига мисра белгиси (А ёки Б), сўнг нусха белгилари Л, Т, Д, Х, Л, қўйилиб кўрсатилган ва илмий-танқидий текст аппаратида тегишли фарқнинг ўзи қайд этилган. Текстдаги фарқланувчи сўз ёнига эса кичкина юлдузча қўйилган. Агар илмий-танқидий текстдаги фарқ А, Б мисраларида бир хил сўзга тушадиган бўлса, мисра рақамига А, Б қўшилиб иккала фарқ бир тартиб рақами билан кўрсатилган. Агар илмий-танқидий текстда фарқ икки ёки ундан ортиқ сўз бирикмаларига тушадиган бўлса, юлдузча ўша фарқ қиладиган сўзларнинг бошланишида ўнг томонига, тамом бўлишида эса чап томонига қўйилган ҳамда текст аппаратида қайд этиб борилган. Агар қўлёмма нусхаларда байтлар ёки мисраларнинг ўрни алмашиб ёзилган бўлса + – (плюс, минус) белгилари билан кўрсатилган. Тушиб қолган байтлар ёки мисралар – (минус) белгиси билан кўрсатилган.

Матншунос «Лисон ут-тайр» асари илмий-танқидий матнини илмий таҳлил этиш билан тиклаган. Олимнинг таъкидлашича, таянч нусхада ушбу байт қуйидагича ёзилган:

*Рўзи ўлгай то абад беинтиқол,  
Қатъ қилгон гулга гулзори висол.*

Матншунос байт мазмунига эътибор қаратади ва иккинчи байтдаги «гулга гулзори висол» жумласи нотўғри ёзилганини аниқлайди. Бошқа асос нусхалар ёрдамида бу байтни қайта тиклайди. Матн қуйидагича ўқилгандагина тўғри маъно касб этишини кўрсатади:

*Рӯзи ўлгай то абад беинтиқол,  
Қатъ қилгон қушқа гулзори висол.<sup>107</sup>*

### **Алишер Навоийнинг илмий асарлари илмий-танқидий матнларини тузиш принциплари**

Навоийнинг илмий асарлари илмий-танқидий матнларини яратиш ва нашрга тайёрлаш 50-йиллар бошидан қизғин тус олди. 1949 йили «Мезон ул-авзон» илмий-танқидий матнини тузиб чиққан ва нашрга тайёрлаган Иззат Султонов бу мураккаб асар матнини яратишда ўзига хос йўл тутди. И.Султоновнинг «Мезон ул-авзон» асари илмий-танқидий матни устида ишлаш принциплари ҳақидаги сўзларидан маълум бўладикки, илмий-танқидий матн яратишда асарнинг XVIII – XIX асрларда кўчирилган тўрт қўлёзмаси асос қилиб олинган. Улардан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1216 (1800/1801) йили Оллоқули ибн Мулла Даргоҳқули деган котиб томонидан кўчирилган қўлёзма таянч нусха сифатида танланган. Таянч қўлёзма матнига лозим тузатишлар киритиш йўли билан илмий-танқидий матн тузилган.

Матн тузиш ишининг ўзи бениҳоят мураккаб ва мушкул бўлиб, илмий-танқидий матнни яратиш матншуносдан катта меҳнат, сабр-тоқатни талаб этади. Адабиётшунос олим И.Султонов танқидий матн тузиш жараёнида бир хатонинг таянч ва асос нусхаларда бирдек такрорланиши каби ҳодисага ҳам дуч келган ҳолатда даставвал Навоийнинг аруз ҳақидаги умумий назарияси ва кўпроқ адабиёт қоидаларга таяниб иш юритгани маълум бўлади. «Мезон ул-авзон» илмий-танқидий матни яратилмасдан олдин аруз назариясига оид нашрларнинг камлиги сабабли, олим бу борада кўпроқ қўлёзма манбаларга таяниб иш кўрган. Масалан, Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи аруз» асари билан «Мезон ул-авзон»даги маълумотларни ўзаро қиёслаб иш олиб борган. И.Султонов «Мезон ул-авзон» илмий-танқидий матнини тузишда таянч нусха матнини танқидий таҳлил қилиб унда-

<sup>107</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Танқидий матн. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.44 – 45.

ги баъзи камчиликларни аниқлаган. Хусусан, матншуноснинг қайд этишича, Навоий мафойилун зиҳфоти ўн битта деб кўрсатади, аммо таянч қўлёзмада зиҳфоларнинг фақат ўнтаси келтирилган. Ёрдамчи қўлёзмаларда мафойилуннинг ўн биринчи зиҳфи берилади. Шунга асосланиб И.Султонов илмий-танқидий матнга зарур тузатиш тариқасида яна бир зиҳфони кирилтади. Маълум бўладики, матншунос асар илмий-танқидий матнини тузишда танланган асос ва таянч нусхалар матнини ўзаро қиёсий солиштирган. Аммо бу масалада бошқа бир ноаниқлик кузатилади. Яъни матншунос мафойилун ўн биринчи зиҳфи «фаъ»нинг номланишини «батар» (С<sup>4</sup>) деб ёзади. Бу зиҳф номи Алишер Навоий XX жилдлик мукамал асарлар тўпламида ҳам «батар» тарзида берилган.<sup>108</sup> Арузшунос А.Ҳожиаҳмедов эса мафойилун асл рукнидан унинг ўн икки тармоқ рукни ҳосили бўлишини ва мафойилун ўн биринчи зиҳфи «фаъ», «абтар» деб номланишини кўрсатади.<sup>109</sup> Булардан маълум бўладики, мафойилуннинг фаъ рукни «батар» ва «абтар» шаклида номланмоқда. Агар батар ёмонроқ, ёмонроқ бўлмоқ<sup>110</sup>, абтар узилган, юлиқ<sup>111</sup> маъноларини билдиришига эътибор берсак, иккинчи сўз зиҳф номланишига яқинроқ келади. Чунки «мафойилун» асл рукнининг зиҳфлари таркибидаги ҳижоларнинг сон ва сифат жиҳатдан ўзгаришига монанд мусаббағ(тўлдирилган), мақбуз(тутиб қолинган), макфуф(этаги қайтарилган), аштар(нуқсонли) каби алоҳида номлар билан аталади. Демак, «Мезон ул-авзон» қўлёзмаларда *абтар* сўзида *алиф* (!) ҳарфи тушириб қолдирилган, матншунос буни шу ҳолича илмий-танқидий матнда ифода этган. Бундай ноаниқликлар учрашига қарамай, И.Султонов томонидан тузилган «Мезон ул-авзон» илмий-танқидий матни муаллиф таҳририга яқин манба ҳисобланади.

Айтиш лозимки, баъзи Навоий асарларининг илмий-танқидий матнлари тузилган бўлишига қарамай, алоҳида китоблар шаклида нашр этилмасдан қолган. Жумладан, «Тарихи мулуки Ажам» асари илмий-танқидий матни Латиф Халилов томонидан

<sup>108</sup> Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. 20 жилдлик. 16-жилд. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.48.

<sup>109</sup> Қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийят луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б.24.

<sup>110</sup> Қаранг: Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – Б.41.

<sup>111</sup> Кўрсатилган асар. – Б.8.

тузилган, ammo эски ўзбек ёзувида нашр қилинмаган. Л.Халиловнинг ёзипгича, «Тарихи мулуки Ажам» илмий-танқидий матнини тузишда 16 қўлёзма ва тошбосма нусхалар мавжудлиги аниқланган, улардан бештаси асосий нусха сифатида танлаб олинган. Асосий нусхалардан Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат кутубхонасида 558-инвентар рақами билан сақланаётган куллиёт таркибидаги XVI аср охирларида кўчирилган нусха матннинг тўлиқлиги ва нисбатан қадимий бўлганлиги туфайли таянч нусха сифатида қабул этилган.<sup>112</sup>

Л.Халилов деярли барча асос нусхалар матнини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилган. Матншунос баъзи котибларнинг ўзбошимчалик билан асардаги арабча, форсча сўзларни кенг истеъмолда бўлган сўзлар билан алмаштиришга уринганлигини қайд этади. Л.Халилов бундай ҳолатга танқидий ёндашади ва «бундай қилиш зоҳиран прогрессив ҳаракат кўринса ҳам, аслида, асл қўлёзма матнини бузиш ҳисобланади» деб билади. Алишер Навоий 20 жилдлик асарлар тўплами учун «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларининг Л.Халилов томонидан тайёрланган матнлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси ўзбек матншунослик илмий мактаби тажрибалари тақомиллашиб борганлигини кўрсатади.

Ўзбек матншунослиги қўлга киритган ютуқлар, илмий-танқидий матн яратиш йўлидаги изланишларнинг ёрқин намунасини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари илмий-танқидий матни тайёрланишида кузатиш мумкин бўлади. Чунки 1961 йили С.Ғаниева томонидан амалга оширилган ушбу иш Навоий асарлари илмий-танқидий матнлари яратиш тажрибаларининг деярли барчасини эътиборда тутди. Олима ўзининг тадқиқотида улардан унумли фойдаланган. «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий текстини тузишда асарнинг олтига қўлёзма нусхаси асос қилиб олинган. Булар қуйидагилар:

1. Вена қўлёзма нусхаси (шартли белгиси «W»).
2. Париж қўлёзма нусхаси (шартли белгиси «P»).
3. Ленинград нусхаси (шартли белгиси «Л»). Бу қўлёзма Ленинград давлат университетининг Шарқ факультети қўлёзма-лар фондида 618-инвентар рақами билан сақланади.

<sup>112</sup> Қаранг: Халилов Л. Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг қўлёзма нусхалари // Навоийга армуғон. Тўплам. — Тошкент: Фан, 1968. — Б.174—183.

4. Боку нусхаси (шартли белгиси «Б»). 945 (1538/1539) йили кўчирилган.

5. Тошкент нусхаси (шартли белгиси «Т»). Бу йўқолган қўлёзманинг фотонусхаси 6098- ва 6099-инвентар рақами билан иккита албомга ёпиштирилган ҳолда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади.

6. Бу ҳам Тошкент нусхаси (шартли белгиси «Т<sub>2</sub>») 4280-инвентар рақами остида ЎзФА Шарқшунослик институти фондида сақланади.

Матншунос олима илмий-танқидий текстни тузишда таянч нусха қилиб «W» нусхани олади. Лекин прозаик асарлар устида текстологик тадқиқот олиб бориш фоят мураккаблиги туфайли, «W» нусханинг энг қадимий нусха бўлишига қарамай, С.Ғаниева ўзбек матншунослиги анъаналарига мувофиқ унга ва асос қилиб олинган бошқа нусхаларнинг барчасига танқидий кўз билан қараб, фаол танқидий танлаб олиш принципи бўйича иш тутади. Илмий-танқидий текст тузишдан мақсад асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мукамал ва ишончли, имкони бори ча муаллиф қалами остидан чиққан нусхани тиклаш ва уни ўқувчилар ҳамда тадқиқотчиларга етказишдир. Юқорида айтилган принцип бўйича иш олиб борилганлиги учун асосга олинган нусха баъзан рад этилиб, контекст ва ҳикоянинг мантиқий боғланиб бориши бошқа қўлёзма нусхалар билан қиёсий таҳлилларда тикланди. Лекин «W» нусхаси тартиби ва структураси сақланди. Бошқа қўлёзмаларда мавжуд бўлган барча ҳар хилликлар матн остидан илмий аппаратда қайд этилди. Айрим сўз ёхуд жумлаларда, «W» текстда ноаниқлик ёки камчилик сезилса, уни танқидий матнда рад қилиб, матности илмий аппаратида кўрсатиб борилди.

Шуни айтиш лозимки, асарнинг биринчи редакцияси ҳажм жиҳатидан кичик ва байтлар тадвин остига олинмаган, тарқоқ бўлгани учун, VIII мажлис фақат асарнинг иккинчи редакцияси матнини берувчи нусхаларга таяниб тайёрланган. С.Ғаниева текст тузишда иккала редакциянинг фарқини илмий аппаратда фиксация этишни маъқул кўрмайди. Чунки у ҳолатда матннинг илмий-танқидий аппарати жуда чалкашиб, оғирлашиб кетиши мумкин эди. Шу жиҳатдан С.Ғаниева қўллаган принциплар яна қуйидагиларда кўринади:

1. Агар илмий-танқидий матнга киритилган бирор сўз асосга олинган қўлэзмаларда бошқа сўз билан алмаштирилган бўлса, унда матндаги сўз тепасига рақам қўйиб, матн остида шу рақамнинг ёнига қайси қўлэзмада қандай сўз келган бўлса, бевосита шу сўз ёзилди. Масалан, текстдаги «ўқусулмасун» сўзи ўрнида «Л» қўлэзма нусхасида «кам бўлмасун» келса, бундай ҳолда матнда 'اوكسولمسون' аппаратда 1 Л بولماسون шаклида берилди.

2. Сўзлар бирикмаси ёки бутун бир жумлада фарқ бўлса, унда жумла бошланадиган сўзнинг ўнг томонига «\*» белгиси ва жумла тугалланадиган сўзга навбатдаги рақам қўйилди. Масалан: «Шеър ҳам айтур эди» жумласи «Л» нусхасида «Шеърни ҳам яхши қилур эрди» вариантыда келади. Бундай ҳолда матнда شعر هم ايتور \*يردى аппаратда 17\* هم يخشى قيلور ايردى\* берилади.

3. Агар бутун бир матн бўлаги бирор қўлэзмада тушиб қолган ва яна бир бошқа қўлэзмада фарқли берилган бўлса, у вақтда ўша танқидий матн бўлаги бошланишига «\*\*» белгиси қўйилади.

4. Матн ичидаги фарқлар битта сўз ёки бирор жумла бўлса ҳам, юқорида келтирилган мисоллардагидек, тартиб рақами билан белгиланган ва матн бўлагининг сўнги сўз тепасига яна навбатдаги рақам қўйилган: Масалан, матнда مولانا اهلى ترشيز ولايتى<sup>1</sup> нусхасида: \*طبعى دا حيلى جاشنى بارابو مطلع اتينگ دوركيم<sup>6</sup> \*\*<sup>6</sup> تين نور<sup>4</sup> \* - 4\* W \*\*БТ,<sup>1</sup> 6 تبعى بغايت بلنددور<sup>5</sup> \* 5\* ترشيزلىق دور

5. Тушириб қолдирилган сўз, жумлалар «-», қўшилган сўз, жумла ва маълумотлар «+» белгиси билан берилади.

Матншунос олиманинг тадқиқот усуллари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Адабиёт тарихидан «Мажолис ун-нафоис» асари муаллиф томонидан 1490/1491 йили ёзилгани, аммо 1498 йили қайта таҳрир қилингани яхши маълум. «Мажолис ун-нафоис» узоқ асрлар давомида хаттот ва котиблар томонидан бир неча маротаба кўчириб келинган. Шунинг учун ҳар иккала матн кўплаб нусхаларда учрайди. XIX аср охири – XX аср бошларида тазкира тошбосма усулида ҳам кўплаб нусхада босилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги даврларда ҳар иккала таҳрир нусхаси қоришиқ ҳолда кўчирилган ҳолатлар маълум. Бу ўз-ўзидан илмий-танқидий матн тузиш ишини жиддий қийинлаштириши табиий эди.

«Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матни тайёрланишида тазкира тошбосма нусхалари муҳим аҳамият касб этди. Ма-

салам, тазкира 1917 йили бошқа асарлар билан бирга тўпلام таркибида босмадан чиққан. Нашрда Аловуддин Бухорийнинг «Ҳужжат ул-комилин», Ҳомийнинг «Боғи Эрам», Афзалийнинг «Афзал ут-тазкор фи зикр ул-шуаро ва ал-ашъор» асарлари ҳам бор.<sup>113</sup> Асар таркибида I мажлисда 42, II мажлисда 84, III мажлисда 107, IV мажлисда 46, V мажлисда 14, VI мажлисда 28, VII мажлисда 16, VIII мажлисда 1 нафар шоирга алоҳида фикра ажратилган. Тошбосма нусха тазкиранинг биринчи таҳрири асосида тайёрланган бўлиб, унда 338 шоир ҳақида маълумот жамланган, ҳар бир мажлис сўнгидаги хотималар келтирилмаган. Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган саккизинчи мажлис ҳам тазкиранинг аввалги таҳрири асосида берилган. Бундан ташқари, тазкиранинг Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида 1320 (1902/1903) йили, иккинчи марта 1336 (1917/1918) йили тошбосма усулида чоп этилганлиги маълум.<sup>114</sup>

«Мажолис ун-нафоис» Навоий юбилейи муносабати билан 1948 йили кирилл алифбосида «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан бирга нашр этилди.<sup>115</sup> Бу Алишер Навоий асарларини кенг китобхонларга етказиш ниятидаги чиқарилган нашр эди. Китоб саҳифалари остида шеъринг жанрлар, истилоҳлар шарҳи ва муаммолар ечими, асар охирида тазкирада келтирилган шоирлар исми, географик ҳамда китоб номлари кўрсаткичи илова қилинган. Ушбу нашр П.Шамсиев ва Ойбек томонидан тайёрланган. Нашр 1490/1491 йили яратилган тазкира матни асосида бўлиб, унга кўра, жами 355 шоир ижоди тилга олинади. I мажлисда 42, II мажлисда 90, III мажлисда 110, IV мажлисда 50, V мажлисда 19, VI мажлисда 27, VII мажлисда 16, VIII мажлисда 1 нафар шоирга алоҳида фикра ажратилган. Ушбу матн кейинги таҳрирдан фарқли. Масалан, учинчи мажлисда Навоий Жомийнинг Хожа Муҳаммад Таёбодий деган кекса бир мулозими ҳақида ёзади. Унинг назмдан бир байт билмаслиги ва насрдан бир нукта фаҳм этмаслигини келтиради. Тазкиранинг биринчи таҳририда «Боракаллоҳ камоли қобилият шунча бўлғай!» деган

<sup>113</sup> Тўплам. ЎзР ФА Шарқишунослик институти, тошбосма, инв. рақамлари №11989, 3761, 3762, 3763, 3764, 3765, 9035.

<sup>114</sup> Қаранг: Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилгани тарихидан // Адабий мерос. 1968. №1. – Б.102.

<sup>115</sup> Алишер Навоий. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Ўздавнапр. 1948.

сўзлар билан Жомий ҳақидаги фикра мухтасар якунланган.<sup>116</sup> Иккинчи таҳрирда эса воқеа давом эттирилган ва бир байт ҳам келтирилган.

П. Шамсиев тазкиранинг юқорида зикр этилган нашри борасида шундай ёзади: «Ўша вақтларда бу мураккаб асарнинг муътабар ва шоирнинг энг сўнгги таҳрири ҳисобланган қўлёзмасини қўлга киритиш қийин бўлди. Шу билан бирга, матн тузиш ишининг ўзи бениҳоя мураккаб ва мушкул эди. Майдонда қўлёзмалар кўп, лекин қўлёзмалараро ҳеч қандай мувозанат топилмайди, тазкирада зикр этилган шоир ва адиблар сони биз кўрган қўлёзмаларда ҳар хил. Кўпгина қўлёзмалар қаралган, бир-бирига таққосланган, шулар натижасида китобга 355 шахс киритилган эди. Ишмиздаги катта бир нуқсон шуки, кўрилган ва таққосланган бирорта ҳам қўлёзманинг рўяхати кўрсатилмаган».<sup>117</sup>

Кўринадикки, 1948 йили нашрга тайёрланган «Мажолис ун-нафоис» матни учун асос қилиб олинган нусха аниқ эмас эди.

«Мажолис ун-нафоис» асарининг қадимий ва ишончли нусхаларини топиш шу даврдан бошлаб ўзбек олимларининг диққат марказида турди. А.Ҳайитметов ёзади: «Мажолис»нинг Ўзбекистондаги энг қадимги нусхаси 1490/1491 йили машҳур Султон Али котиб томонидан кўчирилган деб тахмин қилинади. Бу қўлёзманинг асли Иккинчи жаҳон уруши даврида Ленинградда йўқолган бўлиб, унинг фотокопияси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади».<sup>118</sup>

Кейинроқ адабиётшунос Н.Маллаев бу соҳада эришилган ютуқлар ҳақида қуйидагиларни ёзди: «Мажолис ун-нафоис»нинг энг эски ва муътабар қўлёзма нусхаси бўлган Султон Али Хандон нусхасида 355 шоир зикр этилган. Бу нусханинг фотонусхаси ЎЗССР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Навоийнинг «Танланган асарлар»и III томидаги «Мажолис ун-нафоис»га шу нусха асос қилиб олинган».<sup>119</sup> Қўлёзма фотонусхаси

<sup>116</sup> Кўрсатилган манба. – Б.64.

<sup>117</sup> Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1969. – Б.16.

<sup>118</sup> Ҳайитметов А. «Мажолис ун-нафоис» ҳақида баъзи мулоҳазалар // Тил ва адабиёт масалалари. 1958. №1. – Б.53.

<sup>119</sup> Маллаев Н. XV аср тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти // Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – Б.278.



хатига қараб унинг хаттоти ҳақида икки хил фикр юритилади. Баъзи тадқиқотчилар уни Султонали Машҳадий кўчирган десалар, таъкирани Султон Муҳаммад Хандон кўчирган деб фикр билдирганлар ҳам бор.

Алишер Навоий ижодига бўлган эътибор кучайиши баробарида «Мажолис ун-нафоис» асарининг илмий-танқидий матнини яратиш навоийшуносликнинг кун тартибига қўйилди. Бу ишни бажаришни С.Ғаниева ўз зиммасига олди. У «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матни учун асарнинг Вена, Париж, Ленинград, Боку ва иккита Тошкент (шартли белгилари Т№ ва ТI) нусхаларини асос қилиб олди. Асос қўлёзмалардан ташқари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 8389-, 5289-, 9394-, 7745- инвентар рақамли нусхалар, Тожикистондаги Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондидаги 450-инвентар рақамли манбаларни ўрганиб чиқди.

Олима илмий-танқидий матн тайёрлашда яна бир қанча қўлёзмаларни ўрганади, лекин бошқа нусхалар тўла бўлмаганлиги, чалкаш кўчирилганлиги, камчиликлар мавжудлиги учун фойдаланишни жоиз деб топмайди.

Таъкиранинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда таянч сифатида олинган Вена нусхаси бошқаларига қараганда энг тўлиқ ва қадимий ҳисобланиб, 903 (1497/1498) йили кўчирилган. Бу қўлёзманинг микрофильми немис филологи Ирмгард Энгелке томонидан Ўзбекистонга тақдим этилган эди.<sup>120</sup> И.Энгелке ҳам «Мажолис ун-нафоис» асари илмий-танқидий матнини тузишни мақсад қилган. У Тошкентга келганида С.Ғаниеванинг тадқиқотлари билан танишган, ўзбек олимаси олиб бораётган ишдан қониқиб, «Мажолис ун-нафоис» қўлёзмалари. шу жумладан, асарнинг 903 (1498/1499) йили кўчирилган, ҳозирги кунда Вена кутубхонасида сақланаётган энг эски ва тўлиқ нусхасидан олинган микрофильмни Тошкентга юборади. С.Ғаниева асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда уни таянч нусха қилиб олди.

С.Ғаниева ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги қўлёзмага асар ил-

<sup>120</sup> Қаранг: Носов В. Дўстлик натижасида туғилган кашфиёт // Қизил Ўзбекистон. 1963 йил 24 январь.

мий-танқидий матнини тузишда мурожаат этган. Олима қўлэз-мани Султонали Машҳадий шогирдларидан бири кўчирган деб тахмин қилади.<sup>121</sup>

Бундай фаразларнинг билдирилишига сабаб, нусхада котиб-нинг номи кўрсатилмаган, матннинг баъзи ерлари бутунлай бошқа хат билан қайта кўчирилган – реставрация қилинган. Аҳамиятли жиҳати, тазкиранинг бу нусхаси энг қадимий манба-лардан ҳисобланади.

Матншуносликда илмий-танқидий матн шаклини тузишда таянч ва асос нусхаларни танқидий ўрганиш, тўғри илмий хуло-сага келиш муҳимдир. Матншунос олима хаттотлар ишига синч-ковлик билан илмий ёндашди. Баъзан таянч нусха деб олинган манба ҳам рад этилиб, асарнинг мазмунидан келиб чиқиб ке-ракли ўринларда бошқа асос нусхаларнинг варианты қабул қи-линди. Масалан, иккинчи мажлисдаги Паҳлавон Ҳусайн фикра-сида шундай сўзлар ёзилган: «Девона» тахаллус қилур эрди. Филвоқеъ абдолваш ва бағоят ичгувчи киши эрди. Аммо ному-родлиғи ҳам бор эрди. Чун ҳоли аз лутфи табъ эрмас эрди, назм ҳам айтур эрди. Бу матлаъ анингдурким:

طوبى مثال سرو شمشاد قامتى  
من وصف قامت تو چگويم قيامتى

*(Тубо мисол сарву шамшод қомате,  
Ман васфи қомати ту чегуям қиёмате.)*

Қорабоғда мақтул бўлди».<sup>122</sup>

Нашр илмий аппаратидан маълум бўладикки, Вена қўлэз-масида иккинчи мисрадаги *تو چگويم قيامتى* (ту чигуям қиёмати) жумласи тушиб қолган ёки қўлэзма зарарланганлиги туфай-ли ўқиш мумкин бўлмаган. Бу жумласиз ўқилса, мазмунга зарар етган бўлар эди. Лекин танқидий матн тузувчи бошқа нусха вариантларини илмий таҳлил этиш асосида байтдаги жумлаларни муаллиф таҳририга яқинлаштириб мисрани тў-лиқ тиклади.

<sup>121</sup> Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш // Алишер Наво-ий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фаъ, 1961. – Б.26.

<sup>122</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фаъ, 1961. – Б.77.

Асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда кенг илмий изланиш олиб борилди. Матн яратиб жараёнида 1945 йили Төҳронда Алиасфар Ҳикмат томонидан нашр этилган «Мажолис ун-нафоис»нинг форсча таржималари, асарнинг тошбосма нусхаси ва илмий-оммавий нашрига мурожаат қилинди. Адабиётшунос форсий таржималарни ўрганиш давомида: «... у даврларда таржима қилиш иши бирмунча бошқачароқ тушунилган. Таржимон матни истаганча қисқартириб ё ўзгартириб, баъзан тўлдириб кетаверган»<sup>123</sup>, – деб ёзади ва таржималарга оригинал асар ҳақида умумий тушунча бера оладиган янги китоб сифатида қарайди. С.Ғаниева ношир Алиасфар Ҳикмат таржималарни нашрга тайёрлашда ихтиёрида бўлган «Мажолис ун-нафоис»нинг учта қўлёзма нусхаси билан муқоёса қилиб иш тутганлигига алоҳида урғу беради.

С.Ғаниеванинг мақсади тазкирадан баъзи масалаларда фойдаланиш эмас, балки асар қўлёзмаларини ўрганиб чиқиб, илмий-танқидий матн шаклини тузиш бўлди. Олима «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матнини тузишда асарнинг ҳар қандай шубҳаю нуқсонлардан холи, мукаммал ва ишончли, имкони борича муаллиф қалами остидан чиққан асос матнини тиклаш, уни ўқувчиларга етказишни уддалади. «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матнини тузишда ўзига хос ёндашув билан тадқиқот олиб борилган. С.Ғаниева «Мажолис ун-нафоис»нинг қўлёзма нусхалари асосида аввал матн тузиш ишининг тарихий-назарий асослари, яъни асарнинг яратилган даври, унинг ёзилиш ва қайта таҳрир этилиш сабаблари, ғоявий мазмуни, ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти, Навоийнинг мақсади, тазкиранинг ўзига хос хусусиятлари каби жиҳатларни илмий-танқидий матни яратишда ҳисобга олди.

С.Ғаниева қўллаган принциплар кейинги тадқиқотларда ҳам фойдаланилмоқда. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони илмий-танқидий матнини яратишда М.Ҳамидова С.Ғаниеванинг «Мажолис ун-нафоис» матнини тузишда қўллаган тадқиқот усулларидан фойдаланганлиги ҳақида ёзади.<sup>124</sup>

<sup>123</sup> Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кирип //Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис» асарининг илмий-танқидий матни. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.14.

<sup>124</sup> Ҳамидова М. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.74.

Қўқон адабиёт музейида тазкиранинг Сулаймонқул Уста Суярқул ўғли Рожий Хўқандий 1329 (1911) йили кўчирган нусхаси сақланади. Бу манба ҳақида маълумот берувчилар унда 308 нафар шоир ҳақидаги фикрлар келтирилганлиги, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган мажлис охирида Мавлоно Лутфий ва Мавлоно Кобулий ҳақидаги адабий суҳбатлар йўқлиги, мажлислар охиридаги хотималар берилмаганлигини ёзишадди.<sup>125</sup>

Шарқшунос Е.Э.Бертельс эса «Мажолис ун-нафоис»даги шоирлар тартибини қуйидагича беради: I мажлисда 42, II мажлисда 84, III мажлисда 105, IV мажлисда 46, V мажлисда 4, VI мажлисда 28, VII мажлисда 16, VIII мажлисда 1 нафар шоирга алоҳида фикра ажратилган. Олим танишган тазкиранинг қўлёзмасида умумий шоирлар сони 336тадир.<sup>126</sup> Қуринадики, шарқшунос ўрганган нусха ҳам тазкиранинг биринчи таҳрири қўлёзмаси бўлган.

Асар яратилган вақтдан бошлаб хаттотлар томонидан кўчирилган, нусхалари эса турли кутубхоналарга тарқатилган. «Мажолис ун-нафоис»нинг нашрларидаги хилма-хиллик асл нусханинг икки хил вариантда кўчирилганлигидан келиб чиқади.

Тазкира илмий-танқидий матнининг тузилиши адабиёт тарихини, хусусан, Навоий меросини ўрганишдаги муаммоли масалаларга равшанлик киритди. Тазкиранинг ёзилиш даври билан боғлиқ ноаниқликлар тўлиқ тадқиқ этилди.

Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарини 1490/1491 йили ёзган, 1498 йили эса шоир тазкирани иккинчи марта қайта ишлаб таҳрир этган. Навоий тазкиранинг иккинчи мажлиси сарлавҳасида асарнинг ёзилиш йилини шундай кўрсатади: «... санаи тиладур...»<sup>127</sup> Лекин иккинчи мажлиснинг ёзилиш тарихи (896 (1490/1491) бутун асарнинг яратилиш санаси эмас. С.Фаниева тазкиранинг мукамал, тўлиқ қўлёзма нусхаларидаги маълумотларни ўрганиш билан асар иккинчи таҳрири амалга оширилиш даврини аниқлади.

<sup>125</sup> Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейи фондда Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. 1991. №4 (58).

<sup>126</sup> Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М.-Л., 1948. – С.25 – 26.

<sup>127</sup> Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис» асарининг илмий-танқидий матни. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.34.

Тазкиранинг еттинчи мажлисида теурийлардан Султонали мирзо ҳақида фикр бор. Яъни: «Султонали мирзо ҳоло Самарқанд мулкида салтанат тахтида мутамаккиндур дерларки таъби назмға моилдур бу матлаъни андин нақл қилурларким...»<sup>128</sup> С.Ғаниева тарихий манбаларга, хусусан, «Бобурнома»даги маълумотларга таянади. Султонали мирзо Самарқандга биринчи марта 1496 йили, иккинчи марта эса 1497 – 1500 йилларда ҳукмронлик қилган. Иккинчи мажлисда келтирилган йил билан Султонали мирзо ҳукмронлик қилган давр бир-бирига муносиб келмайди. Демак, асарнинг тўлиқ, мукамал таҳрири ёзилиш даври 896 (1490/1491) йил эмас.

Бу масалага биринчи бўлиб 1926 йили рус олими В.Бартольд эътибор қаратган эди. Лекин у иккинчи таҳрир Навоий қаламига мансуб эмас деган мулоҳазани билдирган.<sup>129</sup> С.Ғаниева эса асарнинг иккинчи таҳрири котибга эмас, Навоийнинг ўзига тегишли деган аниқ хулосага келади. Олима тазкирага кейин киритилган шоирлар асарнинг охирига ёки дуч келган жойига эмас, балки тазкиранавис талаби билан мажлисларга жойлаштирилганлигини қайд этади. Яна олима баён биринчи шахс, яъни тазкира муаллифи тилидан олиб борилган, шунинг учун Султон Ҳусайн ва унга яқин доира – Навоий ўзи муомала-муносабатда бўлган муҳитга мослаб тазкира тузганлигини ёзади.<sup>130</sup>

С.Ғаниева бу билан тазкира тили, услуби, композицион қурилиши жиҳатидан биринчи ва иккинчи таҳрири тамоман бир хил деган фикрни билдиради. Адабиётшунос асарнинг иккинчи таҳрири ҳақидаги илмий хулосасини далиллаш мақсадида яна тарихий маълумотларга мурожаат этади. Олима 1490/1491 йили Абдурахмон Жомий ҳаёт бўлган, шунинг учун биринчи таҳрирдаги учинчи мажлис Паҳлавон Котибнинг бир ғазали матласи билан яқун топганини, «Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи таҳририда эса шоир дўсти хотирасини ёдлаб рубоий билан учинчи мажлисни яқунлашини келтиради ҳамда тазкира 1498 йили

<sup>128</sup> Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис» асарининг илмий-танқидий матни. – Тошкент: Ған. 1961. – Б.206.

<sup>129</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. в IX тома. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, ГРВЛ, 1964. – С.222 – 223.

<sup>130</sup> Қаранг: Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси: археографик кириш // Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Ған, 1961. – Б.12.

Алишер Навоийнинг ўзи томонидан қайта тўлдирилганлигини илмий асослайди.<sup>131</sup>

Тазкиранинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ масала ҳамisha олимларнинг диққат-эътиборида бўлган. Хусусан, «Мажолис ун-нафоис» асарини Жомийнинг «Баҳористон» ва Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асари билан қиёсий тадқиқ этаркан, адабиётшунос Н.Маллаев шундай ёзади: «Алишер Навоий 1491 йили «Мажолис ун-нафоис»ни ёзишга киришди. Бироқ бу асарнинг қачон тугатилгани маълум эмас. Айрим фактлар, масалан, Абдурахмон Жомийнинг марҳум сифатида тилга олингани (Абдурахмон Жомий 1492 йили вафот этган) ва бошқалар Навоий бу асарни кейинроқ тугатган ёки таҳрир этган деб фараз қилишга асос беради».<sup>132</sup>

Турк адабиётшуноси Камол Эраслон «Мажолис ун-нафоис»нинг сўзбошисида С.Ғаниевнинг Навоий тазкирани 1491 йили ёзиб, 1498 йили қайта тўлдирган деган илмий хулосасини қувватлайди.<sup>133</sup>

Матн тарихини ўрганишда ҳар қандай маълумот матншуноснинг диққат-эътиборида бўлиши шарт. С.Ғаниева «Мажолис ун-нафоис» асари илмий-танқидий матн шаклини тузиб чиқишда бу масалага эътибор қаратган. Тазкирада Хондамир ҳақида Навоий: «Мавлоно Хондамир Мирхонднинг фарзандидур ва салоҳиятлик йигитдур. Тарих фанида маҳорати бор. «Нақий» отиға бу муаммо анингдурким...» деган сўзларини келтиради.<sup>134</sup> Асар илмий-танқидий матн нашри илмий аппаратида тазкиранинг Ленинграддаги қўлёзма нусхасида Хондамир Мирхонднинг «ўғлидур» деб ёзилгани кўрсатилган.<sup>135</sup> «Мажолис ун-нафоис» қўлёзма нусхаларида Хондамир ва Мирхонднинг қариндошлиги турли хил ёзилганлигидан адабиётшунослар баёнида чалкашликлар учрайди. Масалан, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асари нашри сўзбоши му-

<sup>131</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.3 – 14.

<sup>132</sup> Маллаев Н. XV тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти // Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – Б.276.

<sup>133</sup> Ali-şir Nevayî. Mecalisü'n-nefayis (Giris ve Metin). 1-kitab / Hazirlayan Prof. Dr. Kemal Eraslan. – Ankara: Turk dil Kurumu Yayinlari, 2001. – Б.104.

<sup>134</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1961. – Б.145 – 146.

<sup>135</sup> Кўрсатилган асар. – Б.8.

ган ўзгаришлар тикланаётган матнга киритилмайди. Ҳар бир сўз, жумланинг маъноси илмий текширилади. С.Ғаниева шу принцип асосида матний тафовутларни аниқлаб, таҳлилдан ўтказгач фарқларни илмий аппаратда кўрсатиб борган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг нашрлари бошқа мамлакатларда асарнинг чоп этилиши учун манба бўлмоқда. Хусусан, 1968 йили Кобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний чоп эттирган «Девони Султон Ҳусайн мирзо» китобида 1961 йили С.Ғаниева тайёрлаган «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матнидаги 8-мажлиси тўлалигича берилган.<sup>142</sup>

2008 йили Мозори Шариф шаҳрида афғонистонлик олим Абдуллоҳ Рўин томонидан тайёрланган китобга Алишер Навоий 20 жилдлик Мукамал асарлар тўпламининг 13-жилди асос қилиб олинган.<sup>143</sup> «Навоий фонди» саъй-ҳаракати билан амалга оширилган бу китобда матн шарҳлари берилган. Аниқ бўлишича, Абдуллоҳ Рўин Тошкент нашридаги матн шарҳларини айнан ёки қисқартириб беради. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»нинг биринчи мажлисида Мавлоно Амирийга ажратилган фикрада шайх Камол номи тилга олинади. С.Ғаниева бу шахсга қуйидагича шарҳ берган: «Камолиддин Масъуд (туғ. тахминан 1318 – 1323 Хўжанд – ваф. 1401, Табриз) Камол Хўжандий номи билан машҳур. Шоир асосий таҳсилни Хўжандда, кейин Самарқандда олган. Хоразм ва Шош(Тошкент)да ҳам истиқомат қилган. Камол Хўжандий ниҳоятда билимдон шахс бўлган: адабиёт, араб тили, фикҳ, ҳадис, калом, ҳикмат, тафсир ва тасаввуфни пухта билган. Ироқ ва Озарбойжон ҳокими Табриз атрофидан Волиёнқуҳ деган мавзени тухфа қилгач, ўша ерда боғ барпо этган ҳамда уни Беҳишт деб атаб, боғдорчилик билан кун кечирган...».<sup>144</sup>

Абдуллоҳ Рўиннинг Камол Хўжандий бошланғич таҳсил олган жойни Самарқанд эмас, Бағдод деб ўзгартириш киритгани инобатга олинмаса, у деярли шарҳни айнан беради.<sup>145</sup>

---

<sup>142</sup> Девони Султон Ҳусайн мирзо / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний. – Кобул: Давлат илмий нашриёти, 1968. – Б.3 – 46.

<sup>143</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Рўин. Балх вилояти, Султоний матбааси, 2008.

<sup>144</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.226 – 227.

<sup>145</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи Абдуллоҳ Рўин. Балх вилояти, Султоний матбааси, 2008. – Б.26.

Абдуллоҳ Рӯин китоб охирида «Мажолис ун-нафоис»нинг Али Асғар Ҳикмат томонидан chop этирилган Ҳирий ҳамда Қазвиний таржимаси ва Тошкент нашридаги шоирлар сонини ўзаро солиштириб, муқоясавий жадвал тузиб чиққан. Жадвалда келтирилишича, Тошкент(1997) нашрида 458, Ҳирий нусхасида 385, Қазвиний таржимасида 354 ижодкорга фикра ажратилган.

Куряниб турибдики, Абдуллоҳ Рӯин Тошкент нашрида 458 ижодкор номи келтирилганлигини қайд этмоқда. «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матнида шоирлар сони 459гача ташкил этган. Тазкира нашрларини ўзаро қиёсий ўрганиш асосида маълум бўлдики, Алишер Навоий 20 жылдлик Мукаммал асарлар тўпламида тазкиранинг тўртинчи мажлисидаги Паҳлавон Дарвеш Муҳаммад билан иниси Ҳусайний ҳақидаги фикра биргаликда берилган.<sup>146</sup> Шу сабабдан шоирлар сони биттага қисқарган. «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матнида бу ижодкорлар алоҳида-алоҳида фикрадан жой олган.

Шу ўринда гап «Мажолис ун-нафоис»даги ижодкорлар сони билан боғлиқ экан, баъзи мулоҳазаларни билдиришни лозим топамиз. Чунки тазкирадаги ижодкорлар турли қўлёзмаларда турлича берилди. Масалан, адабиётшунос М.Ҳакимов «Мажолис ун-нафоис»нинг Қўқонда топилган XVIII асрда кўчирилган нусхасида қўшимча яна икки шоир – Ҳузукрий ва Жафойй зикри келтирилиб, шоирлар сони 461га етганини аниқлаган.<sup>147</sup>

Камол Эраслон томонидан тайёрланган «Мажолис ун-нафоис» асарида эса 460 ижодкор ҳақидаги маълумот жамланади.<sup>148</sup> С.Фаниеваннинг қайд этишича: «Илмий-танқидий матнида асосий нусха Вена қўлёзмаси бўлгани учун 4-мажлисида шоир Мир Ихтиёриддиндан сўнг Париж нусхаси матни зимнида берилган Мир Зайд ул-Обидин фикраси Туркия нашрида алоҳида фикра сифатида келтирилган».<sup>149</sup>

П.Шамсиев ва Ойбек томонидан тайёрланган «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-оммавий нашрида эса олтинчи мажлисида Мавлоно Фоний ҳақидаги фикра бўлиб, бу ижодкор ҳақи-

<sup>146</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жылдлик. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.136.

<sup>147</sup> Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.161.

<sup>148</sup> Ali-şir Nevayî. Mecalisü'n-nefayis (Giris ve Metin). 1 – 2-kitab / Hazirlayan Prof. Dr. Kemal Eraslan. – Ankara: Türk dil Kurumu Yayinlari, 2001.

<sup>149</sup> Фаниева С. «Мажолис ун-нафоис»нинг Туркия нашри // УЗАС. 2006 йил 3 март.



даги маълумот тазкира илмий-танқидий матнида умуман учрамайди.

Бизнингча, тазкирадаги шоирлар сони билан боғлиқ турличалик бўлишига сабаб Алишер Навоий тазкирада бирорта ўринда ижодкорлар сони билан боғлиқ ишора беришни маъқул кўрмаган. Бу ҳолат тазкира қўлёзмаларида баъзи шоирларнинг тушиб қолиши ёки қўшилиши каби ҳолатларга олиб келган. «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матнида шоирлар сонининг берилиши аниқ, яқунланган хулосага келиш бўлмасдан, нисбатан тўғри жамланма ҳисобланади.

Демак, баъзи жузъий камчиликларга қарамай, С.Ғаниева тузган «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матни тазкиранинг асл нусха вариантыга энг яқин манбадир. «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матнини кенг жамоатчилик эътироф этди. Асарнинг форсий таржималарини ўрганган олим Р.Воҳидов «Мажолис ун-нафоис» асарини тадқиқ этишда, унинг илмий-танқидий ва оммавий нашрларини тайёрлашда С.Ғаниеванинг хизматларини алоҳида таъкидлар экан, «С.Ғаниева, шунингдек, «Мажолис ун-нафоис»нинг ёзилиш тарихи, адабий-эстетик аҳамияти, таржималари устида ҳам муҳим фикрлар билдирган»<sup>160</sup>, – деб ёзади.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарининг илмий-танқидий матни Ҳ.Исломий томонидан тайёрланиб, 2011 йили нашр этилди.

Ҳ.Исломий матнга таянч нусха сифатида Истанбулдаги Тупқопу музейидаги Риван кутубхонасидаги 808-рақам остида сақланаётган Алишер Навоийнинг 901 ҳижрий, 1495/1496 милодий йили Ҳиротда китобат қилинган «Куллиёт» фотонусхасини танлаган. Унинг таркибидан «Насойим ул-муҳаббат»нинг тўлиқ матни ўрин олган. Бу куллиёт Дарвиш Муҳаммад Тоқий қаламига мансуб бўлиб, Марказий Осиё хаттотлик санъатининг энг водир намунаси бўлмиш хафий ёзувда, яъни энг майда – элементлари яширин ва нафис ёзувда ёзилганлиги билан эътиборлидир. Олим бу қўлёзмани араб алифбоси таркибида шартли йўсинда «!» ҳарфи билан белгилаб, қўлёзма варақларига асар бошидан-охиригача тартиб рақамини қўйган. Ҳ.Исломий кў-

<sup>160</sup> Воҳидов Р. «Мажолис ун-нафоис»нинг таржималари. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.5.

макчи қўлёзма сифатида «Насойим ул-муҳаббат»нинг XVI асрда Ҳиротда хафий ёзувида ёзилган бўлиб, алоҳида бир китоб тарзида муқоваланган Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург қўлёзмалари фондида Д 97-рақами билан сақланаётган нусхасини жалб қилади. Нусхалараро ўзаро қиёсий таҳлиллар натижасида бу икки қўлёзма бир котиб томонидан кўчирилганлиги аниқланади. Қўлёзма шартли йўсинда «پ» ҳарфи билан белгиланади. Матншунос илмий-танқидий матнларда илгари учрамаган янги принципни қўллаб, китобнинг 14-варақ ҳошиясига 21 авлиё тўғрисидаги ёзилган баёнларнинг ҳам алоҳида қиёсини амалга ошириш мақсадида ҳошия варақлар кўрсатувини қўшимча «h» ҳарфи билан белгилайди.

Олим яна бир кўмакчи қўлёзма сифатида танлаган нусха Истанбул Сулаймония музейининг Фотиҳ кутубхонасида 4056-рақам остида сақланувчи Алишер Навоийнинг 24 асаридан таркиб топган куллиётидир. Куллиётнинг 52-варағидан 163-варағигача «Насойим ул-муҳаббат» ёзилган. Ушбу нусхани шартли йўсинда «پ» ҳарфи билан белгилайди. Олим яна икки қўшимча – Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида С 509-рақам остида сақланувчи XIX асрда Шарқий Туркистонда кўчирилган (шартли белгиси «У») ва Ўзбекистан Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 3415-рақам остида сақланувчи XIX асрда кўчирилган (шартли белгиси «مت») қўлёзмаларни жалб этади. Кўмакчи қўлёзмалар настаълиқ хатида ёзилган. Бунда матншунос қўлёзмаларни жиддий саралашдан ўтказганлиги кўринади.

Юқоридаги ҳар уч асосий қўлёзманинг хатлари ғоятда майда хафий ёзувида битилгани сабабидан Ўрта Осиё настаълиқ хатида, йўғон ҳарфларда ёзилган ушбу қўшимча қўлёзмалар матншуносга асарнинг мураккаб сўзларини аниқлашда ёрдам бериши назарда тутилган. Олим илмий-танқидий матнда ўзига-ча амалда бўлган барча текстологик принципларни қўллайди. Жумладан, асарнинг матн варағи ўнг томондан очилиши сабабидан варақларнинг биринчи бетига «а», иккинчи бетига «б» ҳарфи қўйилган. Ҳар бир варақнинг матни тугаганда варақ ҳошиясига // чизиқ хат билан қўйилиб, ёнида қўлёзманинг шартли белгиси پ , پ , ا берилган. Қўлёзмадаги матний тафовутларни ил-

мий аппаратда кўрсатиш учун «—» белгиси тушиб қолган матнга татбиқ этилган. Унинг бош сўзи ўша чизиқ олдида, давоми чизиқдан кейин берилган. Таянч нусхада тушиб қолган матн [ ] ичига олинган. Ушбу қавс ёнига қўйилган рақам қайси қўлёзмадан олинганини кўрсатади. Г нусхада баъзи жойларда авлиёларнинг отлари ва оятларга ўрин қолдирилган. Бундай матн пастки бурчакли белгида кўрсатилган. «Нафаҳот ул-унс» асари билан қиёсий таҳлил натижалари «д»да кўрсатилган. Катта ва кичик сарлавҳалар ҳамда узун жумлалар хатбошига ажратилиб, шеъринг парчалар саҳифа ўртасида берилган. Шахс ва жой номларига кўрсаткичлар тузилган. Бундан ташқари, Қуръони карим оятлари ва калималарига араб рақамида ишора қўйилиб, манбалар китобнинг кўрсаткичлар қисмида келтирилган.

